65.9
К 38

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги министрлиги
Қувасой тадбиркорлик ўқув илмий ишлаб чиқариш маркази
Фарғона илмий маркази

РАҲМОНАЛИЕВ А. А., ЖЎРАЕВ А., ЮЛДАШЕВ Х. Ю., ДАДАБАЕВ Ю. Т., ХУДОЙБЕРДИЕВ А., МИРЗОМАҲМУДОВ Т., М. СУЛТОНОВ Н. ОТАХОНОВ, Х. АҲМАДАЛИЕВ

# Қишлоқ хўжалигида индикатив режалаштириш

Тошкент — 1999 йил.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ

ҚУВАСОЙ ТАДБИРКОРЛИК ЎҚУВ ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

ФАРҒОНА ИЛМИЙ МАРКАЗИ

Раҳмоналиев А.А., Жўраев А., Юлдашев Х.Ю., Дадабаев Ю.Т., Худойбердиев А., Мирзомаҳмудов Т., М.Султонов, Н.Отахонов, Х.Аҳмадалиев

# Қишлоқ хўжалигида индикатив режалаштириш

Тошкент —1999 йил

*Ўқув қўлланма Олий ўқув юртлари, коллежлар, бизнес – мактабларининг ўқувчилари учун мўлжалланган*

*Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан тайёрланган.*

*Қувасой тадбиркорлик ўқув илмий ишлаб чиқариш марказининг илмий кенгаши томонидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.*

Namangan
Davlat 2055
Universiteti
ilmiy kutubxonasi

Тақризчилар: Иқтисод фанлари доктори, профессор
*А. Ғофуров,*
иқтисод фанлари номзодлари *Б. Холмирзаев,*
*М. Ҳамидов.*

# Кириш

Жамият ҳаёт кечиришининг барча жабҳаларидаги сингари ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосида доимий ривожланиш динамикаси ётади. Амалиётда бу динамика тўғри чизиқли ривожланиш хусусиятига эга эмас. Балки бу ривожланиш илмий-техник жараёнига боғлиқ ҳолда ўзгарувчандир. Қишлоқ хўжалигининг ривожланишига, шунингдек, табиий иқлим шароитлари ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Демократик жамият ҳар доим ўз олдига ҳаёт даражасини ошириш, такомиллаштириш вазифаларини қўяди. Қўйилган мақсад, фаолиятни ташкилий тарзда, хусусан, режалаштиришни талаб этади. Шу билан бир қаторда режалаштиришнинг формалари ва усуллари, тадбиқ этилиш механизми бутунлай турлича бўлиши ва ишлаб чиқариш муносабатларига таъсир кўрсатиши мумкин.

Фаолиятнинг ташкилий методи сифатида режалаштириш, ўз йўлида кўп босқичларни босиб ўтди. Шунга қарамай, режалаштириш, бошқарув ва хўжалик фаолиятининг турли босқичларида бўлган.

Айрим ҳолларда режалаштириш аниқ бир тизимга келтирилмаган фаолият сифатида намоён бўлса, бошқа ҳолларда, режалаштириш хўжалик юритиш механизмининг ўзагини ташкил этган.

Яқин ўтмишда, яъни 80–йиллар охиригача режалаштириш ижтимоий иқтисодий ҳаётнинг асосини, давлат томонидан юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг бош мезонини ташкил қилиб, маълум даражада директив характерга эга эди. 90-йиллардан бошлаб, режалаштиришдан амалда воз кечилди. Шунинг учун ҳозирда режалаштириш моҳиятини ўрганиш, қишлоқ хўжалигида юзага келган янги ишлаб чиқариш муносабатларида режалаштиришнинг тутган ўрнини тушуниб етиш, унинг иқтисодий муносабатларини шаклланишида иштирок этибгина қолмасдан, балки агросаноат мажмуини ривожланишида ҳал қилувчи фактор бўлиб қатнашиш борасида тадқиқот ишларини олиб борилишида қизиқиш ортиб бормоқда.

Режалаштириш тизими, унинг кўриниши ва методлари бозор муносабатлари шароитида иқтисодий режалаштириш ўзаги бўлган даврдагидан тубдан фарқланади.

Сўнгги пайтларда режалаштириш масалаларига қаратилган эътибор бир мунча пасайиб кетди. Унинг айрим услублари бозор муносабатлари шароитига мослаштирилиши устида иш олиб борилмади. Аввалги тизимда режалаштиришнинг тутган ўрнига қараган ҳолда, асоссиз равишда ундан воз кечиш ғояси олға сурилди, унинг бозор иқтисодиётидаги тутган ўрни эътибордан четда қолди.

Режалаштиришнинг янги тизими шаклланиши нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу, истиқболни белгилаш, дастурлар ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида, шунингдек мулкчилик кўринишидан қатъи назар қишлоқ хўжалик корхоналари, деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолиятларини самарали юритилиши билан боғлиқдир.

Маълумки, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши билан бирга бошқарув фаолияти ва бу билан боғлиқ ҳолда режалаштириш тизими, усуллари ва методлари ҳам ўзгаради.

# 1-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РЕЖАЛАШТИРИШИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

## Қишлоқ хўжалиги фаолиятини иқтисодий механизмида режалаштиришнинг ўрни ва мазмуни

Халқ хўжалигини марказдан туриб бошқариш даврини режалаштиришнинг назарий асосланиши, унинг давлат иқтисодий сиёсатининг асосий қуроли эканлигига таяниб, ўзида режани ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, бажарувчиларга етказиш ва унинг бажарилишини назоратга олишни мужассамлаштирган эди. Режалаштириш услублари, жамият олдида қўйилган вазифаларни бажарилишини кўзда тутган ҳолда ишлаб чиқилган директив режаларни бажаришга мослаштирилган эди.

Жамият турмушида юз берган ижтимоий-иқтисодий йўналишлардаги ўзгаришлар фаолият юритишнинг рационал методларидан, шу жумладан режалаштиришдан ҳам воз кечишга олиб келди. "Режа", "режалаштириш" тушунчаси асоссиз равишда чиқариб ташланди. Шу боисдан "режа" деганда нима тушунилишини эслашга тўғри келади. "Режа" сўзи лотинча сўз бўлиб, "текислик" (ёки "planus" 1) ясси, текис; 2) аниқ; тушунарли) маъносида таржима қилинади. Шундай қилиб, бу борада сўз текислаш зарурлиги тўғрисида боради. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни режалаштириш юз берувчи инқирозни олдиндан кўриш, унинг таъсирини юмшатиш, қўйилган вазифаларни аниқ бажарилишини таъминловчи фаолиятни англатади.

Ҳар қандай самарали фаолият, аниқ якуний мақсадга эришиш усуллари ёки механизмларини, мақсадга эришиш босқичларини англатади. Бу технологик жараёнларга ҳамда шунингдек, иқтисодий жараёнларга, ҳам улар бошқарувнинг қандай даражасида эканлигидан қатъий назар, хосдир.

"Режалаштириш" ибораси барча ижтимоий-иқтисодий даврларда турлича талқин этилган, лекин бу иборанинг тушунчаси амалда ўзгармай қолди. Хусусан В. Даль режалаштириш деганда "корхона, мўлжал, ўйлаб кўрилган таклиф, бирор мақсад йўлида-

ги фаолият тартиби"ни тушунган. С.И Ожегов таҳриридаги "Рус тили луғати"да ҳам худди шу тарзда, лекин замонавий шарт-шароитларга яқинлаштирилган ҳолда талқин қилинган: "Олдиндан белгиланган тадбирлар, кўзда тутилган тартиб, ишни бажариш муддати".

Бошқарув фаолиятини режалаштириш, иқтисодий муносабатларнинг у ёки бу системасининг фаолиятини белгиламайди.

Бошқарув фаолияти сифатида режалаштиришнинг қўлланилмаслиги, ўз ҳолича иш юритиш, тўла анархия демакдир. Шу боис иқтисодиёт соҳасида бундай ҳолга йўл қўйиб бўлмайди ва амалиётда учрамайди. Шунинг учун, гап келажак фаолиятни режалаштириш билан жараёнлар ривожланишининг ўз ҳолича ривожланишини ўзаро муттаносиблиги ҳақида бориши керак. Бу муттаносиблик кўп ҳолларда жамиятнинг барча ижтимоий-иқтисодий фаолияти самарадорлигини таъминланишини белгилайди.

Хўжалик юритишнинг иқтисодий механизми системасида режалаштиришнинг ўрнини ва мазмунини белгиловчи қатор омиллар мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийлари қуйидагилардан иборат.

Аввало бу ишлаб чиқаришга, айниқса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таъсирни кучайтириш жараёни, илмий-техника жараёни, замонавий, мукаммал технологияларга ўтиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишни рационал формаларини жорий қилиш, самарали иқтисодий муносабатларни йўлга қўйишдир. Ҳар бир, бирор мақсадни кўзлаган, ишлаб чиқариш кучларини ва муносабатларни ривожлантириш жараёни режалаштиришни, истиқболни олдиндан кўра билишни ва белгилашни талаб этади. Бу, халқ хўжалиги муаммоларига тааллуқли, масалан, янги ахборот технологияларига ўтиш масалаларига тегишли бўлганидек, тармоқлар муаммоларига, хусусан ишлаб чиқишни атроф муҳитга мослаштириш, озиқ-овқат саноатида чиқиндисиз технологияларни жорий қилиш ва бошқаларга ҳам тегишлидир. Бундай ҳолат, мулкчилик шаклидан, товар ишлаб чиқариш ҳажми ва ихтисослаштирилганидан қатъий назар хўжалик юритишнинг бошқа табақалари учун ҳам хосдир.

Бошқарув фаолияти ривожланишнинг зарурийлигини белгиловчи яна бир омил иқтисодий ривожланишнинг даврийлигидир. Иқтисодий ривожланишнинг даврийлигини тан олган ҳолда унинг даврларини юзага келиб чиқишини олдиндан кўра билиш, бир даврдан иккинчисига ўтишда истиқболни ҳаракат режасини белгилаш вазифаси олға сурилади.

Режалаштиришга бўлган талабни асословчи омиллар мисолига иқтисодий ривожланишнинг асосий талаблари бўлмиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўлиб, бу кўрсаткич аввало меҳнат унумдорлигини ошириш, ресурс тежамкорлиги (маҳсулот

ёки иш бирлигига нисбатан) билан белгиланади. Бу муаммо комплекс, тармоқлараро бўлиб, аниқ бир келажак учун ҳисоб қилинади. Шунинг учун бу муаммо, натижаларни аниқ ҳисоб-китоб қилмасдан, режалаштириш системаларини ташкил этувчилардан фойдаланмай туриб, ҳал этилиши мумкин эмас.

Ниҳоят, режалаштириш зарурлигини белгиловчи омиллардан яна бири шуки, бу омил иқтисодий ва ижтимоий фаолият натижаларини боғлайди. Бу ўзаро боғланиш йўналтирилган фаолият жараёнида, бошқача қилиб айтганда режалаштириш натижасида келиб чиқади.

Шу тариқа режалаштиришнинг бошқарув фаолиятида зарурлигини таъкидловчи кўплаб далилларни келтириш мумкин.

Ишлаб чиқаришни самарали юритилишида режалаштириш омилларидан фойдаланишга бўлган талаб қишлоқ хўжалигининг хусусиятларига қараб янада яққолроқ намоён бўлади. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини иқлим шароитларига боғлиқлиги, ривожланишни фақат хоҳиш истак бўйича йўналтирилишини кўзда тутмасдан, балки турли бошқа шаклларини инобатга олиш даркор бўлади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мавсумийлиги меҳнат, ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслардан фойдаланишга ўзгача ёндошишни талаб қилади. Биологик ва ишлаб чиқариш иқтисодий омиллар бирикмасини қарама-қарши йўналишларда боришига йўл қўйилмаслиги керак. Акс ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлиги пасайиши, атроф муҳитни ифлосланиши каби ноқулай вазиятлар келиб чиқиши мумкин. Қишлоқ хўжалигининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, асосий ишлаб чиқариш воситаси ер бўлиб, ундан фойдаланиш, табиий ва миллий бойлик сифатида, деҳқончиликнинг илмий асосланган системалари асосида амалга оширилиши лозим. Акс ҳолда, тупроқ унумдорлиги йўқотилади, унинг маҳсулдорлиги пасайиб, оқибатда моддий ва молиявий ресурсларни номақбул сарфланишига олиб келади.

Режалаштиришнинг ташкилий-иқтисодий мазмунини аниқ бир муддат ичида эришилиши кўзда тутилган мақсадни амалга ошириш учун белгиланган кўрсаткичлар ва чораларни аниқлашга йўналтирилган, бошқарув фаолиятини кўрсатиши деб изоҳлаш мумкин. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ўзгарган шароитда режалаштириш характери ҳам ўзгаради. Бироқ, юқорида айтиб ўтилгандек, унинг объектив асослари мавжуд. С.Г. Струмилин йигирманчи йиллар охирида ёзганидек, ҳар қандай режа — энг кам вақт ва ҳаракат сарфлаган ҳолда олдинга қўйилган мақсад сари қилинадиган ҳаракат дастуридир.

Ҳозирги замон бозор муносабатларига ўтиш шароитида режалаштириш масалаларига кам эътибор берилмоқда. Режа-тақсимот системасининг иллатлари хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмига тегишли эканлиги тан олинмасдан, аксарият бу ил-

латлар гўёки бошқарув фаолиятининг ажралмас функцияси сифатида режалаштиришга тааллуқли деб ҳисобланди.

Айни пайтда, товар-пул муносабатларининг, бозор за режанинг ўзаро боғлиқлигига 60-йиллардаёқ иқтисодчи олимлар эътибор берган эдилар. Қишлоқ хўжалигида товар айирбошлашда иқтисодий омиллардан фойдаланиш зарурлигини В.Г.Венжер кўрсатиб ўтган эди. Ўтган йилларда амалга оширилган, бу борадаги кўплаб ишлар ўзининг услубий моҳиятини йўқотган эмас. Жумладан, режалаштириш ва режали ечилмаларни таҳлил қилишнинг иқтисодий-математик усуллари (Л.В. Канторович, В.П. Можин), режалаштиришга кўзда тутилган дастурий услубда ёндошиш (В.В. Милосердов, Г.П. Руденко, Г.В. Безпоходный В.И. Киселев), жамоа ишлаб чиқаришининг мутаносиблиги (С.С. Шаталин) Р.И. Шинлер ва Л.С. Новоселов адолатли равишда таъкидлайдиларки, "директив ва иқтисодий режалаштириш"дан, тоталитар давлат маҳсули деб, воз кечиш нотўғридир. Уларнинг фикрича, иқтисодий режалаштириш XX асрнинг биринчи ярмидаёқ, яъни янги техника ва технологиялардан фойдаланиш, интеграция ва макрохўжалик юритиш алоқаларини ривожлантириш масалалари кўтарилган даврда, заруриятга айланади. Бу борада таъкидланадики, режалаштиришсиз, ягона таркибий ва ҳудудий сиёсатни шакллантириш, иқтисодий ва ижтимоий манфаатлар ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилиш имкони бўлмайди.

Агросаноат комплексида инвестицион жараёнларни шакллантиришида режалаштиришнинг дастурий ва бошқа усулларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини Д.Б. Эпштейн асослаб берган.

Ҳозирги вақтда даставвал режалаштиришнинг хўжалик юритиш иқтисодий механизмида тутган ўрнини аниқлаш муҳимдир. Бу муаммони ҳал этишда ҳар томонлама ёндошмоқ лозимдир. Энг аввал режалаштиришни бу механизмни таркибий қисмлари билан, айниқса давлат бошқаруви системасида, ўзаро боғланишини белгилаш лозим. Мазкур боғланишни қуйидаги намунавий схемада тассавур қилиш мумкин (1-расм).

Бу системада режалаштириш ўзининг бевосита ролини бажаради, яъни кўзланган мақсадни аниқлаш, бу мақсадга эришишни таъминловчи кўрсаткичлар ва чораларни белгилаш, қишлоқ хўжалиги ва агросаноат комплексининг бошқа тармоқларини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ғоясини олдиндан кўра билиш, шунингдек товар ишлаб чиқарувчиларга таъсир кўрсатишнинг иқтисодий жабҳалари, жумладан нарх-наво, молиявий-кредит блокларининг боғловчиси сифатида келади. Агар юқорида айтилганлар режа-тақсимлаш даврида, а эсан режа топшириқлар амалга оширилиши таъминлаш механизмлари функцияси ролини бажарган бўлса, энди бозор муносабатларида ўз-ўзини бошқариш ролини ортиши муносабати билан аҳвол ўзгаради.




1-расм.

Бу талаб ва таклиф нархларнинг шаклланишига, рақобатни ривожланишига ва бошқа жиҳатларига тегишлидир. Шундай бўлсада, давлатнинг агросаноат комплексини қўллаб қувватлаш ва бошқариш юзасидан юритаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат белгилаган мақсадга эришиш учун умумий топшириқ ва вазифалар ўз ўрнида қолади ва бу йўлда хўжалик юритишнинг барча иқтисодий механизмлари йўналтирилиши лозим.

Давлат томонидан бошқарув тизими функциялари билан бир қаторда хўжалик юритиш соҳасида режалаштиришнинг тутган ўрни ортиб боради. Бу биринчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотла-

рини етиштирувчиларга берилган ишлаб чиқариш — хўжалик юритишдаги тўлиқ мустақиллик, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик шаклининг ўзгарганлигига боғлиқ бўлса, иккинчидан, бозор муносабатлари хўжалик юритувчи субъектлардан бозор талабини қондиришга, бозорда ўз маҳсулотини ўтказишга, маркетинг фаолиятига йўналтирилган режалаштиришга янгича ёндошишни талаб қилади. Бу барчада ишлаб чиқаришни ривожлантириш, молиявий, меҳнат ва моддий ресурслардан фойдаланиш, истеъмол ва жамғармадан мутаносиб фойдаланиш, ижтимоий тусдаги чораларни амалга ошириш билан боғлиқ кўплаб хўжалик юритиш функцияларини режалаштириш эҳтиёжи сақланиб қолади.

Шундай қилиб, режалаштириш хўжалик юритиш функцияси сифатида, иқтисодий механизмда ўз ўрнига эга бўлибгина қолмасдан, ишлаб чиқаришга ўз таъсир доирасини кенгайтиради. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг барча босқичларида режалаштириш системаси ва принципларига ёндошишда ўзгаришлар юз беради.

**Қишлоқ хўжалигини режалаштириш системалари ва принциплари**

Қишлоқ хўжалигида бошқарув фаолият функцияси сифатида — режалаштириш маълум принципларга асосланади. Улардан айримлари объектив асосга эга бўлиб, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий муносабатлар даврида ҳам ўз ўрнини сақлаб қолади, бошқалари эса мазкур муносабатлар натижасида ҳосил бўлиб, аграр сиёсатни ўзгариши билан ўз таъсирини тўхтатади. Умумий принципларнинг аксарияти иқтисодиётнинг ривожланиш йўлида ўз йўналишини ўзгартиради.

Дастлаб режалаштириш бошқарув фаолиятини мустақил кўринишига эга бўлмасдан, алоҳида олинган масалаларни ҳал этилишида фойдаланилган. Буни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини натура ҳолида, ўлпон, солиқ ва бошқа кўринишларда мулкдор — давлатнинг фойдаси учун қандай миқдорда олиш борасида қилинган ҳисоб-китоблар сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Кейинчалик, товар – пул муносабатлари ривожланар экан, режалаштириш ўзининг аниқ кўринишларига эга бўла бошлади. Бунда, режалаштириш давлат ва хўжалик фаолиятининг молиявий томонини қамраб, асосан бюджет ва бошқа сарф-харажатлар, сметасини ишлаб чиқиш билан ифодалана бошлади. Ҳар бир хўжалик ўз фаолиятини аввалдан режалаштирган. Дарҳақиқат, хўжаликлар учун келгуси иш ҳосили учун қанча уруғлик қолдирилиш, чорва ҳайвонларини қишлови учун зарур бўлган озуқа захираси миқдорини белгилаш, жиҳозлар, техникалар сотиб олиб учун маблағ нима ҳисобига жамғарилиши муҳим ҳисобланган. Бу даврда қишлоқ хўжалигида у ёки бу турдаги фаолиятни бажарилишини таъминлаш асосий принцип ҳисобланган.

Давлат томонидан юритилаётган ижтимоий–иқтисодий сиёсатни амалга ошириш мақсадида давлат ва унинг қонунчилик ва бажарувчи органларининг асосий функцияси сифатида режалаштиришнинг аниқ принциплари шакллана бошлади. Бу, айниқса револютсиядан кейинги вақтга хосдир. Умумий хусусиятга эга бўлмаган принципларга қуйидагиларни келтириш мумкин.

Директив принцип. Режалаштириш аста–секин қонун функцияси даражасига кўтарилиб, қишлоқ хўжалигини ҳам ўз ичига олган ҳолда, бошқаришнинг қуйидан юқори табақасигача барча фаолиятни ўз ичига олади. Режанинг қонун ёки директив таъсир фаолияти таҳлил қилинар экан, шуни таъкидлаш лозимки, унинг қўлланилиши қишлоқ хўжалигида куч ишлатиш усулида олиб борилди. Биринчи жаҳон уруши давридаёқ чор Россияси ҳукумати армияни таъминлаш учун давлатга мажбурий дон топширишни қўллаган эди. Кейинчалик совет давлати ҳам "ҳарбий коммунизм" даврида армия ва шаҳарларни зарур ресурслар билан таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотларни куч ишлатиш йўли билан тортиб олиш чораларини қўллади. Маълумки бу сиёсат, деҳқонлар ўртасида норозиликлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Бундай ҳол, йигирманчи йиллар охири ва ўттизинчи йиллар бошида янги иқтисодий сиёсатдан воз кечилганда ҳам юз берди. Директив режалаштириш тизими кўп ҳолларда деярли олтмиш йил ҳукмронлик қилди. Ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш кучларининг ўзгариши билан мазкур принципнинг қўлланилиши қишлоқ хўжалигини ривожланишига тўсқинлик қилаётганлиги борган сари яққолроқ намоён бўла бошлади.

Айни пайтда, бир қатор ҳолларда режанинг директив хусусиятига эгалиги ўрни оқлайди. Бунга фавқулотда ҳолатлар даврини мисол қилиш мумкин, жумладан 1941–1945 йилларда Улуғ Ватан уруши даврида давлат қўлидаги озиқ–овқат маҳсулотлари, моддий–техника ресурслари, пул маблағларни ушлаб туриш ва улар мақсадли ишлатилиши талаб этилган.

Бундай ҳоллар тинчлик даврида ҳам юз бериши мумкин. Аммо улар қишлоқ хўжалигида асосан экологик вазият талаблари, аҳоли турмуши хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлади.

Режалаштиришнинг асосий принципларидан бири – мутаносиблик принципидир. Директив режа шартларига асосан қишлоқ хўжалигида бу принцип, қишлоққа моддий техника ресурсларини етказиб берувчи, саноат тармоқлари ишлаб чиқариши ва қишлоқ хўжалигини буларга бўлган талабини балансга келтиришни, қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантиришини, қайта ишлаш саноатини шакллантиришини, деҳқончилик ва чорва маҳсулотлари ҳажмини оширишни, молиявий ресурсларнинг мавжудлиги ва уларни ишлатилишини белгилаб келган.

Амалда кўрсатилган йўналишларнинг бирортасида ҳам белгиланган мутаносибликка эришилмаган. Бунинг сабаблари турлича. Биринчидан, ҳақиқатда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари уларга бўлган талабни қоплай олмаган. Натижада, режа – бир томондан, жамият талабини қондиришни таъминлай олмаган бўлса, иккинчи томондан, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига таъсир кўрсатувчи маъмурий буйруқбозлик қуролига айланиб қолган эди. Иккинчидан, бу даврда давлат томонидан ҳал этилаётган сиёсий муаммолар мутаносибликни таъминланишига йўл бермади. Учинчидан, бажарувчи, қонун чиқарувчи ва режалаштириш органлари ўз зиммаларига амалда бажариб бўлмас вазифаларни олган эдилар. Хусусан қуйи босқичда хўжаликлараро минглаб ва миллионлаб алоқаларни кўзда тутган ҳолда ривожланиш мутаносиблигини олдиндан белгилаш мумкин эмас эди. Тўртинчидан, бу принципни қўлланилишида маълум даражада қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларнинг ҳақиқий талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинмади. Натижа мутаносиблик принципида фойдаланиш самарадорлиги жуда катта миқдорда материал ва молиявий сарф-харажатлар, меҳнат ва ресурслардан фойдаланиш унумдорлигининг ўта пастлиги билан характерланади.

Агросаноат комплексида номутаносибликни четлаб ўтиш йўлидаги уринишлар уларни бартараф этиш, механизмларини ишлаб чиқиш ва "тор" ўринларни белгилашда ўз аксини топди. Бу номутаносибликни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин: ишлаб-чиқариш, иқтисодий ва ижтимоий.

Ишлаб чиқаришдаги номутаносибликка маъмурий усулда ушлаб турилган чорва ҳайвонлари бош сони билан озуқа базасини ривожланишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Натижа шундай бўлдики, чорвачилик маҳсулдорлиги йўл қўйиб бўлмас даражада паст бўлиб, ресурслардан оқилона фойдаланмасликка олиб келди.

Иқтисодиётдаги "тор" ўринлар ,хусусан, қишлоқ хўжалигига маблағ сарфлаш билан улардаги кўриладиган натижа, меҳнат унумдорлигини ўсиши ва меҳнатга ҳақ тўлаш, айрим маҳсулотларга иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаган нархлар белгиланишида намоён бўлади. Ижтимоий соҳада номутаносиблик ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга маблағ сарфланишида, янги технологияларга ўтилишида, ходимлар малакасини оширишда, шаҳар ва қишлоқда маиший-маданий хизмат кўрсатиш даражасидаги фарқда кузатилади.

Шу билан бир вақтда агросаноат комплекси фаолиятининг турли иқтисодий тизими ва босқичларида ривожланишнинг мутаносиб принципларини тадқиқ этилиши муҳим ва зарур аҳамиятга эга эди. Вазифа шундан иборат эдики, бундай мутаносибликни шакллантирувчи механизмларни топиш ва уларни қўллаш ло-

зим эди. Агросаноат комплекси иш тажрибасидан маълум бўлдики, ўзини бошқарувчи бозор механизми мутаносиб ривожланишни таъминлай олмади. Монополиянинг сақланиб қолганлиги, но-қулай макроиқтисодиётни юзага келиши, қишлоқ хўжалиги тармоқлари ўртасида номутаносибликни кучайтирди. Айни пайтда мутаносиблик чекланган бир соҳада ижтимоий - иқтисодий жараёнларни, хусусан талаб ва таклифларни, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларининг нарх-наволарини, жамғарма ва истеъмолни бошқаради. Агар илгари мутаносиблик қатъий миқдорий кўрсаткичларни белгилаган бўлса, ҳозир кўп ҳолларда иқтисодий методлар (солиққа тортилиш, ёрдам пули, бозордаги ортиқча молларни сотиб олиш, товар интервенцияси ва бошқалар) қўлланилади. Шу билан бирга уларнинг йўналиши тақсимлаш характерига эга бўлганлиги ва бозор субъектларини мутаносиб йўналишларга қизиқтиришга хизмат қилиши лозим.

Режалаштиришнинг яна бир принципларига халқ хўжалиги ва унинг тармоқларини ривожланишига давлат томонидан марказлашган ҳолда раҳбарлик қилиниши маҳаллий органлар ва корхона жамоалари ташаббуси билан юритилаётганлигини овоза қилишдир. Аммо аслида эса, бу принцип фақат марказнинг раҳбарлик ролини белгилаб, хўжалик юритувчи субъектларни бўйсундириш сиртмоғига солиб қўйилган эди. Шунинг учун бир неча маротаба хўжаликларга мустақил фаолият юритишларини кенгайтириш борасида қарорлар чиқарилгани билан, ҳақиқатда улар ҳаётга татбиқ этилмади.

Бунинг асосий сабабларидан бири икки қарама–қарши йўналишларни бириктириб бўлмаслилиги бўлади. Давлат маҳсулот етиштириш сурьагларини режалаштирган бўлса, хўжаликлар аксинча ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб, капитал сарфланиши, моддий–техника ва молиявий ресурслар ҳажмини кўпайтириш борасида талабни оширишга интилдилар. Бундай ҳолатда, одатда, давлат лойиҳалар чиқариб, амалда бажарилмай қолар эдики, натижада агросаноат комплексини ривожлантиришда қўшимча номутаносиблик келиб чиқади.

Бозор иқтисодиёти режалаштиришда бу принципга бўлакча ёндошишини тақазо этади. Жумладан қишлоқ хўжалиги товарларни етиштирувчилар, жамият ва давлат манфаатлари бир мақсадга бирикиши лозим. Бу принципнинг ҳаракат қуроли сифатида давлат томонидан белгиланган мақсадли дастурлар намоён бўлиб, уларни ишлаб чиқаришда, у ёки бу субъектлар ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иштирок этадилар.

Бу принциплардан яна шундай ҳ...т келиб чиққан эдики, режанинг асосланганлиги мезони унинг ўзига қаттиқ белгиланиши билан ўлчанар эди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида бундай ҳол қишлоқ хўжалиги имкониятларини ҳисобга олмаган

ҳолда, режалаштириш кўрсаткичларини белгилашга олиб келар эди. Режа кўрсаткичларини паст белгиланиши ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилишига шароит яратмайди, ички резервларни ишга солинишига тусқинлик қилади деб ҳисобланар эди. Амалда эса, тажрибалар кўрсатадики, режани мақбул даражада пасайтириб қабул қилиниши уни бажарилишига ишончни ошириб, ишлаб чиқариш ҳажмини ўсишига имкон яратди. Қишлоқ хўжалигини рағбатлантириш тўғрисида 1995 й. март қарори ва 80-йилларни иккинчи ярмида чорвачилик маҳоратларини давлат томонидан сотиб олинишини, маҳсулот етиштирувчиларни имкониятларини ҳисобга олиб режалаштириш борасидаги қарорлар чиқарилганда бу ҳол кузатилади.

Режалаштиришни бу даражада қаттиқ, зўрқиш билан белгилашни оқлаш учун шундай усуллардан фойдаланилар эди, яъни ҳақиқатда эришилаган кўрсаткичларнинг ўртача йиллик миқдорларини ҳисоби юритилар эди, айрим ҳолларда эса режалаштириш жараёнида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда обҳаво таъсири ҳисобга олинар эди. Директив ва қаттиқ режа принциплари бирлашиб шунга олиб келар эдики, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари уларни етиштирганлардан, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва ички истеъмол талабларидан қатъий назар буткул тортиб олинар эди.

Ҳозирги шароитда қаттиқ режалаштирилган қарорлар кенг миқёсда қўлланилмаслиги маълум. Лекин ички хўжалик муносабатларини дастурий мақсадли режалаштирилишида фойдали бўлиши мумкин. Айниқса, бундай режалаштириш томонларнинг манфаатларини тенглаштирувчи шартномавий муносабатларда, шу жумладан, давлат мақсадли дастурлари чегарасида қўлланилиши мумкин.

Режалаштиришнинг етакчи принципларидан бири, қўйилган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган тадбирлар жумласидан асосий звеносини ажратиб кўрсатиш бўлган. Умуман олганда услубий жиҳатдан олганда тўғри бўлган бу чора амалда жиддий хатоларга олиб келди. Жумладан, кўп вақт мобайнида, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи оғир саноат халқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган бўлиб, унинг ривожланиш суръати халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидан юқори бўлиши шарт бўлган. Халқ хўжалиги тузилишининг ижтимоий-иқтисодий муаммосига бундай кўр-кўрона ёндошиш натижасида, озиқ-овқат комплекси ва бошқа халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи соҳалар бўйича саноат шаклланиши юз беради. Оқибатда, бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қолоқлашувига, маҳсулотларни қайта ишлаш тармоғини ривожланмай қолишига ва озиқ-овқат маҳсулотларини тақчиллигига олиб келди. 80-йиллар охирига келиб, агросаноат комплексида таркибий ўзгаришлар зарур-

лиги тан олинди ва қайта ишловчи саноатни такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқила бошланди.

Ҳар бир тизимда бўлганидек, қишлоқ хўжалиги режалаштиришида ҳам асосий йўналтирувчи, шу жумладан ёрдамчи ва иккинчи даражали механизмлар мавжуд. Шунинг учун дастурлар ва бошқа кўринишдаги режалар ишлаб чиқилаётганда, таҳлилий тизим ва истиқболни белгилаш асосида, нисбатан муҳим фаолият турлари, соҳалари, воситаларидан фойдаланиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига таъсир кўрсатиш усуллари аниқланиши керак.

Режалаштириш принциплари сифатида комплекслик, шунингдек қабул қилинган қарорларни юқоридаги иқтисодий самарадорлигини таъминлаш қабул қилинган бўлиб, охиргиси маҳсулот етиштириш ҳажмини ошириш билан бир қаторда, меҳнат унумдорлигини ошиши ва уни меҳнатга ҳақ тўлашга боғлиқлиги, фойда ёки рентабеллик, материал ёки маблағ сарфини камайтириш ва бошқалар билан аниқланади. Бу принциплар маълум даражада замонавий шароитлар учун ҳам мақбул ҳисобланади. Режалаштиришнинг комплекслигини кўп жиҳатларни ҳисобга олинишини, турли йўналишларни ўзаро боғлиқлигини назарда тутади. Қишлоқ хўжалигига таъсир кўрсатувчи ҳар бир иқтисодий дастаклар алоҳида-алоҳида кўрилмасдан, ўзаро боғлиқликда қабул қилиниши муҳимдир. Ишлаб чиқилаётган режавий топшириқларниг самарадорлиги кўрсаткич бозор мезонлари, масалан маҳсулотнинг рақобат бардошлиги кўрсаткичи билан тўлдирилиши керакдир.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиги хусусиятларини ўзида акс эттирувчи режалаштириш принципларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Улар жумласига табиий об-ҳаво шароитларини иш якунига таъсир этишлигини, ерни асосий ишлаб чиқариш воситаси эканлигини киритиши мумкин. Табиий шарт-шароитлар ҳисобга олинганда одатда ўтган 3–5 йил ичида эришилган ўртача кўрсаткич асос сифатида қабул қилинади. Режалаштириш объекти сифатий кўрсатгичлари асосан, агротехник тадбирлар тизимига боғлиқ бўлган режа катталикларни боғлиқ бўлган режа катталикларини ишлаб чиқаришда молиявий ресурсларни ҳисоблашда, солиқ тўловлар миқдорини аниқлашда, қишлоқ хўжалигини кўп укладли боғланишини шаклланишида қўлланилади.

Шу билан бирга, янги иқтисодий шарт-шароитлар, қишлоқ хўжалигида ўтган даврнинг талабларига, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш истиқболига жавоб берувчи режалаштириш принципларини қўлланилишини тақозо этади. Улар ичида қуйидагилар нисбатан муҳим ҳисобланади. Аввалambор қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларга нисбатан режалаштиришнинг индикатив ёки тавсия характерга эга эканлигидир. Бу агросаноат комплекси товар ишлаб чиқарувчиларга

ўзларига маъқул бўлган, энг самарадор, иқтисодий йўналишлардан бориш ҳуқуқини беради.

Шу билан бир пайтда айрим чеклашларга йўл қўйилади. Булар асосан икки гуруҳга кирувчи: молиявий (ёрдам пуллар, солиқлар) ва экологик кўрсаткичларга тааллуқлидир. Баъзи ҳолларда ташқи иқтисодий фаолият юритишда, (квоталар, лицензиялар ва бошқалар) чеклашлар қўлланилади.

Миқдор ва шунингдек сифат кўринишидаги ишлаб чиқариш — иқтисодий кўрсаткичлар тавсия берувчи ва тахминий бўлиши шарт. Миқдор сифатида кўрсаткичларга масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат томонидан сотиб олинишига белгиланган квоталарни киритиш мумкин бўлиб, улар хўжаликлар томонидан қабул қилиниши ёки қабул қилинмаслиги мумкин, яъни хўжаликларга мазкур квоталарни киритиш мумкин бўлиб, улар хўжаликлар томонидан қабул қилиниши ёки қабул қилинмаслиги мумкин, яъни хўжаликларга мазкур квота бўйича давлатга ўз маҳсулотларини сотиш бўйича шартнома (контракт) тузиш ёки тузмаслик ҳуқуқи берилади. Сифат кўрсаткичлари, одатда, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминловчи, ишлаб чиқаришнинг маъқул даражасини, меҳнат унумдорлигини иқтисодий даражасини, энергоресурслар ва бошқаларнинг солиштирма сарфларини акс эттиради.

Режалаштириш функциясининг агросаноат комплексини бошқарувчи давлат органлари ва хўжалик ташкилотлари, товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида тақсимланиши яна бир принципини билдиради.

Бу принцип бошқарувнинг давлат органлари томонидан кўпинча индикатив режалаштиришдан келиб чиқади. Бунинг мазмуни шундан иборатки, давлат бошқаруви режа қарорларини фақат ўзи мулк эгаси ҳисобланган, ўз тасарруфидаги корхоналар бўйича қабул қилади, қолган хўжалик юритувчи субъектлар учун бу тавсия корхоналари, бўлиши мумкин холос. Хўжалик ташкилотлари ва корхоналари, деҳқон (фермер) хўжаликлари ўз фаолиятларини шахсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда режалаштирадилар. Бунга асос қилиб, маркетинг принципи, яъни истеъмолчилар талабини қондириш, маҳсулотни бозорда сотилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришни режалаштириш қабул қилинади. Режалаштиришнинг муҳим жиҳатларига жамоанинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш киритилиши шарт.

Илгари қўлланиб келинган қишлоқ хўжалигини режалаштириш тизимига тааллуқли принциплар бозорга даврида ўз кучини йўқотди. Янги тизим эса ҳали шаклланиб бўлгани йўқ. Шу билан бирга, ҳар қандай давлат, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузумидан қатъий назар, жамиятнинг ривожланишини олдиндан белгиламай туриб, фаолият кўрсата олмайди.

Давлат фаолиятининг самарадорлиги, унинг олдиндан кўра билиш, истиқболни белгилаш, ҳисоб-китоб қилиш ёки режалаштириш, ўз сиёсатини, шу жумладан аграр сиёсатни юргизишда ташкилий-иқтисодий жиҳатларини шакллантириш қобилияти билан аниқланади. Аграр сиёсат ислоҳотлар ўтказилишини зарурлигини, агар бундай ислоҳотлар ўтказаётган бўлса, уларга тузатишлар киритиш, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш лозимлигини олдиндан кўзда тутиши шарт.

Аграр сиёсат ва ўтказилаётган ислоҳотлар асосида аниқ муайян қонунчилик ва бошқа қарорлар ишлаб чиқилиши лозим. Уларда жамиятнинг миллий ва тарихий қадриятлари, халқнинг азалий удумларига хос хусусиятлари инобатга олинади. Тармоқлараро, соҳалар ва ҳудудларга тааллуқли муаммоларни ҳал этилиши у ёки бу мақсадни кўзлаган ҳолда ишлаб чиқилган дастурларда акс эттирилади.

Қабул қилинаётган қарорлар ёки амалдаги механизмлар фаолиятининг натижаларини олдиндан кўра билиш истиқболни белгилашга имкон яратади.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига шундай иқтисодий мўлжаллар, йўналишлар белгилаб берилиши лозимки, қишлоқ хўжалиги субъектлари буларга асосан, ўзларининг кўзлаган мақсадларига мувофиқ қарорлар чиқарадилар. Дастурлар ва бошқа режа ечилмаларини молиявий таъминланиши бюджет орқали амалга оширилади. Бу борада, режалаштириш тизими федерал ва ҳудудий жабҳаларда фаолият курсатиши назарда тутилиши лозим. Масалага бундай ёндошилганда, қишлоқ хўжалигида режалаштиришнинг умумий системасини қуйидаги кўринишида акс эттириш мумкин (2-расм).




**2-расм. Қишлоқ хўжалигини режалаштириш тизими**

Кўрсатилган тартибнинг бу..чиши моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларининг номувофиқ сарфланишига олиб келиб, агросаноат комплексида юз берган охирги иқтисодий тангликка сабаб бўлди. Таъкидлаб ўтиш лозимки, Россияда аввал ҳам деҳқонлар манфаатини кўзда тутган аграр сиёсат юргизилмаган эди. Аграр секторга жами халқ хўжалигининг барча тармоқлари ўртасидаги мут..носибликни таъминловчи воситалар манбаи сифатида қарорлар эди.

Қишлоқ хўжалигини р..жалаштириш тизими давлат бошқарув органлари, хўжалик ташкилотлари хизматлари ёки бевосита қишлоқ хўжалиги товарларини етиштирувчилар томонидан тадбиқ этилади.

Бу органларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятлари агроса..оат ишлаб чиқаришини қабул қилинган схемасига, маъмурий федерал қилинган схемасига, маъмурият федерал органлар ўртасидаги ваколатлар тақсимотига мос келади. Режалаштириш тақсимотига мос келади. Режалаштириш билан шуғулланувчи органлар ва хизматлар фаолиятини белгиловчи хусусиятлар жумласига қуйидагилар киради:

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятини ростлашга йўналтирилган ва давлат органлари томонидан ишлаб чиқарилувчи режа топшириқларини индикатив характерини афзаллиги;

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг ўз шериклари билан иш юритиш борасида шартномалар, келишувлар, битимлар ёки бошқа турдаги ўзаро фаолият формалари талабларининг бажарилишини таъминловига асосланган режалаштиришнинг горизонтал ролини кучайтириш;

режалаштириш системасида истиқболни белгилаш ва бошқа йўналтирувчи ҳужжатлар моҳиятини ошириш.

Шунга асосан агросаноат ишлаб чиқаришини бошқариш давлат органларида таҳлил қилиш билан шуғулланувчи таркибий бўлимлар билан бир қаторда истиқболни белгилаш, мақсадли дастурлар ва бошқа йўналтирувчи материалларни ишлаб чиқиш асосий функцияси ҳисобланган бўлинмалар ташкил этилиши керак бўлади. Айни пайтда, давлат иштирокида, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига, уларнинг фаолиятини режалаштиришга зарур бўлган, бозор конъюнктураси ва бошқа ахборотларни етказиб бериш билан шуғулланувчи марказлар тузилади. Хўжалик фаолияти юритувчи субъектларнинг режалаштириш билан банд бўлган бўлинмалари ўз ишларини маркетинг фаолияти юритишга айлантирадилар. Шу билан бир қаторда улар бошқа функцияларни, жумладан, ижтимоий соҳани ривожлантириш фаолиятини сақлаб қолади.

Шундай қилиб, иккита ўзаро боғланган йўналишдан иборат



Navoiy nomidagi
Davlat 2005
Universiteti ning
ilmiy kutubxonasi

бўлган, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришини режалаштириш бўйича мукаммал тизим ҳосил бўлади. Биринчиси — давлат индикатив режалаштириш бўлиб, унга истиқболни белгилаш, дастурлар, бошқа режа ҳужжатлари киради ва улар қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларни маълум бир фаолият бўйича йўналтиради. Иккинчиси — хўжалик юритиш субъектлари ва истеъмолчилар манфаатларини кўзлаган, ташкилот фаолияти йўналишларини давлат дастурлари, истиқболни белгилаш кўрсаткичлари асосида белгиловчи режалаштиришдир.

**Хорижий давлатлар қишлоқ хўжалигида режалаштириш методикасидан фойдаланиш тенденциялари**

Режалаштириш давлат бошқарувининг методи сифатида қишлоқ хўжалиги ривожланган хорижий давлатларда нисбатан кенг қўлланилмоқда. Бу жараён дастлаб 20-30йиллардан бошланиб, иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда кенг кўламда татбиқ этила бошланди. Бунинг бир неча сабаблари бўлиб энг асосийлари қуйидагилардир.

Биринчидан, давлатнинг хавфсизлигини ва озиқ-овқат маҳсулотлари мустақиллигини таъминлаш зарурияти туғилди.

Иккинчидан, бозор иқтисодиёти борган сари кўпроқ ижтимоий характерга эга бўла бошлади ва бу маълум даражада фермер хўжаликларига тегишлидир.

Ва ниҳоят, айниқса сўнгги пайтларда қишлоқ хўжалигига тегишли яна бир тенденция юзага келди. Бу ишлаб чиқариш экологияси бўлиб, у кўп мамлакатларнинг умумдавлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди.

Давлат бошқарувининг режалаштириш методлари воситасидаги кўринишлари, жамият олдидаги вазифаларга боғлиқ ҳолда, айрим олинган мамлакатларда турличадир. Шу билан бирга уларни бир системага гуруҳлаш мумкин. Буни муҳим ташкил этувчиларидан бири индикатив режалардир. Бундай режалар бир қатор Осиё мамлакатларида (Япония, Жанубий Корея, Гонконг, Тайвань, Сингапур) ишлаб чиқилмоқда.

Улар олдига ташқи савдони мувофиқлаштириш, аҳоли турмуш даражасини юқори бўлишини таъминлаш, давлатни иқтисодий потенциалини мустаҳкамлаш, шунингдек, халқ хўжалигининг ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичларини бир текис яхшиланишини таъминлаш вазифалари қўйилади.

Япония иқтисодиётида, айниқса, режалаштиришга муҳим ўрин ажратилган. 1949 йилдан бошлаб, мамлакатда ривожланишнинг 12 та режаси ишлаб чиқилган эди. Бу режалар, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини шаклланишига ва режаларнинг ҳар бири олдиндан белгиланган муддатда қўлланилади. Бу режа-

лар моҳияти давлат секторлари устидан иқтисодий раҳбарлик қилиш ва хусусий секторга йўналишлар ишлаб чиқишдан иборат эди. Режалаштиришнинг Япония моделида "саноат сиёсати"га алоҳида катта ўрин ажратилган бўлиб, бунга асосан давлат миқёсида ва корхоналарда режалар ишлаб чиқилиши кўзда тутилган. Бусиз, ишлаб чиқаришни юқори даражада автоматлаштирилгани, иш унумдорлигини баландлиги, товарларни рақобатга чидамлигини таъминлаш шароитида бир мақомда, мунтазам кўрсатилишига эришиш мумкин эмас.

Шу билан бир қаторда давлат корхоналари учун ҳам бир хилда ёндошилган эмас. Баъзи бирларига тўғридан-тўғри давлат бошқаруви белгиланган бўлса, айримларига билвосита иқтисодий бошқарув белгиланган.

1992-1997 йилларда мўлжалланган охирги беш йиллик режа турмуш даражасини ошириш тадбирларини кўзда тутган, қачонки, бир қатор олдинги режалар иқтисодий потенциални ўсишига қаратилган эди. Режада одатда, ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг умумий йўналишлари белгиланиб, асосий параметрлар, жумладан ўсиш суръати, талаб, улгуржи ва чакана нархлар келтирилади. Бу режалар, ҳукумат топшириғига кўра, ҳукумат қошидаги жамоа консультатив органи ҳисобланувчи иқтисодий кенгаш ва иқтисодий режалаштириш бошқармаси томонидан ишлаб чиқилади. Бундай режаларни тайёрлашда бошқарувчи сиёсий партия, ҳукумат ва маҳаллий бошқарув органлари билан келишилган ва маслаҳат олган ҳолда иш юритилади.

Айни пайтда, умумдавлат режаси ва у билан боғлиқ дастурлардан ташқари турли тармоқларда бошқа аниқ режалар ҳам қабул қилиниши мумкин. Шунингдек, ривожланишнинг Миллий режаси ҳам мавжуд бўлиб, ҳукумат ва унинг маҳаллий органлари ўртасидаги муносабатларни белгилайди.

Туркияда иқтисодий ривожланишнинг беш йиллик ва йиллик давлат билан премьер-министр қошидаги давлат режалаштириш ташкилоти шуғулланиб ишлаб чиқилган режалар давлат корхоналари усул мажбурий ҳисобланади ва давлат дастурларини татбиқ этилишида ҳисобга олинади. Иқтисодиётнинг хусусий сектори учун эса улар тавсия бериш характерига эгадир. Хусусан, озиқ-овқат саноатида режалаштириш 62 турдаги маҳсулотлар бўйича амалга оширилади, аммо корхоналар уларнинг турларини ўзлари белгилаш ҳуқуқига эга.

Швейцария хўжалиги ривожланишининг беш йиллик, ҳатто ўн йиллик режаларини тузиш амалда қўлланилади. Уларда кўзланган асосий мақсад аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишини яхшилаш, ишлаб чиқариш экологиясидир.

Режалаштириш методикасидан фойдаланишнинг бошқа формаси қисқа муддатли йиллик режалар тузишдир.

Хусусан бу Голландияда қўлланилиб, асосий мақсад — бозорда ўрнатилган ижобий анъаналарни ривожлантиришдир.

Ниҳоят, бир қатор ривожланган мамлакатларда режалаштиришнинг дастурий-мақсадли методидан кенг кўламда фойдаланилмоқда. Австралияда қишлоқ хўжалигини қўллаб қувватлаш тизими ўзида ўндан ортиқ турли дастурларни мужассамлаштириб, уларда бевосита ёки билвосита ёрдам кўрсатиш, нархлар барқарорлигини таъминлаш, белгиланган нархларда фермерлардан маҳсулотларни давлат томонидан сотиб олиниши, заёмлар чиқариш ва бошқа методлар кўзда тутилади.

АҚШ ва Канаданинг тармоқланган дастурлари системаси бошқарув органлари томонидан уларни татбиқ этилишига алоҳида эътибор қаратилишини талаб этади.

Ҳудудий ва тармоқ дастурларини шаклланиши ва татбиқ этилишини бир неча даражасини алоҳида кўрсатиш мумкин. Аввало бу умумдавлат даражаси бўлиб, у ҳудудлар ва тармоқлар ривожининг сиёсатини ишлаб чиқиш функциясини бажаради, дастурларни амалга оширилиши учун маблағ ажратади, тармоқлараро ва ҳудудлараро тадбиркорларни мувофиқлаштиради. Соҳалар даражасида эса маъмурий органлар томонидан ажратилган маблағлар, дастурларни, тадбиркорлар ва режаларни амалга ошириш ва улар устидан назорат ўрнатиш учун тақсимланади. Ниҳоят, ҳудудий даражада дастурларни амалга ошириш борасида асосий ишлар бажарилади. Таъкидлаб ўтиш лозимки, турли даражадаги давлат органлари ўртасида, улар билан хусусий корхоналар ўртасида дастурларни амалга ошириш борасида маъмурий бўйсуниш муносабатлари ўрнатилмаган, лекин ўзаро ҳамкорлик ва иқтисодий жавобгарлик белгиланган.

Қишлоқ хўжалигини ривожланиши дастури борасидаги ишлар АҚШ қишлоқ хўжалиги Вазирлиги томонидан бошқарилади. Бу дастурлар, одатда беш йиллик муддатга мўлжалланган бўлиб, улар федерал бюджет томонидан молиявий таъминланиши бўйича, бошқа дастурлар ичида биринчи ўринда туради.

Режалаштириш тизими шимолий Америка принциплари (АҚШ, Канада) ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат томонидан сотиб олиниши нархларини нисбатан юқори миқдорда бўлинишини таъминлаш, ташқи савдо алоқаларни бошқариш, мақсадли молиявий ёрдам кўрсатиш кабиларни таъкидлаш зарур. Ҳозирги вақтда АҚШда фермерларни қўллаб қувватлаш механизмини ўзгартириш масаласи кўриб чиқилмоқда. Хусусан, дастурларни ва уларни амалга оширилиши учун ажратилувчи маблағ миқдорини қисқартириш масаласи кўриб чиқилмоқда. Аммо бундай қисқартиришларни аста-секинлик билан, бозор шароитларнига мослашувни таъминланишини кўзда тутган ҳолда амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Европанинг бир қатор мамлакатларида режалаштиришнинг аралаш методлари қўлланилади. Францияда давлатнинг бошқарув роли асосий уч йўналиш бўйича белгиланди: биринчиси, давлатнинг иқтисодий аҳволини таҳлили ва истиқболни белгилаш; иккинчиси давлат мақсадлари нуқтаи юзасидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиёт ривожланишининг мақсадга мувофиқ вариантларини аниқлаш; учинчидан белгиланган дастурларни амалга оширилиши бўйича тадбирларни ишлаб чиқариш ва бажарилишини таъминлаш қишлоқ хўжалиги соҳасида дастлабки дастур 1928 йилда қабул қилинган эди. Охирги даврлардаги дастурлар жумласидан оқсил муаммосини ҳал этиш бўйича ишлаб чиқилган дастурни алоҳида ўрин тутади. Ўз сиёсатини юргизар экан, давлат, нафақат бозор механизмини шаклланишини таъминлайди, балки унинг фаолиятида фаол иштирок этади. Бошқарув қуроли сифатида ўртача муддат (4-5 йил) истиқбол кўрсаткичлари, бюджет, алоҳида тармоқлар ривожланиши бўйича махсус дастурлар, "барқарорлаштириш режалари" хизмат қилади. Бу борада парламент, одатда, режа бўйича иккита қонун қабул қилади: улардан бири давлатнинг иқтисодий сиёсати вазифаларини ва мақсадларини белгиласа, иккинчиси — уларни амалга ошириш методлари бўлиб, буларга режани бажарилиши жараёнида тузатишлар киритилиши мумкин.

Германияда давлат бошқаруви механизмининг бири сифатида, режалаштиришга бир мунча бошқача ёндошилади: хусусан, хўжалик субъектлар фаолиятига давлатнинг аралашувини чеклаш, бевосита бериладиган ёрдам пули миқдорини қисқартириб бориш, маҳсулот экспортига шароит яратиш ва бошқалар. Шу билан бир қаторда иқтисодиётнинг иш қобилиятини сақлаш, тармоқлар фаолиятини мувофиқлаштириш умумий сиёсий мақсадларга эришилишини таъминлаш назарда тутилади. Режалаштиришнинг итальянча усули ҳудудлар, тармоқлар ўртасидаги иқтисодий фаолиятларда номутаносибликни бартараф этишни кўзлайди. Скандинав (швед) усулида аниқ белгиланган ижтимоий йўналиш назарда тутилади. Бунда аҳоли турмуш тарзини юқори бўлишини ва ижтимоий кафолат берилишини таъминлаш асосий вазифа сифатида белгилаб қўйилган. Бу усулнинг иқтисодий базаси бўлиб, етарли даражада ривожланган давлат бошқарувининг бозор муносабатлари ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар манфаатларини мувофиқлаштириш принциплари ҳар йили ишлаб чиқиладиган дастурда ва бюджетда, шунингдек, юзага келган иқтисодий аҳволларда акс эттирилади.

Европа иқтисодий ҳамжамиятида (ЕИҲ) режалаштиришнинг мукаммал тизими ташкил топди. ЕИҲни 1957 ил таъсис шартномасида унинг мақсади сифатида "... қишлоқ хўжалигида умумий сиёсат ўрнатиш" деб кўрсатиб қўйилган. Бу борада етарли дара-

жада аниқ ҳолда учта тўрт йиллик босқич белгиланиб, бу даврлар мобайнида умумий бозорни ташкил этиш тадбирлари босқичма-босқич амалга оширила бошланди.

Европа ҳамжамияти фаолиятини қишлоқ хўжалиги соҳасига тегишли қисмида иккита асосий йўналишни ажратиш мумкин: яъни, бозор сиёсатини ва таркибий қайта тузилмаларни шакллантириш. Бозор сиёсати қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини эркин ҳаракатини белгилади, лекин шу билан бир пайтда ҳаракат шартлари, нарх-наво муносабатлари тизими товар ишлаб чиқарувчиларни молиявий қўллаб қувватлаш ва бошқа механизмлар ишлаб чиқилади. Таркибий сиёсат ўзида қишлоқ хўжалигининг барча босқичларида — хўжаликлар ва уларнинг бирлашма (уюшма)ларидан бошлаб, ҳудудлар ва бир бутун умумий бозоргача бўлган босқичларида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни бошқаришни ўзида мужассамлаштиради. Унинг ривожланишини уч босқичга бўлиш мумкин: биринчиси деярли ўн йил давом этиб, миллий сиёсатларни мувофиқлаштириш амалга оширилди, иккинчиси 12-13 йил давом этди. Бу даврда директивалар қабул қилиш йўли билан ягона қишлоқ хўжалиги сиёсати шаклланди. Ва ниҳоят учинчи босқичда Европа ҳамжамияти қатнашчилари учун мажбурий бўлган регламентларга ўтилди. Таркибий сиёсатда бир неча асосий йўналишлар мавжуд. Улар — модернизация қилиш, авваламбор уларнинг яшовчанлик қобилиятини сақлаш даражасига қадар йириклаштириш билан боғлиқдир.

Хўжаликларнинг зарурий ўзгартиришида уларга маълум миқдорда молиявий ёрдам кўрсатилади. Бу борада бериладиган кўрсаткичлар тавсия характерига эга бўлиб, фермерларнинг шахсий маблағлари, ҳудудий дастурлар бўйича ажратилган маблағлар ҳам ҳисобга олинади. Таркибий сиёсат борасида йўналишларга яна фермернинг қайта ишлаш корхоналари ва савдо муассасалари билан муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ва қайта ишлаш системаси молиявий қўллаб қувватлаш киради. Биринчи ўринда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар кооперативлари қўллаб қувватланади. Уларнинг қайта ишлаш ва сақлаш базаларига ёрдам кўрсатилади. Асосий ўрин 1,2 млн. фермер хўжаликларини қамраб олган ҳудудий дастурларга ажратилади. Бу дастурда белгиланган асосий вазифалардан бири мураккаб табиий иқлим шароитлари ҳудудларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши фаолиятини сақлаб қолишдир. Дастурга асосан фермерлар етиштирилган маҳсулот бирлиги ёки ҳар бош чорва ҳайвонига қўшимча ҳақ, имтиёзли шартларда молиявий ёрдам оладилар.

Хорижий давлатларда қўлланилаётган қишлоқ хўжалигини режалаштириш методлари таҳлил қилинар экан улар икки ёқлама характерга эга эканлиги тўғрисида хулосага келиш мумкин.

Бир томондан, ишлаб чиқариш ва унинг самарадорлиги даражаси ортиб борар экан, давлат мунтазам равишда ўзининг ишлаб чиқарувчига боғлиқ бўлган таъсир доирасини камайтириб бориб, билвосита, иқтисодий, индикатив методлар орқали таъмирни кучайтиради. Бунинг сабаби аграр секторни бошқарилиши заруриятн бўлиб, жумладан керагидан ортиқ (экспортни ҳисобга олган ҳолда) маҳсулот етиштирилишини олдини олиш ва бу билан ишлаб чиқариш ресурсларидан ноoқилона фойда анилишига йўл қўймасликдир. Айни пайтда, қишлоқ хўжалиги интенсив ривожланган мамлакатларда, давлат томонида қўллаб қувватлаш даражаси ҳам нисбати юқоридир.

Қишлоқ хўжалик сектори юқори даражада ривожланган мамлакатларнинг бутун дунё тажрибасига таяниб шундай хулоса қилиш мумкин, яъни режалаштириш фаолиятининг барчасидан воз кечиш шарт эмас, балки жамият манфаатларига мос келувчи шакллар, методлар ва механизмлардан муваффақиятли фойдаланиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш мумкин.

## 2-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА РЕЖАЛАШТИРИШ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАРИХИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

### Қишлоқ хўжалигини режалаштириш тарихи ва уни элементлари

Давлат узоқ ўтмишдан қишлоқ хўжалиги фаолиятига ўз таъсирини ўтказиб келган. Унинг бу таъсир усуллари жамоа муносабатларида давлатнинг тутган ўрни билан белгиланган. Уларни нисбатан қуйидаги йўналишлар бўйича гуруҳлаш мумкин: давлат бюджетини (хазинасини) шакллантириш ва уни ишлатилиши, натура-буюм муносабатларини аниқ тизимини тузиш, ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга солиш. Товар-пул муносабатларини ривожланиб бориши билан натура-буюм алмашиш борган сари қийматли формалар билан алмаша бошлади ва бу билан давлатнинг ташкилотчилик роли орта борди. Аста секин режалаштиришга зарурият туғила бориб, у турли формаларга кира бошлади.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, қишлоқ хўжалиги инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган маҳсулотлар манбаи ҳисобланганги сабабли, айнан давлатнинг ўзи бошқарув органи сифатида намоён бўлди. Россияда қишлоқ хўжалигини режалаштирилиши бир неча босқичга бўлинади. Унинг тартиби, одатда, жамоа муносабатларининг ўзгариши билан аниқланган.

С.М.Соловьевнинг ёзишича IX асрдаёқ князлар. ўз аскарларини таъминлаш мақсадида ўз ҳудудидаги ҳар бир хўжаликдан ўлпон йиғиштириб олинишини қўллаганлар. Кейинчалик, кучли марказлашган ҳукмрон давлат ташкил топгандан кейин, турли фаолиятларни юргизилишини таъминлаш мақсадида пул маблағ-

ларини марказлаштирилишига эҳтиёж туғилди.

Шу сабабли, XVI асрданоқ бошқарув органлари таркибида солиқ йиғувчи ва хазинадан фойдаланиш хизматлари белгиланабошлади. Бу хизматлар сармоялар талабини ҳисоблаш, уларни қай йўналишларда сарфланишини аниқлаш билан шуғулланганлар. Уларнинг барчаси ҳозирча режалаштириш тушунчасини бермас, балки хўжалик муносабатларига таъсир этмаган ҳолда, фақат давлат маҳкамасини ва аскарларни сақлаб туриш билан боғлиқ эди. Бу уюшган фаолиятни татбиқ этилиши эса қаттиқ маъмурий характерга эга эди.

Вақт ўтган сари, давлат фақат ҳукмрон табақани сақлаб туришга ғамхўрлик қилмасдан, мамлакат қудратининг иқтисодий асоси бўлган қишлоқ хўжалигини ривожланишига таъсир кўрсатиши лозимлиги ҳақида тушунча пайдо бўлди.

Қишлоқ хўжалигида борган сари кўпроқ капиталистик муносабатлар ривожлана бошлаган XX асрнинг бошларида, давлатнинг қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш борасидаги кўрсатаётган таъсир кучи камаймасдан, балки деҳқонларнинг хўжалик фаолиятларига таъсир кўрсатувчи янги йўналишлар, методлар изланана бошланди. Бу йилларда давлат фаолиятининг асосий ташкилий формаси сифатида бюджет борган сари мақсадли йўналишда сарфлана бошланди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантирилишига ажратилган маблағлардан асосий йўналишларда фойдаланилиши кузатилди. Бу борада "Деҳқончилик Департаменти сармоясининг 1915 йил учун кирим, чиқимлар системаси" номли хужжат диққатга сазовор бўлиб, харажатлар хусусида бу смета 31,7 млн. рублни ташкил қилган ва уч йўналиш бўйича сарфланиши белгиланган: қишлоқ хўжалиги маълумоти, қишлоқ хўжалиги иш тажрибаси ва "... бевосита агрономия соҳасида ёрдам" тадбирлари. Шу билан бир вақтда белгилаб қўйилганки, маҳаллий муассасаларга ёрдам сифатида сармоя ажратилишининг зарурий шартларига қуйидагилар киради: а) ҳар бир келгуси йил учун режа ва уни бажарилиши бўйича дастурнинг мавжудлиги; б) белгиланган режани маълум бир қисмини маҳаллий маблағ ҳисобига бажарилиши; в) маҳаллий муассасалар фаолияти юзасидан ажратилган кредитларни сарфланганлиги ҳақида ҳисобот беринг.

Келгуси 1916 йил учун Ер тузилиши ва Деҳқончилик Департаменти қишлоқ хўжалиги соҳасида асосий вазифаси сифатида чорвачиликни ривожлантириш масаласи кўтарилди ва бу борада озуқа экинлари майдонини кенгайтиришга, яйлов, ўтлоқ ерларни яхшилаш ишларига эътибор қаратилиши, белгиланган режани бажарилишини асосий шарти деб қабул қилинди. Бу режаларда хўжаликларни "...зотдор чорва ҳайвонлари ва озуқа экинлари уруғи билан таъминлаш" кўзда тутилган эди.

Хўжалик юритилишида худди шундай системадан фойдала-

нинг фақат Ҳукумат доирасидаги режа ишлаб чиқарилиши учун эмас, балки маҳаллий жойлар учун ҳам характерлидир.

Биринчи жаҳон урушининг фавқулотда ҳолати даврида давлат томонидан турли кўринишдаги мажбурий топшириқлар белгиланди. Хусусан, бундай топшириқлар ғалла топшириш борасида бўлиб, кўзланган мақсад армияни тўйдириш бўлган. Аммо, бу тадбирнинг мукаммал ишлаб чиқилмаганлиги, олинажак ғалла ҳосили аниқ ҳисоб-китоб қилинмаганлиги оқибатида кўзланганидан икки баробар кам дон тўпланди. Бунда деҳқонларнинг Ҳукумати бўлган ишончсизлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Шундай қилиб, революциядан аввал даврда давлатнинг қишлоқ хўжалигига таъсирининг режали ташкил этилиши мукаммал система тусини ола бошлади.Буларнинг барчаси гувоҳлик берадики, фаолиятнинг режалаштирилиши, хоҳ давлат миқёсида, хоҳ хўжалик миқёсида бўлмасин қишлоқ хўжалигига ҳар доим тегишли бўлган товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан бирга давлатнинг бошқарув роли орта борди, режалаштириш эса борган сайин иқтисодий йўналишга тушиб, ундан аграр секторда илмий-техника жараёнини ривожлантиришда фойдаланилди.

### Деҳқончилик секторида режалаштиришнинг марказлашган тизимининг шаклланиши

1917 йил революциядан сўнг, озиқ-овқат ресурсларини шакллантирилиши қатъий система киритилди. Бу система деярли янги иқтисодий сиёсат давригача сақланди. Аскарларни таъминлаш, шаҳарлар ва саноат марказлари аҳолиси ўртасида тақсимлаш учун ғалла заҳирасини ташкил этиш зарур бўлди. Шу билан бирга бугунги кун нуқтаи назаридан олиб қараганда озиқ-овқат фондларини ташкил этиш методлари жуда қаттиқ, бўйсуниш сиёсатига амал қилган ҳолда олиб борилди ва бу кўплаб деҳқонларнинг янги тузумга қарши чиқишларига сабаб бўлди.

Аммо ўша даврлардаёқ тармоқларнинг ривожланишга қаратилган режалаштиришнинг айрим системалари вужудга кела бошлаган эди. Қишлоқ хўжалиги бўйича қабул қилинган биринчи тадбирга Халқ комиссарлари Кенгашининг 1918 йил 17 мартдаги "Туркманистонда суғориш тармоқларини ташкил этиш ҳақида"-ги декретни мисол қилиш мумкин. Унда "... рус тўқимачилик саноатини пахта билан таъминлаш режаси..." тасдиқланиб, бу тадбир учун 1918 йилга 50 млн.рубл ажратилади. Ўша йилда яна қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш тадбирлари учун 1 млрд.рубл миқдорида махсус фонд ташкил этиш юзасидан декрет чиқаришди.

1919 йилда қишлоқ хўжалиги комуналари учун қишлоқ хўжалигининг ташкилий режаларини мажбурий эканлиги ҳақида кўрсатма чиқарилди.

1920 йилда эса мажбурий экин бўйича давлат режаларини ишлаб чиқиш масаласи кўтарилди. Бу давлатга сўзсиз бўйсунишини тақозо қилгани ҳолда; маҳаллий органларга "... далага механик ишлов бериш, ўтлоқлар ҳолатини экиш жараёни ва тупроқнинг унумдорлигини яхшилаш қоидаларини ишлаб чиқишга рухсат берилди.

1921 йилда Давлат умумрежа комиссиясининг тузилиши билан, ягона умумдавлат хўжалик режаларини ишлаб чиқувчи ишлаб чиқариш дастурлари ва турли тармоқлар ҳудудлар бўйича кутилаётган режа кўрсаткичларини келишувчи ташкилий тизим ташкил топди.

Шундай қилиб, революциядан кейинги даврнинг биринчи ярмида, илгари ҳеч қаерда қўлланилмаган, халқ хўжалигини марказдан туриб бошқаришни режалаштириш тизими шакллана бошлади.

Ундан кейинги йилларда, янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши даврида қишлоқ хўжалиги устидан ҳукмронлик бошқарувининг буйруқбозлиги бошланиши ва бинобарин маъмурий-режалаштириш бошланиши ҳам бир мунча пасайган. Аммо бу жараён қисқа муддатли бўлди. Мунтазам равишда нафақат ҳар бир секторнинг ривожланиши бўйича асосий иқтисодий кат ликларини, балки ички хўжалик фаолиятини барча кўрсаткичларини ҳам марказдан туриб режалаштириш тизими кучая борди. Бу борада 1926 йилни апрелида бўлиб ўтган ЦК ВКП (б) нинг Пленуми қарорларида шундай ёзув бор эди "... барча давлат органлари фаолиятига режа интизоми тартибини жорий қилиш". Айни вақтда янги қурилишлар билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан маҳаллий жойлардаги қурилишларнинг сарф-харажатлари бўйича "умумий хўжалик режаси" билан аниқроқ айтганда юқори турувчи бошқарув органи билан келишиш лозимлиги ҳақида кўрсатма бор эди. Келгуси йилда қишлоқ хўжалиги тараққиёти режасига жамоа хўжаликларининг ташкилий ишлаб чиқариш режаларининг қўшилишига мажбурий тус берилди. 1928 йилда ҳукумат томонидан чорва ҳайвонлари бош сонини ошириш, кейинчалик қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш ва бошқа бир қатор топшириқлар берилди. Худди шу даврда биринчи беш йиллик режаларни тузилиши борасида ҳар турли музокаралар келиб чиқди. Баъзи олимлар, жумладан Н Д. Кондратьев режанинг ихтиёрий кўрсаткичларидан воз кечишни тавсия қилган бўлса, таниқли иқтисодчи В.А.Базаров режалаштиришни субъективлигини таъкидлаб, ҳар бир янги вариантнинг кўпроқ ишончли бўлиши ҳақида фикр билдирди. Хуллас, беш йиллик режага кўплаб кўрсаткичлар киритилиб, улар энг муҳим мутаносибликларни аниқлабгина қолмасдан ўзида хўжалик миқёсидаги вазифаларни ҳам мужассамлаштирган. Шу билан бирга, тан берилиши лозимки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши унумдорлигини таъминловчи трактор иш

лаб чиқариш ва бошқа саноат тармоқларини ривожлантириш тадбирлари ҳам кўзда тутилган. Беш йиллик режага асосан йиллик топшириқлар колхоз ва совхозларнинг ишлаб-чиқариш кўрсаткичлари даражасида белгиланди. Худди шу даврдан бошлаб, қонунчилик актларининг ва меъёрий ҳужжатларга тегишли қишлоқ хўжалик масалаларини ҳал этилишида партия қарорлари асосий роль ўйнай бошлади. Кейинги йилларда эса ишлаб чиқаришнигина эмас, балки фойдани тақсимланишини режалаштиришда маъмурий методлар таъсири кучайди.1938 йилда, масалан, СССР Халқ комиссарлари Кенгаши ва ВКП(б) Марказий қўмита қишлоқ хўжалиги артелини Намунали уставини моддаларини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилиб, унда бўлинмас фондларга маблағ ажратиш тартиби ва уларнинг ўлчамларига аниқлик киритилди. Шу билан бир вақтда экин майдонлари, чорва ҳайвонлари бош сони, ердан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги юритилишини бошқа кўрсаткичлари бўйича топшириқлар тури кенгайтирилди. Улуғ Ватан уруши йилларида бундай режалаштиришнинг марказлашган системаси армияни таъминлаш, шаҳар аҳолисини мичимал миқдорда бўлсада, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконини берди. Ваҳолангки, бу даврда қишлоқ хўжалиги интенсив ривожланган кўп ҳудудлар душман томонидан босиб олинган, техник жиҳозланиш, ва ишлаб чиқариш даражаси пасайиб кетган эди. Табиийки, халқ хўжалиги, уруш даврида, қайси тузумда бўлмасин, шунинг учун уни бошқаришга тааллуқли мавзу махсус текширишга тегишли бўлиб, тинчлик пайтдаги иқтисодий бошқарув методларига солиштириш мумкин эмас.Бу урушдан кейинги дастлабки йилларга ҳам тааллуқли бўлиб, у пайтдаги асосий вазифа халқ хўжалигини тиклаш эди. Шу билан бирга 1946-1950 йилларда халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бўйича беш йиллик режа ҳақидаги қонунда моддий-техника ресурслари ишлаб чиқаришни сезиларли даражада ошириш, капитал қўйилма ва унга мос ҳолда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришини ва унинг ўсишини 1940 йилга нисбатан 27 фоиз бўлишини таъминлаш кўзда тутилган эди. Бу даврда йиллик режаларга озиқ-овқат ресурсларини, кредитларни, юк ташиш ҳажмлари ва бошқа кўрсаткичларни чораклар бўйича тақсимланишини киритилади. Озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги мураккаб шароит туфайли ҳукумат мамлакат иқтисодиётини, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида ҳам, режали бошқаришда маъмурий методлардан фойдаланишни кучайтириш йўналишидан борди. Ўша вақт учун давлат миқёсида ва илмий ишларда режалаштириш бошқарувнинг асоси эканлиги қабул қилинганди. Режанинг бажарилишини таъминлаш жавобгарлиги юқори даражага кўтарилди. Карточка системасини бекор қилиш, аҳолини тезроқ озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш кўзда тутилган ҳолда, режа топшириқлари ҳал-

дан зиёд ошириб борилган эди. Аммо моддий-техника ресурслари, имкониятлари билан таъминланмаганлиги сабабли директив режаларнинг бажарилиши ҳақиқатдан узоқ бўлди. Буни қуйида келтирилган жадвалда ҳам кўриш мумкин (1-жадвал)

1-жадвал

**1940-1950 йилларда собиқ СССРда етиштирилган ялпи маҳсулот**

| | 1940 йил | 1950 | | |
|---|---|---|---|---|
| | | директив топшириқ | ҳақиқатда | % |
| ғалла | 95,6 | 127,0 | 81,2 | 64 |
| қанд лавлаги | 18,0 | 31,0 | 20,8 | 64 |
| каноп тола, м.тн. | 349 | 800 | 255 | 32 |
| кунгабоқар | 2,64 | 3,7 | 1,8 | 49 |

Режалаштиришнинг бундай системаси ташаббускорлик билан ишлашга тўсқинлик қилди, аксарият ҳолларда ресурслардан оқилона фойдаланмасликка олиб келди. Лекин бу даврда уруш оқибатларини бартараф этилиши билан ўзини бир мунча оқлади ва маълум миқдорда ишлаб чиқаришни ўсишига эришилди (3 расм).




**3-расм. Собиқ СССРда қишлоқ хўжалигида етиштирилган ялпи маҳсулот (1940 йил нархларига нисбатан - 100)**

Режалаштириш кўрсаткичларининг асосий қисми ялпи маҳсулот етиштириш, ялпи майдонларини кенгайтириш, чорва ҳайвонлари ва парранда бош сонини кўпайтиришнинг якуний миқдорини оширишга қаратилди. Бу давр учун яна характерли бўлган

нарса шуни. қишлоқ хўжалигини ривожланиши, нисбатан содда, лекин сармоя сарфи катта бўлсада, экстенсив йўл билан борди. Бунга ўсимликчиликда 1913 ва 1950 йилларда эришилган кўрсаткичларни таққослаб ишонч ҳосил қилиш мумкин: ғалла етиштиришда ҳосилдорлик мос ҳолда 8 ва 7,9 ц/га, қанд лавлаги — 168 ва 159, кунгабоқар — 7,5 ва 5,0, каноп — 3,2 ва 1,3, картошка — 76 ва 104 ц/гани ташкил этди. Лекин шу билан, шу даврдаёқ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини ўзгартириш, маъмурий режимни бўшаштириш тушунчалари пайдо бўла бошлади.

**50-80 йиллар давомида режалаштириш тизимининг тараққиёти**

Аграр сектор устидан раҳбарликнинг, шу жумладан марказлаштирилгани, ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларини тараққий этишига тўсқинлик қила бошлади.

Ривожланиш суръати пасая бошлади, ўта юқори режа топшириқлари бажарилмай қолди ва бу ҳолат деҳқонларнинг норозиликларига сабаб бўла бошлади. Натижада давлат томонидан зарур чоралар кўрилишига тўғри келди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожланиши ва даромад миқдорининг ошишидан деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги зарурияти тан олинади.

Бир гектар ерга нисбатан давлатга маҳсулот топшириш меъёрини режалаштириш принципи татбиқ этилди, хусусан, ҳар бир гектар ҳайдаладиган ер учун 7 кг гўшт (тирик вазнда), 16 литр сўм, 17 дона тухум топширилиши белгиланди.

Давлат — буюртмаси бўйича гўшт, сут ва жун топширишнинг ўртача тайёрлов нархлари белгиланди, шунингдек давлат буюртмасидан ташқари маҳсулот маҳсулотларни сотиб ол иниш нархлари белгиланиб, улар тайёрлаб нархларга нисбатан, гўшт бўйича 2,7 мартаба, сут бўйича 2,2 маротаба оширилди.

Айни пайтда давлат буюртмаси бўйича олинадиган маҳсулотларни саноат товарлари ҳисобига чакана нархларда сотиб олиш, ҳар чоракда режага асосан тузилган шартнома асосида олинадиган чорвачилик маҳсулотлари устидан 30% аванс берилиши киритилди. Моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича кўрилган тадбирлар ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатди. 1955 йилда қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулдорлиги 1950 йилга нисбатан 24 фоизга ортди.

Кейинчалик режалаштириш системасини ўзгартиришга эҳтиёж туғилди. Колхозларга, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини давлатга сотиш топшириқларидан келиб чиққан ҳолда, мустақил равишда, экин майдонлари миқдорини ошириш, чорва ҳайвонлари сонини кўпайтириш ҳуқуқини бериш ҳақида қарор чиқди. Бундай қарор кейинги йилларда (1962 й.) ҳам чиқарилган бўлиб, тўла татбиқ этилмади.

Ўша даврларга узоқ муддатли тадбирлар, жумладан бўш ер-

ларни ўзлаштириш, машина-трактор станцияларини қайта тузиш кабилар тааллуқлидир.

Аммо бу қарорларни жорий этиш форма ва методлари яхши ишлаб чиқилмаган, қатор салбий оқибатларга олиб келди

Хўжалик механизмини қайта тузишнинг биринчи босқичи қисқа муддатли бўлди, унинг ижобий таъсири 1959-1960 йиллардаёқ тугади. Ваҳоланки, қишлоқ хўжалик маҳсулдорлиги 1953-1958 йилларда 50 фоизга ортган эди. Режалаштиришнинг янги системаси иқтисодиёт устидан умумдавлат бошқарувининг умумий ва қаттиққўллик модели билан кириши кета олмади ва оқибатда, маъмурий буйруқбозлик методлари қайтадан кучая борди. Навбатдаги 5 йилда, яъни 1964 йилга қадар қишлоқ хўжалиги деярли бир хил даражада турди. 1963 йилда етиштирилган ялпи маҳсулот 1958 йил даражасидан 1,4% кам бўлиб, бунга фақат об-ҳаво шароитлари сабаб бўлмади.

Хўжалик муносабатларини такомиллаштиришнинг урушдан кейинги иккинчи босқичи, уларни халқ хўжалиги бўйича умуман ўзгартирилишига қаратилди. Қишлоқ хўжалигида уч йўналиш бўйича радикал чоралар кўрилади: қишлоқ хўжалиги корхоналарини тўла хўжалик ҳисобига принципига ўтказиш уларнинг режалаштириш ва ишлаб чиқариш хўжалик юритиш фаолиятларида мустақиллигини ошириш, хўжаликлар томонидан ишлаб чиқаришни юритишда нарх-наво ўрнини кучайтириш, қишлоқнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. Аммо қабул қилинган қарорларда энг муҳим жиҳатларга эътибор қаратилмади, жумладан, қишлоқ хўжалигида қиймат қонуни тўла қўлланилмади, ишлаб чиқариш йўналишларини товар ишлаб чиқарувчиларнинг танлаш эркинлиги, ишлаб чиқариш ҳажмини режалаштириш ва режадан ортиқ маҳсулотни сотиш, нарх-навони шаклланиши, даромаддан фойдаланиш, моддий рағбатлантириш ва бошқалар. Шундай бўлсада бу қишлоқ хўжалигини режалаштириш, иқтисодий муносабатларнинг янги системаларини шакллантирилиши йўлида навбатдаги муҳим босқич бўлди.

Қишлоқ хўжалигини техника ва бошқалар билан қуроллангантлик даражаси пастлиги, ташкил топган иқтисодий муносабатлар системаси нуқтаи назаридан эришилган ютуқлар ёмон эмас эди. 1966-1970 йилларда қишлоқ хўжалигида етиштирилган ялпи маҳсулот ўртача 21 фоизга; иш унумдорлиги 30 фоизга, аҳоли жон бошига чакана товар айирбошлаш деярли 40 фоизга ўсди. Лекин бу босқич давомийлиги жуда қисқа бўлди. 60-йиллар охирига келиб, яна қишлоқ хўжалигига маъмурий тазйиқ ўтказила бошлади, режалаштириш марказлашди, бу айниқса бошоқли дон экинларини экин топшириқларида намоён бўлди. Айни пайтда тармоқни ривожланиши учун капитал қўйилма миқдори камайди. Натижада, қишлоқ хўжалигининг ривожланиш суръати кескин пасайди, ишлаб чиқариш ва иқтисодий барқарорлик бузилди. Бу йилларда ноқулай келган об-ҳаво шароитлари вазиятни янада му-

раккаблаштирди. Инқироз белгилари аниқ намоён бўла бошлаган мунтазам узоқ давр бошланди, таркибий ва иқтисодий номутаносиблик юзага келди. Бу босқичда алоҳида прогрессив қарорлар қабул қилинди (1978 й., 1980 й.) лекин улар умумий директив режалаштириш чегарасидан чиқмади ва оқибатда улар хўжалик механизмини такомиллаштирилишини таъминлай олмади.

Шу билан бирга режалаштириш тизимида аниқ ўзгаришлар юз берди. 1981 йилдан бошлаб, хўжаликларга аниқ номенклатурада маҳсулотлар бўйича сотиш режалари белгиланди, давлат хўжаликлари учун эса, река еки меҳнатга ҳақ тўлаш фонди меъёрлари, даромаддан бюджетга тўловлар тўлаш, шунингдек, марказлашган капитал қўйилмалар ҳажми белгиланди.

Режалаштиришни такомиллаштириш ва иқтисодий методиклардан фойдаланишни фаоллаштиришнинг навбатдаги босқичи 1982-1983 йилларга тўғри келди. Бу даврда ишлаб чиқариш — хўжалик юритиш мустақиллигини кенгайтириш бўйича қарорларни чиқарилиши давлат озиқ-овқат дастурини ишлаб чиқилиши билан боғлиқ бўлди. Холисанлилло баҳо бериб, таъкидлаб ўтиш лозимки, бу агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга комплекс ёндошиш борасидаги уруниш бўлди. Мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли таъминлашнинг йўлида иқтисодий ва ижтимоий тадбирлар системаси ишлаб чиқилди. Мазкур Дастурни тўла-тўкис бажарилишига эришилмади, шундай бўлсада, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бирмунча юқори бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

| | 1980й | 1989-1990 йй. (ўртача йиллик) | | 1990й. | Дастурни тадбиқ этилиши даражаси (энг кам хажмда) % |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Дастур бўйича | Ҳақиқатда | | |
| Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, млн.тн. | | | | | |
| Ғалла (ишлов бериладиган вазнда) | 176,9 | 222-227 | 196,[illegible] | 218 | 89 |
| Қанд лавлаги | 81,0 | 102-103 | 87,4 | 81,7 | 86 |
| Кунгабоқар пистаси | 4,6 | 7,2-7,5 | 6,2 | 6,6 | 87 |
| Картофель | 67,0 | 90 92 | 72,3 | 63,6 | 80 |
| Сабзавот ва полиз маҳсулотлари | 31,0 | 37-39 | 33,1 | 30,5 | 89 |
| Чорва ва паранда (сўйилган вазнда) | .5,1 | 20-20,5 | 19,3 | 20,0 | 97 |
| Сут | 90,9 | 104-106 | 105,4 | 108,4 | 102 |
| Тухум, млрд. дона | 67,9 | 78-79 | 83 | 81,7 | 106 |

Аммо, ҳаддан ташқари маъмуриятчилик, халқ хўжалиги режаларининг ўта юклангандиги уни бошқарув механизми сифатида намоён қилдики, бу ҳол ресурслардан оқилона фойдаланмасликка, номутаносибликни кучайишига олиб келди, холос. Йиллик режа кўрсаткичларига, жуда кам, ўта зарур бўлган ҳоллардагина тузатишлар киритилди. Бу эса жорий режаларни, айниқса беш йилликни сўнгги йилларида, бажариб бўлмас ҳолда эканлигини кўрсатди (3-жадвал).

3-жадвал

| | 1986-1990 й. | 1990 |
|---|---|---|
| Беш йиллик режа | 230,0 | 243,4 |
| Ҳақиқатда бажарилди | 220,8 | 218,7 |
| Беш йиллик режани бажарилиши % | 96 | 90 |

Йиллик режаларнинг хусусияти шунда эдики, улар ҳаддан ташқари майдаланган бўлиб, маъмурий тусдалиги ҳисобга олиниб қаралса, колхозлар ва совхозларнинг мустақиллигини чеклаб қўйган эди. Бажарилиши мажбурий бўлган режавий кўрсаткичлар сони борган сайин камайтирилган бўлсада, корхоналар ва ташкилотлар учун 1990 йилга союз даражасида тасдиқланган, Давлат режасида уларнинг сони қишлоқ хўжалиги учун - 86 га, озиқ-овқат саноати учун – 43 га тенг бўлди. Лекин айрим олинган хўжаликлар учун директив кўрсаткичлар нисбатан оз, 10-15 атрофида белгиланди. Бу борада, юқори даражада ишлаб чиқилган ва худудларга етказилган режаларда ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг тарқоқлиги ҳисобга олинмасдан, балки улар барча хўжаликлар томонидан бажарилиши мумкин деган нуқтаи назардан ёндошилди. Масалага бундай ёндошиш натижасида шундай вазият келиб чиқар эдики, режаларнинг ўта юкланишини ўсиши билан уларнинг ортиғи билан бажарган хўжаликлар билан бажара олмаган хўжаликлар сони ҳам ортиб борар эди. Бундай ҳолни юзага келишига чек қўйиш мақсадида хўжаликларнинг ишлаб чиқариш қувватларини ҳисобга олган ҳолда режани текис юкланишини қўллаш амалга ошириша бошланди. туманларга белгиланган топшириқларни тақсимлаш ҳуқуқи берилди. Лекин бу чора ҳам директив режаларни асл моҳиятини ўзгартириш эмас эди. Хусусан, директив режалаштириш соҳасига шахсий томорқа хўжаликлари ҳам киритилди, давлат буюртмаси бўйича маҳсулотларни сотиб олиниши ҳудудлар бўйича белгиланиб, бу режаларни бажарилишига маъмурий таъсирни кучайтирди.

80-йиллар охирига келиб, ишлаб чиқариш муносабатларининг агросаноат комплексини ривожланишига тўсқинлик қилаётгани

тан олинди. Худди шу даврга келиб. кичик кооперативлар, ширкатлар, ижара жамоалари, деҳқон жамоалари пайдо бўла бошлади, ички хўжалик муносабатлари ислоҳ қилина бошлади. Умуман олиб қаралганда, бу йилларда қишлоқнинг моддий-техника базасини ривожланиши кузатилмаган бўлсада, навбатдаги босқичга, яъни қишлоқ хўжалигини янги технологиялар ва техникалар асосида қайта жиҳозлаш, хўжаликлар самарадорлиги билан жаҳон аграр сектори самарадорлиги даражаси ўртасидаги фарқни қисқартириш масалаларини кўтарилишига имкон яратилди.

Ишлаб чиқариш молиявий таъминлаш манбаи. борган сари кўпроқ хўжалик хисоби бўлиб, хўжаликларнинг хусусий маблағи ва узоқ муддатли банк кредитлари ҳисобига таъминланди. Қишлоқ хўжалик корхоналари нафақат жорий фаолиятларини, балки ҳажмларини, капитал қўйилмаларини мустақил режалаштириш имконига эга бўлдилар. Буларнинг барчасига маҳсулотларни давлат харид харид нархларини оштирилиши сабаб бўлди: 1970-1989 йилларда асосий маҳсулотлар бўйича харид нархлари 1,8-2,8 маротаба ошди. Аммо айни пайтда қишлоқ хўжалиги томонидан ишлатиладиган ишлаб чиқариш воситаларининг нархлари ҳам кўтарилиб борди. Ваҳоланки, бу даврда маҳсулотларни асосий турларини чакана нархлари бор-йўғи 24 фоизга ортди холос. Бу шунга олиб келдики, товар массаси кўпаймаган ҳолда аҳолининг сотиб олиш қобилияти ортиб кетди, натижада харид нархлари билан чакана нархлари ўртасидаги фарқни қоплаш, бошқача қилиб айтганда, дотацияга улкан миқдорда маблағ сарфлангани учун давлат бюджети танг аҳволга тушиб қолди.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалигида янги иқтисодий муносабатларга ўтиш йўналишини қабул қилинганлиги, режалаштиришнинг бўлакча системасига ўтиш лозимлиги масаласини ўртага ташлади. 1987 йилда Давлат агросаноат мажмуасига кирувчи қишлоқ хўжалик, қайта ишлаш ва бошқа корхоналар ва ташкилотлар ҳисобига ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтказилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Маъмурий бошқарув методлари таъсирини камайтириш сифатида кўрилган чоралар жумласига маҳсулотларга давлат буюртмасини бевосита хўжаликларга берилишидан воз кечилди. Бундай буюртмалар туман агросаноат уюшмаларига тааллуқли эканлиги белгилаб қўйилди. Улар буртмалар бўйича хўжаликлар билан қайта ишловчи корхоналар ёки тайёрлов ташкилотлари ўртасида шартномалар тузилишини ташкил қиладилар. Ишлаб чиқариш унумдорлигидан келиб чиққан ҳолда, меҳнатга ҳақ тўлашни режалаштиришни меъёрлаш методи, АСК бошқарув органларининг марказлашаган фондларига ажратмалар қилиш, бюджет тўловлари, хўжалик молиявий фондларини ташкил қилиш кўзда тутилган. Аста-секин моддий-техника ресурсларини тақсимлаш методидан воз кечиб, уларни улгуржи

савдосига ўтиш лозимлиги тан олинди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини келишув нархларда сотиш имкониятлари сезиларли даражада кўпайди, маҳсулот олинишни борасида давлат буюртмаларини шакллантиришда аҳоли эҳтиёжи ҳисобга олина бошланди. Мунтазам холда тўлов қобилиятини йўқотган қишлоқ хўжалиги ва агросаноат комплекси бошқа корхоналарини қайта тузиш, қўшиб юбориш, ажратиш ва зарур бўлса уларнинг фаолиятини бутунлай тўхтатиш зарурлиги билдирилди.

Аммо бу чоралар, айниқса режалаштириш масалалари бўйича, аввалгидек иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида амалда бўлган, бошқарувнинг нисбатан қаттиқ маъмурий-буйруқбозлик системаси билан келиша олмади. Шунингдек, давлат буюртмаси бўйича режалаштириш борасидаги хўжаликларга берилган ҳуқуқлар 5 йиллик топшириқларга бутунлай зид эди.

Кейинчалик, навбатдаги беш йиллик режа ишлаб чиқарилаётганда аграр секторнинг барча иқтисодий механизмини, шу жумладан режалаштиришни ҳам такомиллаштириш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу СССР Министрлар Советининг 1989 й 5 апрель "Агросаноат комплексида бошқарув ва иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш ҳақида"ги қарорида ўз аксини топди. Директив хужжатларда биринчи маротаба колхоз ва совхозлар қаторида, ижарачилар, кооперативлар, ширкат уюшмалари, деҳқон хўжаликлари, шахсий томорқа эгалари тенг ҳуқуқли эканликлари қайд этилди. Режалаштириш хусусида эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиниши бўйича, директив характерга эга бўлган назорат рақамларидан воз кечилганлиги белгиланди. Белгилаб қўйилдики, ишлаб чиқаришни таркибий тузилмаси, сотиш ҳажми ва бошқа ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлар хўжаликлар томонидан, улар етиштирган маҳсулотларга бўлган талабни ва даромад миқдорини оширишни ҳисобга олган ҳолда, мустақил ҳал қилинади. Бундан ташқари, хўжаликларга, улар томонидан иттифоқ ва республика фондларига маҳсулот топшириш бўйича давлат буюртмаларини ихтиёрий асосда бажаришни зиммаларига олиш, тузилган шартномалар бўйича мажбурият бажарилгандан сўнг, ортган маҳсулотни истаган тайёрлов ташкилотларига ва деҳқон бозорларида келишув нархларда сотиш ҳуқуқи берилди.

Давлат буюртмаси орқали сотиладиган маҳсулотлар учун аванс тариқасида пул берилиши кўзда тутилди. Хусусан дон учун унинг баҳосини 40 фоиз ва бошқа маҳсулотлар учун 25 фоиз миқдорда аванс берилиши белгиланди. Моҳияти бўйича бу бозор муносабатларининг айрим механизмлари бўйича агросаноат ишлаб чиқаришини режалаштирилишини индикатив системасига ўтиш демакдир.

Аммо бу қарорни ўша вақтда тўлиқ амалга оширилиши таъминланмади. 1989 йил режалари белгилаб қўйилган бўлсада, янги беш йиллик босқич бутунлай бўлакча шароитларда, яъни салбий жараёнлар ривожланиши намоён бўлган вақтда бошланди. Бу жараёнлар таъсирида ишлаб чиқариш пасайиб кетди, хўжаликлараро муносабатлар барбод бўлди, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар динамикаси устидан назорат қўлдан чиқарилди.

Ислоҳотлар даври арафасида, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш системаси таҳлил қилинар экан, уларга бир ёқлама баҳс бериш мумкин эмас.

Биринчидан, режалаштиришнинг қаттиқ ва марказлашаган форма ва методларидан, нисбатан юмшоқ ва марказлашмаган форма ва методларига ўтиш эволюцияси амалга оша бошлади, режалаштириш борасида давлат функцияси ўзгарди, унинг аксарият қисми бевосита товар ишлаб чиқарувчи қўлига ўтиб, бу тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи молиявий таъминлаш билан боғланди. Маъмурий режалаштиришнинг кучсизланаётган даври, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг баланд суръатларда ўсиши даврига мос келди.

Иккинчидан, озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат корхоналари учун хом-ашё маҳсулотларини ишлаб чиқарилишини ошириш борасида давлат талаби билан бунга эришиш йўлида қишлоқ хўжалиги товар етиштирувчиларига таъсир кўрсатиш имкониятлари ўртасидаги зиддиятлар доимий муаммолигича қолди. Натижада, ҳатто уларнинг, масалан учун ишлаб чиқаришни ўстиришда манфаатлари мос келган тақдирда ҳам, тадбиқ этилиши форма ва методлари бир ёқлама, яъни давлат томонидан амалга оширилиши сақлаб қолинди. Бу эса ўз навбатида хўжаликларнинг эътирозини келтириб чиқарди. Шунинг учун қуйидан, яъни товар етиштирувчилар томонидан, маъмурий бошқарувни (айниқса директив режалаштиришни) сусайтириш, ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятларида мустақилликни ошириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва олинган даромадга эгалик қилиш борасида таъсир кучи сезилиб турди.

Юқоридан туриб режалаштириш билан хўжалик режалаштирилиши ўртасидаги узилиш кучайди.

Хўжалик юритишнинг янги формаларига ўтиш жараёни бошланган даврда, яъни ижара корхоналари, деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалик кооперативлари ташкил топиб, улар ўз фаолиятларини режалаштиришда тубдан ўзгача муносабатларга ўтилишини талаб эта бошлаганларида вазият янада мураккаблашиб кетди. Лекин булар марказдан туриб режалаштириш системасига зид бўлиб, бу бир томонда, давлат иложи борича кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўз қўлида тўплашига ва уларни тақсимлашга ҳаракат қилса, бошқа томондан жамғарма ва истеъмол нис-

батини аниқлашда намоён бўлди. Бу келишмовчиликларни бартараф этиш мақсадида "юқоридан" ва "қуйидан" режалаштиришни бирлаштиришга ҳаракат қилинди, бундан кўзланган мақсад шартнома асосида муносабатларни шакллантириш бўлиб, томонлар манфаатларини қондиришдир. Бироқ бу ҳолда режалаштиришнинг директив ҳужжат сифатида, функцияси ўз моҳиятини йўқотади.

Хўжаликлар мустақиллигининг ривожлантириши режалаштиришнинг барча системасини, унинг принциплари ва методларини ўрганишига олиб келади.

Бу деган сўз, қишлоқ хўжалиги учун нарх шаклланиши сиёсатини ўзгариши, капитал қўйилмаларни молиявийлаштаришда хусусий воситаларнинг солиштирма вазнини ортиб боришига мос ҳолда инвестив жараёнларни қайта қурилиши, даромад ролини кучайиши, маҳсулотларни харид қилиш механизмини ислоҳ қилиш, шунингдек агросаноат комплексини қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўзаро муносабатларни тартибга солинишни демакдир.

Учинчидан, аста-секинлик билан ўзида йиллик ва беш йиллик режаларни, шунингдек, ишлаб чиқариш муносабатларини ва бозорларини ўзгариши зарурияти, илмий-техник жараёнини таъсири натижасида албатта келиб чиқувчи даврий инқирозларни олдиндан кўра билиш ва бу борада зарур чоралар кўриш бўйича нисбатан узоқ келажакни кўзлаган ҳолда асосий йўналишлар ривожини ўзида мужассамлаштирган халқ хўжалигини режалаштириш системаси шакллана бошлади.

Бундай система, узлуксиз режалаштиришга шароит яратиши, жорий ва истиқболи характерга эга топшириқларни қўшиш, режа қарорларини мақбуллиги шароитларини яратганлиги ўзини оқлайди. Аммо режалаштириш формалари ва бажарилиш методлари халқ хўжалигида ва жумладан аграр секторда, янги ижтимоий-иқтисодий ҳолатда борган сайин тўла боради. Қишлоқ хўжалиги учун бу мустақил қишлоқ хўжалиги товарларини етиштирувчиларнинг шаклланиши, кўп укладлиликнинг ривожланиши, жаҳон иқтисодиётига кира бориши билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ортишини талаб қилар эди.

### Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тараққиётини хусусиятлари

Мамлакат иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтиши режалаштириш — тақсимот системасини издан чиқаришини назарда тутади, бу қишлоқ хўжалиги учун ҳам мустасно эмас. Марказдан туриб режалаштириш формасидан, қишлоқ хўжалигида режалаштиришдан кескин воз кечиш хўжалик алоқаларининг барҳам топишига, иқтисодий жараёнларни бошқарувини қийинлашувига

ва ниҳоят ишлаб чиқаришни, самарадорлик даражасини камайишига олибкелди. 4-5 йил муддат ичида ялпи маҳсулот етиштириш ва меҳнат унумдорлиги 35-40 фоизга пасайиб кетди. Кўплаб хўжаликлар зарарга ишлай бошлади.

Ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, йиллар давомида қишлоқ аҳолиси қон–қонига сингиб кетган, боқимандачилик фақат марказдан белгилаб берган режаларини бажаришга кўникиб қолганлик каби иллатларни одамлар онгида сиқиб чиқариш, уларга ўзлигини таниш, ҳақиқий мулк эгаси эканлигини билдириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада асосий эътибор хўжаликларга тўла эркинлик берилиши, ўз маҳсулотларини шартномалар асосида истаган жойга олиб бориб сотиш, айниқса давлат буюртмасидан қолган маҳсулотларни сотиш, уларни сотилишидан олинадиган даромадни ўз ҳожатлари бўйича ишлатишда эркинлик беришилишига қаратилмоқда.

Шу билан бир қаторда хукумат қишлоқ хўжаликларига қатъий режаларни белгилаб бериш мақсадида воз кечар экан, айни пайтда, хўжаликлар фаолиятини юритишда, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жорий қилинишида, қишлоқ хўжалиги техника базаларини янги, юқори унумли хорижий техникалар билан мустаҳкамланишида, қишлоқ хўжалиги техникаларидан самарали фойдаланиш, уларга қилинаётган сарф харажатларини камайтириш йўли билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирилишида меҳнат унумдорлигини ошириш базасида асосий ташкилотчилик ролини ўз зиммасида сақлаб қолди.

Агросаноат комплексига тааллуқли масалалар улкан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий моҳиятга эга бўлган масалалар жумласига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил декабрда бўлиб ўтган X сессиясида қишлоқ хўжалигида бозор ислоҳотини ўтказилиши муаммоларини ҳал этилишига янгича ёндошиш масаласи кўрилди.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳот ўтказиш муаммоларига диққат эътиборни кучайтирилганига қуйидагилар сабаб бўлди. Энг асосийси, қишлоқ хўжалигининг мамлакат ҳаёти иқтисодиётдаги тутган ўрнидир.

Аграр сектор, мамлакат ялпи маҳсулотининг 1/4 ни беради. Мамлакат ишлаб чиқариш потенциалининг ярмидан кўпроғи у ёки бу тарзда қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мамлакатга кириб келаётган валюта маблағларининг 55 фоизидан ортиғини ташкил этувчи муҳим экспорт манбайдир. Буларнинг барчаси иқтисодиётга тааллуқлидир.

Ижтимоий соҳада кўрилмадиган бўлса, бу қишлоқ хўжалиги ишларининг ҳолати бўлиб, унинг ривожланиш суръати ва самарадорлигида нафақат қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг

турмуш тарзини яхшиланиши, балки бу бутун республика аҳолисини яшаш даражасига боғлиқ.

Энг асосийси — бу муаммонинг сиёсий тусдалигидир.

Шунинг учун қишлоқ хўжалигидаислоҳот ўтказилишига мамлакат мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ жиддий эътибор қаратила бошлади.

Мустабит тузим барҳам топгандан сўнг қишлоқ хўжалигида аҳволни яхшилаш учун қуйидаги муҳим ишлар амалга оширилди.

Биринчидан, қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилинишининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Жумладан, "Ер ҳақида", "Кооперация ҳақида", " Ижара ҳақида", "Деҳқон хўжаликлари ҳақида" ва бошқа бир қатор ҳуқуқий актлар, Республика Президенти фармонлари, хукумат қарорлари чиқарилди. Бу ҳужжатлар кишлоқда янги хуқуқий муносабатлар пойдеворини яратиш имконини берди, кўп укладли иқтисодиётни шаклланишига, тадбиркорликни ривожланишига фермер ва шахсий томорқа хўжаликларин пайдо бўлишига туртки бўлди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ижтимоий структураси тубдан ўзгариб нодавлат секторининг хиссаси 98 фоизга етди.

Иккинчидан, қишлоқда хўжалик юритиш, молиялаштириш ва суғуртанинг янги системаси етиштирилган маҳсулотлар учун, етказиб берилган қишлоқ хўжалиги техникалари, ёқилғи, минерал ўғитлар учун ҳисоб–китоб қилишнинг янги методлари ишлаб чиқилди ва тадбиқ этилди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий мустақиллиги кенгайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиниши шартномавий нархлар системаси кенг жорий этилди.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида ташкилий–таркибий қайта тузишлар амалга оширилди, тармоқда бошқарув тизими ўзгарди. Қишлоқ ва сув хўжаликлари бошқарувининг такомиллаштириш мақсадида қишлоқ ва сув хўжалик вазирликлари қўшиб юборилди. Агросервис хизмати кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий–техника таъминотини такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Машина–трактор парклари тармоқлари ташкил этилди.

Бозор инфраструктураси ўзининг дастлабки нишоналарини берди. Деҳқон–фермер хўжаликлари, қишлоқдаги корхоналарига хизмат кўрсатувчи қатор тижорат банклари, қишлоқ хўжалик корхоналарини табиий офатлардан ҳимоя қилувчи "Ўзагросуғурта" суғурта компанияси ташкил этилди.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалигининг структураси сезиларли ўзгарди, бир ёқлама пахта монополияси бартараф этилди.

Республиканинг ғалла мустақиллигига эришиш борасида ишонч билан қадам ташлади. 1995–1997 йиллардаёқ ғаллага аж-

ратилган майдон 300 минг гектардан зиёдга кўпайди. Бошқа қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ортди.

Бешинчидан, республика ер фондининг ривожланишига ва ҳолатини яхшилашга катта эътибор қаратилди, ернинг маҳсулдорлигини ошириш чоралари кўрилди. Йилига 15-25 минг гектар янги ер ўзлаштирилди.

Давлат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожланишида, унинг фаолиятини юритилишида хўжаликларга иқтисодий мустақилликни бериб, ўз қўлида, хўжалик иқтисодий фаолиятини йўналтирувчи, хўжаликлар томонидан йиллик иш режаларини бажарилишини таҳлил қилган ҳолда тавсиялар бериш ролини ўзида сақлаб қолди.

Хўжаликлар миқёсида "Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ривожланиши бизнес–режалари" ишлаб чиқилиб, улар бозор фаолиятини кўзлаган ташкилот хўжалик тизилма ва ишлаб чиқариш молия режасини бирикмасини билдиради.

Қишлоқ хўжалигида алоҳида режа ҳужжатларида ўхшаш бўлган дастурлар, йиллик режалардан фойдаланилади. Аммо улар мустабит тузим давридагидек ягона тузимни ташкил қилмайдилар. Бу ерда гап албатта, директив режаларини тикланиши тўғрисида эмас, балки бошқарув функциялари бутунлай янги кўриниши устида боради. Чунки, давлат аралашувисиз, бозор муносабатларини чуқур ўрганиб чиқиш, ундаги товар ва таклифларни назорат қилиш, давлатнинг жаҳон бозоридаги ўрнини белгилаш мумкин эмас.

## 3-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ

### Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шаклланиши

Бозор муносабатларининг пайдо бўлишига иқтисодиётнинг мувозанатланишувини яхшиланиши ва таркибий қайта қурилишининг таъминланиш воситаси сифатида қараш мумкин. Бунда кўзланган асосий мақсад ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашдир.

Бозор муносабатлари мулк шаклининг турли-туманлиги, рақобатни кучайиши, тадбиркорликни ривожланиши, пул тўлиш қобилиятига қараб, бозордаги товарлар ва хизматларни, таклифларни шаклланиши билан ифодаланади.

Одатда, ишлаб чиқариш даражасини юқори бўлишини ва ҳаёт кечириш меъёрларини таъминловчи ривожланган мамлакатларнинг бозор хўжалигини юритиш моделлари кўриб чиқилади. Шу билан бир қаторда бу қолган мамлакатларнинг аксарияти бошқа давлатларга қарам бўлиб, одатда аҳолисининг кўпчилик қисми

ҳаёт даражаси паст бўлади, арзон ишчи кучини кўп бўлишига сабаб бўлади, молия ресурслари, хом ашёни импорт қилиниш ҳисобига шаклланади. Бундай ҳол кутилмаганда келиб чиқмайди, балки бозордаги рақобат шароити натижасида келиб чиқади, бунда бир томондан монополия роль ўйнаса, иккинчи томондан, жаҳон тараққиётидан четга чиқиб қолган давлатлар иқтисодиётининг кучсизлигидир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, хулоса қилиш мумкинки, жаҳон тажрибаси кўрсатдики, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида бозор инфраструктурасини шакллантирмай туриб, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш унда етиштирилаётган маҳсулотларни рақобат бардошлигини таъминлаш мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалигида бозор шароитида иш юритиш деганда мамлакатдаги барча аграр муносабатлар тизимининг янгиланиши тушинилади. Иқтисодиётда бозорнинг роли маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол ўртасидаги алоқа ўрнатилиш билан изоҳланади.

Аграр соҳага "бозор" тушунчасини киритилишини истеъмолчилар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчилар ва қайта ишлаш саноати ўртасидаги, ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол жараёнлари асосида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар тизими сифатида тушиниш лозим. Бунда, масала моҳиятини ёритувчи бир қатор элементларни таъкидлаш мумкин. Аграр соҳада бозор — бу бевосита ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги иқтисодий алоқадир. Шунинг учун бозорни шаклланишида товар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирилиши тизими ташкил этилиши лозимки улар товар ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий қизиқишларини харакатга солиши ва бу билан инқироздан чиқиши борасида харакатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади.

Қишлоқ хўжалиги бозорнинг шаклланиши борасида асосий элементлардан яна бири, бу қишлоқ хўжалиги ва саноат ўртасидаги айирбошлашдир. Буда асосий ҳал этувчи жиҳат ишлаб чиқариш воситалари нархларини белгиланишдир. Бу нархларнинг, монополия томонидан мунтазам равишда кўтарилиши қишлоқ хўжалиги корхоналарининг, улар мулкчиликнинг қандай шаклида бўлишидан қатъий назар фаолиятни пировард натижада тўхташига олиб келади. Ишлаб чиқариш воситалари нархларнинг тез суръатларда кўтарилиши аграр соҳа манфаатларини ҳимоя қилувчи иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий актлар тизимини ишлаб чиқишни талаб этади.

Нарх муносабатларини ростланиши бозор иқтисодиётини энг муҳим жиҳатларидандир. Бу жараён биринчи босқичда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун, мулкчилик шаклидан қатъий назар маҳсулот нархларини кафолатланиши билан аниқланади.

Шунингдек, саноат ва хизмат кўрсатувчи корхона ташкилотларига иқтисодий ташкилот таъсир кўрсатиш йули билан моддий-техника ресурслари ва хизматлар нархларини ростлаш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун компенсациялар тўлашдир.

Нарх-наво муносабатларини ростлашнинг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги билан иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ўртасида айирбошлашнинг эквивалентлигини таъминлаш бўлиб, бу исталган кўринишидаги товар муносабатларини, айниқса бозор принципларига асосланган муносабатларни фаолиятини юритилишини таъминловчи шартдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида нарх наво механизмини муҳим жиҳатларидан яна бири, бу хусусий савдогарлар ва тадбиркорларнинг фаолияти билан белгиланади. Нархларнинг ҳудудий фарқланиши, хусусий савдогарлар томонидан товарларни бир ердан бошқа ерга кўчирилишини, бошқача айтганда товарларни ҳаракаткини келтириб чиқаради. Ўзаро рақобатлашувчи хусусий ва жамоа бўлиб фаолияти кўрсатувчи савдогарлар бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми ҳисобланиб, уларнинг фаолияти маҳсулотларининг истеъмол нархларнинг кўтарилиши ва пасайишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, нархлар ўртасидаги тафовут савдо муҳитини рақобат бардошлигини таъминлайди. Бозорлар самарали ишлашни бошлаши билан вилоятлараро нархларнинг фарқи камая бошлайди.

Бозорларнинг самарали ишлаши эса кўп жиҳатдан давлатнинг бу борада олиб борадиган сиёсатига боғлиқдир.

Давлат бошқарувининг муҳим хусусияти унинг кредит сиёсатида намоён бўлади. Ҳозирги пайтда, кредитлар ўзининг асосий қўлланилиши моҳиятини йўқота бориб, мавсумий характерга эга бўлган тадбирларни амалга оширилишини таъминловчи манба сифатида намоён бўлмасдан, балки фавқулотда инқироз ҳолатларни бартараф этиш ёки олдини олишга хизмат қилади. Сўнгги йилларда олинган пул қарзлари товар кредитлари, айрим кўринишдаги моддий-технология ресурсларни лизинг усули билан олиш кўринишида алмаштирилади.

Кредит бериш сиёсати бир меъёрда ишлаб келаётган қишлоқ хўжалик товарларини етиштирувчиларга берилиши билан асосланади. Кредитлар асосан қисқа ва узоқ муддатга, уни олувчилар учун маъқул бўлган фоизлар билан берилади. Яхши созланган иқтисодий муносабатлар, айланма маблағ билан таъминланганлик, пул қадрсизланиши даражасининг озлиги шароитида кредитнинг маълум бир қисми, шартнома қилинган маҳсулот ҳисобига, аванс тўловлари билан алмаштирилиши мумкин. Нормал иқтисодий шарт-шароитларга эришилгунга қадар, зарурий чора сифатида қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчиларга мавсу-

мий кредитлар, шу жумладан маҳсулот сотилиши кафолати билан берилиши назарда тутилган бўлиши мумкин.

Давлат томонидан юритилаётган аграр сиёсатда белгиланган топшириқларни бажарилишида бюджет орқали қўллаб қувватлашда бошқарувнинг таъсирли омиллардан ҳисобланади. Бундай ёрдам, қатъий белгиланган мақсадларни амалга оширилишида (масалан, кадрлар тайёрлаш, карантин тадбирлари, илмий техника изланишларда, янги техникалар ва технологияларни жорий этишида), шунингдек, турли даражадаги дастурларни бажарилишида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигининг бирор фаолият кўрсатишини таъминловчи зарур шартлардан бири қишлоқ хўжалигини суғурта қилиш системасидир. Маълумки, қишлоқ хўжалиги корхоналарида табиий офатлардан сўнг ўзини ўнглаб олиш қобилияти йўқ, амалдаги кредитлар берилиши системаси эса уларнинг келгуси молиявий аҳволини мураккаблаштириб юборади. Шу боисдан давлат учун, кейинчалик ишлаб чиқаришни тиклаш учун маблағ сарфлангандан кўра, йўқотилган ҳосилнинг бир қисмини суғурта қилинишига маблағ сарфланиши маъқулдир.

Қишлоқ хўжалиги таркибий тузилмасини шаклланиши асосан, ширкат ташкилотлари кўринишида бўлиши, айни пайтда қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш тармоқларида эса акциядорлик шакли устун бўлиши киритилмоқда.

Ўзбекистоннинг бугунги ижтимоий-синфий тузилмаси танлаб олинган мустақил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли шўро тузумидан мерос қолган давлат иқтисодиётини эркинлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мулкчилик ва хўжалик юритиш плюрализмини жорий этиш негизида шаклланмоқда. Иқтисодий фаолият эркинлиги, мустақиллиги, рақобат кураши ва даромадларининг чекланмаслиги каби бозор механизмлари ҳар бир инсонга мулк шакли ва хўжалик юритиш усулини эркин танлашга, шахсий ва гуруҳий, кооператив манфаатларини рўёбга чиқаришга имкон яратди. Жамиятда ўз меҳнати характери ҳамда мулкий мақомига мос ўрин эгаллашга, кўпроқ даромад орттириш, турмуш даражасини яхшилашга, тадбиркор бўлишига, янги ижтимоий тузилмада яшашга ўрин берди. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги нодавлат сектори улуши 98 фоизни ташкил қилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Мулкий муносабатларни тубдан қайта қуриш, иқтисодий эркинлик ва рақобат, даромадларнинг чекланмаслиги каби бозор механизмларининг амал қилиши натижасида тамомила янги ижтимоий синфий тузилма қарор топиши бошланди. Истиқбол хусусида шуни айтиш мумкинки, келгуси қишлоқ хўжалигида деҳқон (фермер) ва томорқа хўжаликлари етакчи ўрин эгаллайди, шунга

мувофиқ ижтимоий-синфий тузилмада ўрта ва кичик бизнес вакиллари — тижоратчилар, савдогарлар, соҳибкор хунармандлар, фермер ва томорқадаги деҳқонлар, ижарачилар, пудратчилар, бошқарувчи — менежерлар, акциядор ёлланма ишчилар, хизматчи ва зиёлилар, ўртача ва барқарор даромад манбаига эга бўлган мулкдор қатламларнинг мавқеини мустаҳкамлаш.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кўп тармоқли эканлиги, улар томонидан ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарадорлик билан фойдаланиш, мустаҳкам иқтисодиётни ўрнатиш имконини беради.

Майда корхоналар бозор шароитга тезроқ мослашадилар деган тушунча қишлоқ хўжалиги учун зарурий шартлардан ҳисобланмайди. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўрнига бошқа хеч нарсани қўйиб бўлмаслиги билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш структураси такомиллашиб боради, лекин бу жараён узоқ муддат давом этади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг анъанавийлиги салмоқли фактор бўлиб, у ўзида тажриба, билимни тўплаб боради. Айни пайтда қайта ишловчи корхоналар қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотлардан ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат товарлари турини ва ассортиментини кенгайтириб боради.

Ишлаб чиқаришни йириклаштириш ғояси асосий ривожланган мамлакатларда ҳам кузатилмоқда, бу жараён уларда бир хилда кечмоқда деб бўлмайди. Бунга сабаб, ишлаб чиқариш шароитларининг турли-туманлиги, экологик чекланишлар, ташкилий жиҳатлардир.

Иқтисодий жараёнлар учун бир турдаги ишлаб чиқариш муносабатларидан иккинчисига ўтиш, ёки бу муносабатларни алмашуви кескин амалга ошмасдан балки аста-секинлик билан босқичма-босқич ўтиш характерлидир. Бу кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосида меҳнат, ишловчининг психологияси, одатлар ва турли янгиликларга ишончсизлик билан қарашга боғлиқдир. Бошқа томондан, илгари таъкидлаб ўтилгандек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусияти, жумладан ер билан ишлашдир. Шунинг учун, айниқса ўтиш даврида, агросаноат комплексини бир меъёрда фаолият кўрсатишини таъминловчи, жумладан истиқболни, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва таркибий тузилмасини аниқлаб олиш борасида товар ишлаб чиқарувчилар мўлжалини, озиқ-овқат фондлари ва эркин бозорда сотилмай қолган маҳсулотларни харид қилиб олиш системаларини шаклланишини ўз ичига олган режалаштиришнинг турли ташкилий методларидан кенг фойдаланиш лозимдир.

Ҳаёт кечиришнинг ижтимоий шартлари нуқтаи назаридан қараганда, шундай тушунча мавжудки, турмуш фаровонлиги ҳар бир одамнинг ишлаб пул топиш қобилияти билан белгиланади, давлат эса, бунга жисмонан қобил бўлмаган инсонларни қўлла-

ши керак. Аммо бозор шароитида бундай тушунча ўринли эмаслиги белгиланади. Биринчидан, бозор системаси ўзининг кўринишни бўйича содда туйилганига қарамасдан, маъмурий тақсимлаш системасидан кўра мураккаброқдир, чунки, ўзини бошқарувчи факторлар нисбатан кўп миқдорда ўзаро боғланишларни келтириб чиқаради. Иккинчидан, бошқарув тизимида таркибий тузилмалар ўртасидаги муносабатлар ўзгаради.

## Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигини режалаштириш

Аввал таъкидланганидек, режалаштириш барча бир мақсадга йўналтирилган фаолиятни амалга оширилишини бўлинмас қисмини ташкил қилади. Шу билан бирга иқтисодий муносабатларнинг характери унинг шакли ва методларини белгилайди.

Замонавий босқичда, ривожланган мамлакатларда бошқарувнинг методлари ва режалаштиришга оид муаммолар "бозор – боғлиқ имкониятлар, режа – борлиқ заруриятлар" принципида ҳал этилади. Бу бозор шароитида миллий агросаноат мажмуасининг ички ва ташқи бозордаги рақобатга бардош беришини ва қишлоқ хўжалиги сиёсатини ижтимоий йўналишини таъминлайди. Шу билан бирга юқори даражадаги рақобатбардошлик қобилияти аввало маҳсулот бирлигига қилинаётган харажат миқдорининг камлиги ва маҳсулот сифатининг юқорилиги билан ўлчанади. Шунингдек, ижтимоий муаммоларни ҳал этилиши давлат томонидан шахсий даромадларни юқори бўлишини таъминлаш ва уни шакллантириш, ижтимоий инфраструктурани ташкил қилинишига сарфланаётган харажатларни ортишига олиб келади.

Маълумки бир мақсад йўлида режалаштириш йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— агросаноат комплексида кўп тармоқлиликни ва унинг таркибидаги алоҳида олинган мулкчилик шакли нисбатини шакллантириш;

— қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилинишида базис сифатида ерга муносабатни аниқлаш;

— АСКда, АСКнинг халқ хўжалигини бошқа тармоқлари билан, АСКни давлат билан иқтисодий муносабатларини қайта ташкиллаш, бошқача айтганда, бу ерда гап тармоқлараро муносабатлар, қишлоқ хўжалиги билан саноат ўртасида товар алмашинувининг эквиваленти ҳақида боради;

— меҳнат ва ижтимоий масалаларга доир муаммолар мажмуаси, жумладан, ёлланма меҳнат учун хуқуқларни қўлланилиши, ёлланма мехнатнинг умумий меҳнат харажатларидаги солиштирма вазни, ишсизлик, қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий даромадлари, ижтимоий инфраструктурани шаклланиши.

Бу ижтимоий-иқтисодий қайта тузишларни режалаштирили агросаноат комплексини, бозор иқтисодиёти принциплари асосида, ижтимоий шакллантиришнинг умумий концепциясига зид бўлмасдан, балки кўзда тутилмаган ҳолатларни четлаб ўтиш имконини беради. Боз устига ижтимоий-иқтисодий жараёнларни режалаштириши кўрилиши мумкин бўлган зарарни олдини олувчи тадбирларни ўз ичига олади. Режалаштириш бошқа томондан агросаноат комплекси олдида турган ачиқ вазифаларни амалга оширилиши билан боғлиқдир. Бу, товар муносабатларига, алоҳида тармоқлар, хўжаликлар ва бошқа, бозор субъектларини ривожланишига тааллуқлидир. Хўжалик алоқаларининг издан чиқиши натижасида, хўжаликлар ва ҳудудларнинг ўз-ўзини таъминлашга бўлган интилишлари кучайиб, бу ислоҳот олди йилларида кенг офат бўлган, боқимандачиликка қарши кураш сиёсатининг давоми сифатида намоён бўлади.

Лекин бу ишлари озиқ-овқат маҳсулотларининг умумий тақчиллиги билан боғлиқ эди, хусусан нафақат реал тақчиллиги билан маҳсулотлар чакана нархларининг ҳаддан зиёд пастлиги, шунингдек, маҳсулотларни марказдан туриб тақсимланиши натижаси эди. Айрим худудлардан давлат буюртмалари орқали фақат ортиқча маҳсулотлар тортиб олинибгина қолмасдан, балки ҳудуд аҳолиси эҳтиёжи учун зарур бўлган энг кам миқдорда ҳам юолдирилмас эди. Бошқа худудлар эса уларни керагидан ортиқ олар эдилар.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва сотиш борасида бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, маҳсулот етиштиришда бозордаги талаб эътиборга олинмаяпти, натижада талаб ва таклиф мувозанати бузиляпти. Бир қайси маҳсулот кўп етиштирилиб, унинг нархи тушиб кетган бўлса, келгуси йилда ўша маҳсулот кам етиштирилмоқда, оқибатда нарх-наволар кўтарилиб кетмоқда. Шахсий томорқаларда етиштириладиган маҳсулотлар ҳисоби юритилмаслиги боис, аксарият юқоридаги ҳолларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Бундан келиб чиқадики, истеъмол моллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозор эҳтиёжларига мос, режали равишда талаб ва таклиф тўлиқ ўрганилмасдан етиштирилмоқда. Бу борада тавакkalчиликка йўл қўйишар экан аҳвол шундай давом этаверади.

Ҳозирда қишлоқ маҳсулотлари етиштирувчилар мураккаб шароитда фаолият кўрсатмоқдалар. Бозорда истеъмолчиларнинг маҳсулотларга бўлган талаблари ҳам ўзгарувчандир. Шунинг учун деҳқонларнинг қандай турдаги ва қанча миқдорда маҳсулот етиштиришини билишлари муҳимдир.

Деҳқон қандай маҳсулот етиштиришга аҳд қилар экан, биринчи навбатда ўзи яшаб турган худуддаги бозордаги аҳволни, ўтган йили бу бозорда талаб қандай бўлганлигини ҳисобга олади холос.

Маҳсулотларга бутун мамлакат бўйлаб ва жаҳон бозоридаги талаб, уларнинг нархларини ўзгариши ва бу ўзгаришларни олдиндан кўра билиш, қайси қишлоқ хўжалиги экинларига талаб кучайиб бормоқда, жаҳоннинг қайси мамлакатларида у ёки бу маҳсулотларни етиштириш, табиий офатлар натижасида, пасайиб кетди, буларни доимий равишда назоратда тутиш, таҳлил қилиб бориш ва ривожлантириш давлат зиммасига тушиши лозим. Шу билан бир вақтда, ривожланган мамлакатлар тажрибасида қўлланилганидек, давлат ўз бюджетидан пул сарфлаб нархларни бир меъёрда ушлаб туриш чораларини кўрмоғи, бу билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга мадад бериб бориши керак.

Ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши деҳқонларнинг давлат ҳимоясида эканлиги, мунтазам моддий ёрдам олиб туриши натижасидадир. Масалан, АҚШда аҳолининг 2 фоизи қишлоқ хўжалигида шуғуллангани ҳолда, экспортнинг 10 фоизи қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулот ҳиссасига тўғри келади.

1987 йилда АҚШда давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларини бир хил ушлаб туриш учун 17 млрд. доллар сарфлайди.

Голландия бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда меҳнатга қобилиятли аҳолининг 4 фоизи ишлайди. Шунга қарамасдан мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қисми бўйича 2-3 ўринда туради.

Давлат томонидан бошқариш чоралари жумласига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, улар ортиқча даража етиштирилган худудлардан сотиб олиб, тақчил ҳудудларда сотиши, компенсация қилишнинг турли формалари, айниқса транспорт харажатларини қоплаш киради. Бундай ростланишлар амалга оширилишида бозорнинг жорий коньюктурасини ҳисобга олиш, бозорда юзага чиқадиган аҳволни олдиндан кўриш, Агросаноат комплекси товар етиштирувчиларини маълум мўлжал бўйича йўналтириш ҳисобига олинади. бошқача қилиб айтганда мақсадни кўзлаган ҳолда режалаштириш фаолияти юритилади.

Режалаштиришда тармоқлар бўйича иш олиб борилишича муҳим ўрин ажратилиши лозим. Бу нафақат хўжаликлар фаолияти билан, балки қўллаб-қувватланишнинг иқтисодий чоралари системасини аниқланиши, алоҳида турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ривожлантириш, экспорт ёки импортни рағбатлантириш билан боғлиқдир.

Алоҳида олинган маҳсулот тури бўйича режалаштиришга, уни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансига асосланган ҳолда, ёндошиш лозимдир.

Масалан, у ёки бу турдаги маҳсулотни етиштириш имкони Мамлакат эҳтиёжини тўлиқ қондиришга етарли бўлсада, ишлаб

чиқарилаётган миқдори мамлакат аҳолиси талабини қоплашга ҳам етмайди ёки импорт йўли билан олиб келинаётган маҳсулотларни мамлакат шароитида ҳам етиштириш мумкин. Бундай баҳо бериш бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ва таклифларни ростланишини тўлдирувчи иқтисодий чоралар системасини ишлаб чиқиш учун зарурдир.

Давлат органлари бозорга иқтисодий таъсир кўрсатиш чораларини аниқлашда нафақат ҳақиқатда юзага келган ҳолат бўйича, балки кутилаётган ўзгаришларни олдиндан кўра билиш ва бунга асосан ўзининг қишлоқ хўжалиги борасида ташқи ва ички сиёсатини юритиш билан боғлиқ ҳолда асосий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансига эга бўлиши керак.

Айрим турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича тармоқлар ёки ҳатто корхоналар фаолиятлари давлат назорати остида бўлиши шарт. Масалан, пахта, ғалла етиштириш бўйича давлат назоратни ўз қўлига олган бўлиб, бу борада бир бутун чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган.

Режалаштиришнинг яна бир йўналиши қишлоқ хўжалигида илмий-техника жараёнини ривожлантиришига шароит яратиш билан боғлиқдир. Рақобат асосидаги бозор муносабатлари янги технологиялар, техникалар, ишлаб чиқаришни ташкил этишни янги формаларидан тўлароқ фойдаланиш зарурлигини тақозо этади.

Сўнгги йилларда давлатимиз қишлоқ хўжалигининг айрим соҳаларида техникалардан фойдаланишда салбий ҳолатлар юзага чиқди. Жумладан, 1992-1993 йилларда машиналар билан пахта ҳосилининг 40 фоизига яқини териб олинган бўлса, 1996 йилда 6 фоизи, 1997 йилда эса бор йўғи 4 фоизи териб олинди холос. Айрим вилоятларда эса пахтани теришдан умуман воз кечилди. Кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнларни, айниқса пахта теришни механизациялаштирмай туриб пахта таннархини тушириш, уни сотилишини осонлаштиришни имкони йўқ. Бозор шароитида маҳсулотнинг рақобатга бардош беришини таъминланишини кўп жиҳатдан, ҳатто бирдан бир кўрсатгичи (сифати билан бир қаторда) унинг нархидир. Шу боисдан, сифатли ва арзон маҳсулот етиштиришнинг бош омили қишлоқда кучли техника борасида яратишдир. Бу борада давлат ташкилотчилик ролини ўз қўлига олиши лозимдир.

Республикада қишлоқ хўжалигини замонавий, юқори самарали қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш мақсадида 1998-2000 йилларда бу соҳанинг моддий техника базасини янада тўлдириш ва янгилаш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастур бўйича республикага хорижий комбайнлар ва тракторлар келтирилди. Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш мақсадида, мавжуд корхоналар негизида хорижий фирмалар билан биргаликда қишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Дастурда белгиланган тадбирларни сўзсиз бажарилишини лозимлиги белгилаб қўйилди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига агротехник хизмат кўрсатишни яхшилаш, қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш самарасини ошириш мақсадида, республикада машина-трактор парклари тузилди. Бу парклар фаолиятини йўлга қўйиш, уларни ривожлантириш бўйича ташаббускорликни давлат ўз зиммасига олди.

Маъмурий ва ижроия органлари томонидан халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқлари фаолиятларини белгиловчи кўрсаткичларни ҳар йили ва маълум бир давр учун аниқлаб боришлари мақсадга мувофиқдир. Бу борада, агросаноат комплексига қуйидагилар тааллуқлидир: аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ҳақ тўлаш қобилияти, аҳоли жон бошига асосий маҳсулотларни истеъмол қилиниши динамикаси, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошиши, асосий воситаларни янгиланиши, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари нархларининг ўзлаштириш ва уларнинг нисбати, қишлоқ хўжалиги товар етиштирувчилар даромадининг ортиш даражаси, янги иш жойларини ташкил этиш, қишлоқда ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш.

Бу кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий механизмлар системасини тузиш, бюджетни ишлаб чиқиш, йиллик якунлар бўйича эришилган ҳақиқий натижаларнинг ҳисоботини қилиш кўзда тутилади. Бундай режа агросаноат комплекси фаолиятини юритишда мўлжал бўлиб хизмат қилади. Аммо, у хўжаликлар, ҳудудий маъмурий органлар учун дедектив характерга эга бўлмаслиги лозимдир.

Хўжаликлар миқёсида, шунингдек режалаштиришда туб ўзгаришлар бўлади. Бу борада қуйидаги ҳолатларни келтириш мумкин:

— режалаштиришнинг асосий мақсади шериклар билан ўзаро фаолли юритиш шартлари ва якунлари баҳо бериш кўрсаткичларини аниқлаш (махсулот сотиш, моддий-техника таъминоти, кредит, суғурта ва ҳ.к.), шунингдек ички фаолият юритилишини белгилаш (қурилиш, техника сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш баланси, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ҳ.к.) сифатида намоён бўлади;

— бозор талабининг ўзгариши ва хўжалик юритишнинг бошқа шартларини ўзгаришига боғлиқ ҳолда, тезкор режалаштириш ролини ошириш. Бу борада йиллик, айниқса истиқболни белгилаш режалари нисбатан юмшоқ бўлиб, юзага чиққан ҳолатга қараб ўзгартирилиши мумкин;

— ички хўжалик режалаштирилиши тизимида мажбурий ва индекатив кўрсаткичлар нисбатини ўзгартириш;

— жамоа, акциядорлик, давлат ва ширкат ва бошқа кўринишдаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг ташкилий-ҳуқуқий хусусиятларини хисобга олган ҳолда, ички хўжалик режалаштириш методлари ва формаларидан фойдаланиш.

Буларнинг барчаси хўжалик ва ички хўжалик режалаштири-

лишига ёндошишни ўзгартиради. Аммо буни маркетинг системаси режалаштиришишига ёки бизнес-режа ишлаб чиқишга тўлиқ боғлаб бўлмайди. Маркетинг режалаштириш кўп жиҳатдан маҳсулотни кўпроқ фойдали сотилишига йўналтирилган бўлиб, харидорнинг эҳтиёжини ҳисобга олади.

Бизнес-режа тадбиркорликни ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, моҳияти жиҳатидан хўжалик фаолиятини ҳар томонлама қамраб олмайди.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини бошқариш ва ташкил қилишда режалаштиришнинг аҳамияти пасаймаган ҳолда, балки ортиб боради, аммо унинг мақсади ва вазифалари, шакли ва усуллари, режавий топшириқларни баҳолаш категориялари ўзгаради.

### Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва ечилмаларини баҳолаш мезонлари

Агросаноат мажмуасида амалга оширилаётган қайта тузишлар, барча ислоҳотлар сингари, ривожланишнинг янги босқичларига кўтарилишни назарда тутиб, аниқ мезонлар билан характерланади.

Шу боисдан, қишлоқ хўжалиги ва агросаноат комплексининг бошқа соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар билан боғлиқ жараёнларни кўриб чиқишда, айниқса аграр сиёсатни ишлаб чиқилишда истиқболни белгилашида ва бошқа режа ҳужжатларини тузишда қабул қилинган қарорлар ва ечимларни, натижаларини уларни самарадорлиги нуқтаи назаридан, баҳолаш зарур бўлади.

Самарадорлик мезонлари умумий ёки қисман бўлиши мумкин. Улар муваффақ характерга эга, яъни ҳақиқий эришилган ёки кутилаётган натижаларни баҳолаш мумкин. Биринчиси қаторидаги мезонларга шундай мезонлар киради-ки, улар ёрдамида умумий характердаги ўзгаришлар кириб, қисман баҳо бериш мезонларини умумлаштиради. Улардан юритилаётган ёки кўзда тутилаётган сиёсатнинг аграр ислоҳотининг, ижтимоий иқтисодий дастурнинг стратегияси ва тактикасини баҳолашда фойдаланилади.

Қисман баҳо берувчи мезонлар эса, аграр сиёсат ёки бошқа қайта тузишлар, дастурларни таркибий қисмларига баҳо беришда қўлланилиб, умумий мезонлар доирасида уларнинг самарадорлигини белгилайди. Жумладан, янги аграр сиёсатнинг таркибий қисми бўлмиш, бозор муносабатларининг самарадорлиги, ўз навбатида аграр сиёсатнинг умумий мезонларига зид бўлмаган кўрсаткичлар ва мезонлар билан аниқланиши мумкин. Бир мунча ўзгача ҳолат вақтинчалик факторларни баҳолашда кузатилиши мумкин. Яъни, аниқ бир муддат давомида, умумий мақсадга эришиш йўлида, айрим "чекинишларга" йўл қўйилади. Аммо бу ҳолда ҳам умумий ва қисман мезонлар ўртасида қарама қаршиликлар бўлиши мумкин эмас. Бундан ташқари, қисман мезонларни тўлдириб, режавий ечилмалар ва ҳақиқий ҳолатларни холис

баҳолашга имкон яратувчи мезонлар системасини ташкил қилади. Масалан, аграр сиёсат кўриб чиқилаётганда, биринчи ўринда, агросаноат комплекси самарадорлигининг ўсиш динамикасини ҳақида сўз юритиш лозим. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик кўрсаткичи сифатида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган ва истеъмол қилинаётган маҳсулотлари динамикасидан фойдаланиш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиниши**

| | 1990 йил | 1995 йил баҳолаш | истеъмолнинг рационал меъёрлари | истеъмолнинг энг кам меъёри |
|---|---|---|---|---|
| Гўшт ва гўшт маҳсулотлари (кг) | 32 | 33 | 78 | 27 |
| Сут ва сут маҳсулотлари (кг) | 210 | 160 | 390 | 212 |
| Тухум ва тухум маҳсулотлари,дона | 120 | 53 | 291 | 151 |
| Шакар (кг) | 24,9 | 9,9 | 39 | 21 |
| Ўсимлик ёғи (кг) | 12,6 | 13,9 | 13 | 6,4 |
| Сабзавот ва полиз маҳсулотлари | 107 | 120 | 139 | 94 |
| Картошка (кг) | 29 | 23 | 117 | 124 |
| Нон ва ун маҳсулотлари (кг) | 170 | 157 | 110 | 130 |

Аҳоли жон бошига истеъмол қилинаётган асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача даражаси қишлоқ хўжалигида етиштирилган ялпи маҳсулот миқдори билан боғлиқлиги қуйидаги расмда аниқ кўриниб турибди (4-расм)




**4-расм. Аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиниш ва қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг динамикаси (таққослов нархларда). фоиз, 1990 й = 100**

Умуман олганда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмоли, энг кам истеъмол меъёрига кўпроқ яқинлашмоқда. Шу боис аграр сиёсатни самарадорлик мезони, халқ хўжалиги нуқтаи назаридан қаралганда, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилишини кўпайтириш бўлиши керак.

Аграр сиёсат самарадорлиги мезонларининг бошқа гуруҳи бевосита АСК фаолияти билан, хусусан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқдир. Меҳнат унумдорлиги нисбатан умумий кўрсаткич бўлиб, ўзида қишлоқ хўжалигини интенсивлигини, қишлоқ хўжалиги экинларини ҳосилдорлигини, чорва ва парандалар маҳсулдорлигини, қуйилган сармоядан даромад олинишини мужассамлаштиради. Унинг абсолют кўрсаткичлари ва динамикаси илмий-техника жараёнини ишлаб чиқаришга кўрсатган таъсирини кучайганини ёки камайганини билдиради (5-расм)




**5-расм. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида иш унумдорлиги ва ишлаб чиқаришнинг сифат кўрсаткичлари (1995 й 1990 йилга нисбатан фоизларда)**

Бундан ташқари, меҳнат унумдорлиги кўп жиҳатдан маҳсулотнинг рақобатбардошлигини, ишчиларнинг моддий фаровонлигини белгилайди.

Бу борада, назарда тутиш лозимки, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи саноат тарққиётига боғлиқ бўлиб, бу айниқса қишлоқ хўжалиги машинасозлик ва кимё саноатига тааллуқлидир. Шунингдек, ишлаб чиқариш малакаси ва қишлоқ хўжалигида меҳнат қилувчи ходимларнинг билими ҳам эътиборга олинади. Булардан ташқари яна бир қатор, меҳнат унумдорлиги даражасини белгиловчи жиҳатлар мавжуд бўлиб, улар ишлаб чиқариш ташкил этиш самарадорлигига, ресурслардан фойдаланишга боғлиқдир. Умуман олганда меҳнат унумдорлигини мунтазам пасайиши аграр сиёсат, унинг шакли ва методларини татбиқ этилишида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганини билдиради.

Яна бир гуруҳ кўрсаткичлар борки, улар агросаноат комплексида ижтимоий қайта тузилмалар самарадорлигини аниқлайди. Улар жумласига қишлоқ хўжалиги товарларини етиштирувчиларнинг даромад олиш динамикаси, ижтимоий инфраструктуранинг ривожланиши киради. Уларнинг барчаси қишлоқ аҳолиси умрининг давомийлигини билдирувчи мезонга бирлашади(6-расм).




——————— мамлакат бўйича ўртача
— — — — — — — қишлоқ аҳолиси

6-расм. Ўзбекистон аҳолиси умрининг давомийлиги динамикаси.

Аграр сиёсатнинг таркибий қисми ҳисобланувчи бозор муносабатларининг самарадорлиги умумий мезонлар билан бир қаторда, хусусий мезонлар билан ҳам аниқланиб, улар жумласига қуйидагилар киради:

— талабнинг қондирилиши, талаб ва таклифнинг нисбий мувозанатлашуви;

— қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг рақобат бардошлилиги; қишлоқ хўжалиги билан унга моддий техника ресурсларини етказиб берувчи ва ишлаб чиқариш хизмати кўрсатувчи тармоқлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мувозанати.

Биринчи холда маҳсулотларни экспорт қилиш ёки уларни ишлаб чиқарилишини чеклаш, бу борада турли иқтисодий дастаклардан, жумладан, квоталардан, солиқлар, ёрдам пулларини чеклаш, махсус дастурлар ва бошқалардан фойдаланади. Маҳсулотларнинг маълум миқдорда бозорда ортиқча бўлиши нормал ҳол ҳисобланади. Маҳсулот тақчиллигини келиб чиқиши хавфли ҳолдир. Бозорда узоқ муддатли, тўла мувозанатнинг сақланиши амалда мумкин эмас, бунинг устига қишлоқ хўжалигида об-ҳаво, иқлимнинг таъсирини ҳам ҳисобга олиш керак.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлиги бозор муносабатлари самарадорлигининг муҳим мезонидир. Давлат томонидан шундай сиёсат юритиладики, ташқи бозор рақобатга чидаш бермайдиган маҳсулот ички бозорда муваффақиятли сотилиши ва аксинча бўлиши мумкин. Бундай сиёсат кўпроқ Ғарбий Европа давлатларида, Японияда ва бир қатор бошқа мамлакатларда қўлланилади.

Рақобатбардошликни миқдорий ўлчови сифатида корхона ёки

бирлашманинг товар массасини умумий ҳажмида алоҳида олинган маҳсулотнинг солиштирма вазни ҳақида кўрсаткичлар қўлланилиши мумкин, шунингдек, ҳақиқатда сотилган маҳсулот билан сотилиши мумкин бўлган умумий ҳажми солиштирилади. Бу борада фақат бу кўрсаткичларни абсолют ўлчовигина эмас, шунингдек, уларни динамикасини ҳам ҳисобга олиш муҳимдир.

Иқтисодий муносабатлар мувозанатининг асосий мезонларидан бири қишлоқ хўжалиги билан бошқа тармоқлар иқтисоди ўртасидаги олишувлар эквивалентлиги ёки нархлар паритетидир.

Сўнгги йилларда аграр сектор ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори (5-жадвал).

**5-жадвал**

| | 1994 й. | 1998 й. | 1998 й. | 1997 йил |
|---|---|---|---|---|
| | 1996 % | | 1997 % | |
| Пахта млн. тонн | 100,4 | 3,2 | 88,9 | 3,6 |
| Ғалла минг. тонн | 106,3 | 4363,9 | 109,8 | 3975,2 |
| Сабзавот минг. тонн | 75,5 | 2353,9 | 98,7 | 2384,2 |
| Картошка минг. тонн | 134,7 | 687,1 | 99,3 | 691,9 |
| Мева минг. тонн | 96,6 | 518,8 | 94,7 | 547,7 |
| Узум минг. тонн | 106,9 | 332,2 | 64,9 | 511,5 |
| Полиз минг. тонн | 100,0 | 465,2 | 123,7 | 376,2 |
| Гўшт минг. тонн | 100,0 | 808,1 | 100,9 | 800,7 |
| Сут минг. тонн | 100,1 | 3494,7 | 102,6 | 3406,1 |

Аграр сиёсатни юритилишини ташкил қилиш ва якунларини баҳолашда самарадорлик мезонлари билан бир қаторда, ижтимоий-иқтисодий қайта тузишмалар динамикаси ўзгаришларига бозор субъектлари ва бошқарув тузилмасини йўналтиришга хизмат қилувчи индикаторлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу индикаторлар ишлаб чиқариш жараёнларини нормал кечишига, ривожланишига, шахсий истеъмолни етарли даражада бўлишига йўналтирилиши лозим.

Жумладан, қишлоқ хўжалиги товарларини етиштирувчи билан халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ишловчиларнинг даромадлари нисбати ижтимоий индикатор ҳисобланади. Сўнгги йилларда бу нисбат қишлоқ фойдасига ҳал бўлмаганлиги қуйидаги графикда кўринмоқда (7-расм).




**7-расм. Қишлоқ хўжалиги ва саноатда меҳнатга ҳақ тўлаш нисбати индекси.**

Ижтимоий индикатор сифатида, шунингдек, қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ҳисобига жамият истеъмоли фондлари ўлчамлари нисбатидан фойдаланиш мумкин.

Самарадорлик мезонлари ва ижтимоий-иқтисодий индикаторлар режалашнинг зарур ва муҳим воситаси ҳисобланади, чунки улар қабул қилинувчи қарорлар ва уларни татбиқ этилиши механизми, кутилаётган натижаларга ҳаққоний баҳо берилишини таъминлайди.

Бу борада, қишлоқ хўжалик товарларини етиштирувчиларга ишлаб чиқариш воситаларига, маҳсулотларига ва олинган фойдага эгалик қилиб, мулкдор сифатида майдонга чиқмоқдалар, ўз фаолиятлари бўйича жавобгарликни зиммасига олмоқдалар. Шунинг учун халк хўжалигида кўзланган мақсадларга эришиш йўлида марказдан туриб бошқариш борасида қатъий топшириқлардан фойдаланиш, маъмурий буйруқбозлик системаси ўз моҳиятини йўқотади. Натижада, янги иқтисодий муносабатлар талабига жавоб берувчи, режалаштиришнинг индикатив (йўлланма, тавсия берувчи) методидан фойдаланиш ўз-ўзидан заруриятга айланади.

# 4-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ИНДИКАТИВ ФОРМАЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ

## Индикатив режалаштириш моҳияти

Режавий ечилмалар мос ҳолдаги ҳужжатларда акс эттирилиб, улар жумласига турли кўринишдаги режалар ва дастурлар киради. Характери жиҳатдан улар директив ёки мажбурий, шунингдек, индикатив ёки тавсия берувчи бўлиш мумкин. Аввал таъкидлангаиндек, бозор муносабатлари тизимида режалаштиришнинг индикатив шакллари ва методлари кўпроқ қўл келади. Бунда таъсир шакли нисбатан "юмшоқ" бўлиб, режалаштирилган ишга билвосита таъсир кўрсатмоқда

Индикатив режалаштиришнинг хусусиятларига режалаштириш ҳужжатларида акс этган кўрсаткичларнинг мажбурий эмаслиги, тавсия қилинаётган ечилмалар вариантларидан энг мақбулини танлаб олиш ва режа тадбирларини қатнашиш ихтиёрийлиги, индикатив режа кўрсатгичларига келишув йўли билан тўлдиришлар киритиш имконияти киради.

Индикатив режалаштиришдан кўзланган мақсадга қуйидагилар киради:

— ички ва ташқи бозор ҳолати бўйича ахборот системасини шакллантириш;

— бозор субъектларига хўжалик фаолиятларини юритишларида қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган, давлат дастурлари асосини ташкил қилувчи кўрсаткичларни тавсия қилиш;

— янги техника ва технологиялар тараққиёти, илмий-техника ютуқларидан фойдаланиш борасида товар ишлаб чиқарувчиларга йўлланма бериш.

Индикатив режалаштириш, айтиб ўтилганидек, товар ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигига, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва олинган фойданинг эгаси эканлигига асосланган.

Шу билан бирга бозор субъектлари ўз фаолиятларини амалдаги қонунлар асосида олиб боради. Шу сабабли бозор иқтисодиёти соҳасида топшириклари, масалан, тасдиқланувчи бюджет, турли экологик кўрсаткичлар, хўжаликларда технологик режалар сингари мажбурий тусга эгадир.

Индикатив режалар анъанавий режа-хужжатларда, дастурларда ва бошқа ҳужжатлар татбиқ этилади. Аммо сўнгги йилларда "режа" сўзи, режавий ечилмаларни, ўтмишдаги иқтисодий системага боғлиқ бўлиб қолишидан хавфсираган ҳолда, асосиз равишда ишлатилмаяпти.

Лекин, энг муҳими режалаштириш моҳиятининг индикатив методларига йўналтирилганидир. Энг аввало режалаштириш соҳасига бевосита товар етиштирувчилар, харидорлар ва бозорга таъсир кўрсатувчи иқтисодий омиллар киритилмоқда. Улар таркибида, кафолатланган нархлар, кредит ставкалари ёки уларнинг белгиланган тадбирларни бажарилиши учун бюджет томонидлан қўллаб қувватланиши, ёрдам кўрсатиш пули миқдори, суғурта қилишда бюджетнинг иштироки, фаолият турлари ёки мулк шакли бўйича солиқ миқдорлари, экспорт ва импорт бож тўловлари киритилади (8-расм).

Иқтисодий омилларнинг бундай системаси нисбатан ўзгармас бўлиб, Республика миқёсида қабул қилиниши ва агросаноат мажмуини бикир ишлашини ва уни ривожланиши шароитларини таъминланишини кўзда тутиб уч-беш йилга бир маротоба қабул қилинади.


Иктисодий механизм
нархлар
кафолатланган (химояловчи) нархлар, озиқ-овқат фондларига харид қилинганда
маҳсулот нархларига қўшимча
гаров нархлари
ортиқча қ.х маҳсулотларини харид қилиш нархлари
Кредит
тижорат банклари ссудалари бўйича фоизларни қўллаб-қувватлаш
товар кредити
инвестицион кредитларнинг ўзига хос шартлари
бюджет
бюджетлар ссудалар
моддий-техника ресурсларини сотиб олишда компенсациялар
лизинг
маълум шартлар бўйича ёрдам пуллари
давлат фондига харид қилишда аванс тўлаш
дастурлар тадбирларини молиявий таъминланиши
солиққа тортиш
солиқлар бўйича имтиёзлар
солиқларни дифференциялаш
суғурта
суғурта тўловларида бюджетнинг ўрни
ташқи иқтисодий фаолият
экспорт ва импорт қилишда бож тўловлари
экспортни қўллаб-қувватлаш

8-расм.

Айни пайтда юзага келган ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, бу системага ўзгартиришлар киритилиши мумкин бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат бозорларининг субъектларига ҳар йили ахборот бериб борилади.

Индикатив режалаштиришга ўтишда режа қарорларини ишлаб чиқилишида қўлланилувчи меъёрий ҳужжатлар моҳияти тубдан ўзгаради.

Илгариги вақтларда, марказдан туриб директив режалаштириш шароитида, меъёрий ҳужжатлардан хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини мажбурий қуроли сифатида фойдаланилган. Бу фойдани тақсимлаш, меҳнат унумдорлиги даражаси, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлигига меъёрийларига тааллуқлидир. Ушбу нормативлар ишлаб чиқаришнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини белгилаб, улар юқоридан тайинланганлиги боисидан, қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятларини аниқ шарт-шароитларини ҳисобга олмаган ва уларнинг мустақил иш юритишларига тўсқинлик қилиб келган.

Бозор муносабатлари тизимида иқтисодий меъёрлар тубдан бўлакча моҳиятга эга бўлиб бермоқдалар. Улар қуйидаги йўналишларда қўлланилиши мумкин:

биринчидан, барча агросаноат ишлаб чиқаришининг иқтисодий аҳволини таҳлил қилиш, чунки меъёрлар факторларнинг мувофиқ нисбатини, фаолият натижаларини акс эттириши лозим;

иккинчидан, истиқболни белгилашда, чунки меъёрлар, маъқул вариантларни кўзда тутган ҳолда, асосланган негизда иш юритишни таъминлайди. Бу борада истиқболни белгилаш меъёрларига истиқболли технологиялар ва бошқа параметрлар киритилади;

учинчидан, давлат бошқарувининг барча босқичларида ва хўжалик фаолиятида режа ва дастурлар ишлаб чиқарилаётганда индикатор-кўрсаткичлар сифатида;

тўртинчидан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий қарорлар қабул қилишда таклиф этилган варианлардан маъқулини товар етиштирувчилар томонидан қабул қилинишида, самарадорлик индикатори сифатида, йўлланма бериш.

Иқтисодий меъёрлар тизими бир мунча мураккаб бўлиб, ундан фойдаланувчиларга кенг миқёсдаги кўрсаткичлар жамламасини таклиф этиши лозим. Бу борада меъёрлар, одатда, ишлаб чиқаришнинг бир қатор сифат кўрсаткичлари бўйича ишлаб чиқилади ва мамлакатнинг табиий-иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олади.

Бундай системада иш олиб борган қишлоқ хўжалик товарларини етиштирувчилар ўз фаолиятлари самарадорлигини аниқлаш имконига эга бўладилар, уни яхшилаш йўлларини излаб топадилар, зарур таркибий тузилмаларни режалаштира оладилар.




**9-расм. Қишлоқ хўжалигида индикатив режалаштиришни қўллашда иқтисодий меъёрлар тизимининг тахминий схемаси**

Бу борада назарда тутиш лозимки, нарх-наво меъёрлари, одатда, муҳим ривожланаётган иқтисодиёт шароитида, инфляция паст даражада бўлгандагина қўлланилиши мумкин. Бу ишлаб чиқариш рентабеллиги, асосий ва айланма воситалар нисбати, ялпи даромадга (ер майдони) ёки бошқа кўрсаткичларга тааллуқлидир.

Инфляция юқори бўлган ҳолларда, нисбий ёки миқдорий (натура) катталикларни акс эттирувчи меъёрлардан фойдаланилади.

Индикатив режалаштириш қўлланилганда давлат буюртмалари ва давлат корхоналарини бошқаруви ҳам ўз моҳиятини ўзгартиради. Қишлоқ хўжалигида давлат буюртмаси, озиқ-овқат фондини ташкил қилиниши мақсадида қилинади. Озиқ-овқат фондининг ҳиссаси умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг оз қисмини ташкил қилиб, қишлоқ хўжалик бозорининг ҳолатини белгилайди (6-жадвал).

6-жадвал

**Ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмига нисбатан буюртма ва ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш.**

| | 1997 | | | 1998 | |
|---|---|---|---|---|---|
| | буюртма | ҳақиқатда | 1997 йил % 1996 йилга | ҳажми | 1998 йил % 1997 йилга нисбатан |
| пахта, млн.т. | | 3,6 | 100,4 | 3,2 | 88,9 |
| Дон, млн.т. | | 3,9 | 106,3 | 4,3 | 109,8 |
| сабзавот, млн.т. | - | 2,4 | 95,5 | 2,3 | 98,7 |
| Сут ва сут маҳсул млн.т. | - | 3,4 | 100,1 | 3,5 | 102,6 |
| Гўшт ва гўшт маҳсулотлари минг т. | | 800,7 | 100,0 | 808,1 | 100,9 |

Индикативлиги сабабли, режалаштириш системаси борган сайин ўзида янги сифатларни намоён қилмоқда. Индикатив режаларни намоён қилмоқда. Индикатив режалаштириш ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, ресурслардан самарали фойдаланиш, бозор хусусиятларига мослашишнинг зарурий шарти сифатида сақланиб қолиши шарт. Айни пайтда ўз характерини тубдан ўзгартирган ҳолда, товар ишлаб чиқарувчиларга тўла эркинлик берилишини таъминлаш зарур. Б: режа тузиш, режалаштириш олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларнинг мазмунига тегишлидир.

### Истиқболни белгиланишнинг ижтимоий-иқтисодий асослари

Истиқболни белгилаш, келажакдаги маълум бир давр учун ишлаб чиқариш тараққиётини, иқтисодиёт, ижтимоий муҳит, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ривожлантириш имкониятларини белгилайди. Аграр сиёсат ёки ислоҳотларнинг қабул қилинган йўналишига боғлиқ ҳолда, истиқболни белгилаш, бир неча вариантда бажарилади.

Аграр соҳада истиқболни белгиланиши умумий (комплекс) ёки қисман амалга оширилади. Биринчисига, масалан, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт истиқболини киритиш мақсадга мувофиқдир. Қисман истиқболни белгилашга эса алоҳида тармоқлар, ҳудудлар истиқболини белгилаш татбиқ этилади.

Истиқболни белгилаш тизимини қуйидаги тасаввур қилиш мумкин (10-расм). Албатта, бундай тизим шартли бўлиб, кўп ҳолларда сифат ва миқдор ўзгаришлари бўлган тусда бўлиши ёки қўшилиб кетиши мумкин.




**10-расм АСКда истиқболни белгилаш системаси**

Ижтимоий-иқтисодий ва бошқа истиқболларни белгиланиши қатор босқичлардан иборат: амалдаги ҳолатни таҳлил қилиш ва баҳо бериш, кузда тутилаётган давр учун анъанавий тусга эга бўлган ҳолатларни ҳисобга олиш, илмий фаразларни шакллантириш, истиқболни аниқлаш методларини танлаш ва ниҳоят истиқболни белгилаш ишларини амалга ошириш.

Истиқболни белгилашнинг ҳар бир кўриниши уни ишлаб чиқариш методикаси борасида ўзига хос хусусиятга эга. АСКда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар истиқболини белгилаш қишлоқ хўжалиги ва агросаноат комплексининг бошқа соҳаларида нафақат миқдор, балки сифат ўзгаришларини ҳам ўзида акс эттирувчи, мумкин бўлган жараёнларни олдиндан кўра билиш, баҳолаш ва таҳлил қилиш билан боғлиқдир.

Мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш фаолияти ва ривожланиши истиқболини белгилашни ерга бўлган муносабат билан боғлаш жоиздир. Ерга бўлган муносабатлар эса, ўзида ерга бўлган мулкчилик шаклини, уни ижара берилишини, олди-сотди, гаров, ер солиғи кабиларни ўзида мужассамлаштиради.

Меҳнат муносабатлари истиқболини белгилаш камида иккита жиҳатни ўз ичига олади: биринчиси — кооператив, жамоа, хусусий ва ёлланма меҳнат муносабатлари; иккинчиси — меҳнатни асослари. Бироқ улар бўйича ахборот чекланганлиги сабабли, асосан монографик текширув ўтказиш, сўровлар натижаларидан фойдаланишга тўғри келади.

Истиқболни белгилаш объекти сифатида иқтисодий муносабатларнинг тараққиёти халқ хўжалиги, шу жумладан агросаноат комплекси бўйича юритилаётган сиёсат билан бевосита боғлиқдир. Бунинг таркибига одатда қуйидагилар киритилади: қишлоқ хўжалигининг давлат билан (солиқ сиёсати, алмашув эквивалентини ушлаб туриш, АСК ни давлат томонидан бошқаришнинг бошқа шакллари ва усуллари), агросаноат комплексининг бошқа тармоқлари — қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш тармоғи, шунингдек, маҳсулот сотиш тизими билан муносабатлари. Бу борада истиқболни белгиланишида АСКнинг қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини хусусийлаштирилиши билан боғлиқ муносабатларга алоҳида ўрин ажратилади. Истиқболни белгилашнинг яна бир йўналиши АСК ва халқ хўжалиги тармоқлари ўртасидаги муносабатлардир.

Ижтимоий соҳани истиқболни белгилаш жуда кенг масалалар доирасида қамраб олган. Броқ ҳозирда ишсизлик, даромад ва харажатлар таркиби, инсонлар умрининг давомийлиги кабиларга муҳим ўрин ажратилмоқда. Шунингдек ижтимоий инфраструктурани ривожланиши, кадрлар тайёрлашга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Миқдорий истиқболни белгилаш анъанавий характерга эга бўлиб, ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш ҳажмини баҳоланиши

билан боғлиқ, шунингдек талаб ва таклифни. озиқ-овқат маҳсулотларини аҳоли томонидан истеъмол қилинишини, меҳнат унумдорлигини, молиявий кўрсаткичларни, кредитлар бўйича қарорларни, капитал қўйилмаларни, фондлар янгиланишини ўз ичига олади.

Миқдорий-ижтимоий истиқболни белгилашга ижтмимоий инфраструктурани шакллантириш дастурларини бажарилиши киритиб, ишсизлар сони, меҳнатга ҳақ тўлаш ва барча фаолият турларидан олинадиган фойда ҳам унинг таркибига киритилади.

Истиқболни белгилашнинг барча кўринишлари мустақил бўлиши мумкин, бироқ уларнинг барчаси ўзаро узвий боғлиқлиги муносабати билан ягона комплекс истиқболни белгилаш дастурига жамлаштирилиши маъқул ҳисобланади. Шунингдек, истиқболни белгилаш бир неча вариантда ишлаб чиқилиб улар ичидан энг маъқул танлаб олиниши мақсадга мувофиқдир.

Истиқболни белгилаш моҳияти қуйидагича таркибда ва мазмунда бўлиши мумкин.

**АСКда истиқболни белгиланишини намунавий мазмуни**

| истиқболни белгилаш усуллари (тури) | мазмуни |
|---|---|
| 1 | 2 |
| А. Ижтимоий-иқтисодий жараёнлар | |
| 1. Хўжалик юритиш ва мулкчилик шакли | |
| 1.1. Ерга муносабати | 1. ерга эгалик қилиш шаклини ўзгартириш динамикаси<br>2. ер савдоси (олди-сотди)<br>3. ерни ижарага бериш<br>4. ерни гаровга бериш<br>5. ер солиғи |
| 1.2. Мулкчилик шаклининг турлар | 1. Давлат, кооперати, жамоа, хусусий мулкчилик нисбати<br>2. Шериклик йўли билан мулкка эгалик қилиш |
| 1.3. Хўжалик юритиш шакллари | 1. ер майдонларининг миқдор ва ўлчамлари бўйича нисбати, ишлаб чиқариш хажми ва маҳсулот сотиш, қуйидагилар бўйича иқтисодий кўрсатгичлар:<br>— қишлоқ хўжалик корхоналари бўйича;<br>— деҳқон (фермер) хўжаликлари бўйича;<br>— аҳолининг хусусий томорқалари бўйича.<br>2. АСКдаги қайта ишловчи корхоналар ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари:<br>—хусусийлаштириш вариантлари бўйича корхона ва ташкилотларнинг солиштирма вазни; |

| 1 | 2 |
|---|---|
| | — қишлоқ хўжалик товарлари етиштирувчиларнинг қайта ишловчи корхоналарни акциялаштирилишидаги иштироки;<br>— қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар монополиясига қарши кураш;<br>— кооператив тузилмаларни шакллантириш. |
| 2. Меҳнат муносабатлари | 1. Турли шаклдаги меҳнат муносабатларининг нисбати (кооператив, ёлланма меҳнат, шу жумладан хусусий секторлар ва бошқалар).<br>2. Қишлоқ хўжалиги корхонларида меҳнат шартлари (ички хўжалик муносабатлари шакллари, дивидентлар тўлаш, натура тўлови ва бошқалар). |
| 3. Иқтисодий муносабатлар | |
| 3.1. Давлат ва қишлоқ хўжалиги иқтисодий муносабатлар | 1. Қишлоқ хўжалигида солиққа тортиш тизимини ўзгартириш<br>2. Қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари ўртасида алмашув эквивалентлигини давлат томонидан бошқаруви<br>3. Хўжалик юритиш ва мулкчилик шартидан қатъий назар қишлоқ хўжалиги товарлари етиштирувчиларини давлат томонидан қўллаб қувватланишининг бошқа методлари. |
| 3.2. Агросаноат комплексида иқтисодий муносабатлар | 1. АКСнинг алоҳида бўлинмаларининг маҳсулот етиштириш учун қилинган харажатлардаги ҳиссаси.<br>2. Интеграция ва кооператив алоқаларнинг ривожланиши<br>3. Қишлоқ хўжалиги товарларини етиштирувчиларнинг моддий-техника таъминоти ва ишлаб чиқариш техник хизмати кўрсатувчи тармоқ билан муносабати<br>4. Молия инфраструктурасининг кредит, суғурта ва бошқа ташкилотларини шаклланиши |
| 3.3. АСКнинг халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан иқтисодий муносабатлари | 1. Тижорат, банк ва суғурта муассасалари билан ўзаро муносабатлар.<br>2. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва кимё саноати тармоқлари билан иқтисодий ва интеграция алоқалари ва уларни ишлаб чиқариш хажмига боғлиқлиги. |
| 4. Ижтимоий жараёнлар | 1. Қишлоқда иш билан бандлик, ишсизлик таркиби динамикаси<br>2. Қишлоқ аҳолисининг даромади ва харажатлари ўзгаришининг ривожи.<br>3. Маълумот даражаси ва касалланиш динамикаси<br>4. Демографик жараёнлар ва аҳоли умрларининг давомийлиги динамикаси. |

| 1 | 2 |
|---|---|
| | 5. Аҳолининг бир ердан бошқа ерга кўчиш жараёни, шу жумладан МДҲдан кўчиб келган ёки кўчиб кетган аҳоли.<br>6. Қишлоқ хўжалигида ўз-ўзини бошқариш органларини шаклланиши жараёни. |
| 5. Агросаноат комплексида бошқарув | АСКнинг турли босқичларида бошқарув тузилмасининг ўзгариш имконлар ва унинг фаолияти |
| 6. Миқдорий истиқболни белгилаш | |
| 1. Маҳсулот ишлаб чиқариш, истеъмол ва сотиш. | 1. Асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш<br>2.АСК товар маҳсулотларини етиштириш хажми. Қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилар: корхоналар, деҳқон (фермер) хўжаликлари, хусусий томорқа эгалари маҳсулотларнинг товар хусусиятлари.<br>3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорини шаклланиши. Маҳсулотларни бозорларни: биржалар, улгуржи савдо, ярмарка, ким ошди савдосини ривожлантирилиши.<br>4. Худудлараро алоқалар, ташқи иқтисодий фаолият.<br>5. Бозордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархларининг динамикаси.<br>6. АСКда моддий-техника ресурслари ва хизматлар бозори.<br>7. Асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг (аҳоли жон бошига) ўртача истеъмол қилиниши: мамлакат бўйича, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида. |
| 1. Иқтисодий кўрсатгичлар | 1.Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг динамикаси (таққослов нархларда), меҳнат унумдорлиги.<br>2. АКСнинг қишлоқ хўжалик ва бошқа товарлар ишлаб чиқарувчиларининг молиявий ҳолати (фойда ва зарар билан ишлаётган корхоналар солиштирма вазни, фойда ва зарар миқдори, банк ссудалари бўйича қарзлар, дебетор ва кредитор қарзлар<br>3.АСКнинг қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларида кутилиши мумкин бўлган инқироз (банкрот) кўлами. |
| 3. Инвестиция фаолияти. | 1. Капитал қўйилмаларнинг йўналишлари ва уларни молиявий таъминлаш динамикаси.<br>2. Асосий фондларни яхлитланиши.<br>3. Асосий техника билан таъминланганлик. |

| 1 | 2 |
|---|---|
| 4. Ижтимоий кўрсатгичлар | 1. Қишлоқда ижтимоий инфраструктуранинг фаолият кўрсатилиши.<br>2. Қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта барпо этиш дастурини бажарилиши.<br>3. Қишлоқ аҳолисининг халқ хўжалигининг бошқа тармоқларга нисбатан даромадлари ва харажатлари структураси.<br>4. Қишлоқ хўжалиги аҳолисининг иш билан бандлиги ва аҳолини кўчиши бўйича миқдор кўрсаткичлари.<br>5. Шахсий томорқа эгалари фаолиятининг кўрсаткичлари ва уларни деҳқон оилалари ижтимоий аҳволидаги роли. |

Истиқболни белгилаш борасида тайёргарлик ишларини олиб боришда уни ишлаб чиқиш методларини танлаш муҳимдир. Нисбатан умумий ҳисобланган методларга қуйидагилар киради:

Экстраполяция — ўрганилаётган даврга тааллуқли қонунларнинг тарқалиши;

эксперт баҳолаш — келажакда у ёки бу кўринишларнинг ривожланиши бўйича мутахассислар хулосаси;

ўзаро ўхшаш бўлган даврлар, фактлар, тараққиёт жараёнларига асосланган ҳолда истиқболни белгилаш;

ишлаб чиқариш ёки ижтимоий-иқтисодий қайта тузишлар ривожланишини математик ёки бошқа моделларини назарда тутган ҳолда моделлаштириш.

Истиқболни белгилаш методикаси ҳолатни ривожланишининг мумкин бўлган вариантларини ишлаб чиқилишини кўзда тутади. База сифатида қабул қилинган вариант сифатида, одатда, юзага келган анъаналар, уларга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи факторлар қабул қилинади. Бошқа вариантларда эса, база сифатида қабул қилинган вариантда четга чиқишлар кўриб чиқилади.

Агросаноат комплексининг база сифатида қабул қилинган вариант бўйича ижтимоий-иқтисодий жараёнларининг кўзда тутилган ривожланишини қуйидаги кўринишда тасаввур қилиш мумкин. Гипотеза сифатида шундан келиб чиқиш лозимки, айни пайтда аграр секторда зиддиятларга бой шароитлар юзага келди. Бозор, озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик хом-ашёларнинг кўплаб ишлаб чиқарилаётгани сабабли эмас, балки аҳолининг харид қобилиятини кескин пасайиб кетганлиги, импорт маҳсулотларни кўп келтирилаётгани оқибатида товарга тўйинмоқда. Ваҳоланки, қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчиларга тулиқ эркинлик берилди, маҳсулотларини сотишда мустақил бўлдилар.

Иқтисодий муносабатларга кучли таъсир кўрсатувчи факгор-

лардан бири кредитдир. Кредит беришни бюджетдан ажратилувчи ссудалар, буюртма бўйича қабул қилиниб олинадиган маҳсулотлар учун аванс, товар кредитлари бериш билан алмаштирилиши хўжаликларнинг жорий эҳтиёжларини қоплаш ва ишлаб чиқаришни инвестиция қилиш учун харажатларини қисман қоплаш масаласини қисман ҳал этиши мумкин бўлиб, муаммоларини тўлиқ ечилишини таъминламайди.

Қишлоқ хўжалигига нормал ва айниқса имтиёзли кредит берилишининг йўқлиги, келгусида маҳсулотларни қимматлашувига олиб келиб, бунда асосий сабаб маҳсулот етиштирувчиларнинг тижорат банкларига, юқори фоиз қўшимчалар тўлаш шарти билан кредит олишга мажбур бўлишларидир. Бунинг устига банклардан илгари олинган қарзларни ва унинг фоизларини тўлаш муддатлари етиб келади. Буларнинг барчаси хўжаликларни инқирозга юз тутиши эҳтимоли оширади. Оқибатда давлат хўжаликлар қарзлари масаласини ҳал қилиши ёки ялпи хўжаликларни инқирози билан боғлиқ ишларни амалга оширишга мажбур бўлади.

Республика хукумати томонидан бу борада олиб борилаётган баъзи бир ишларга мисол қилиб кўрсатиш мумкинки 1996 йилдан бошлаб, хўжаликлар яшовчанлигини сақлаб қолиш, уларнинг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида етиштириладиган маҳсулотлар, жумладан ғалла ва пахта устидан аванс тариқасида маблағ ажратилмоқда. Бу маблағ махсус ҳисоб-рақамлари орқали мақсадли тақсимланиб, қатъий йўналишлар бўйича сарфланмоқда. Жумладан, ёқилғи мойлаш материаллари, қишлоқ хўжалик техникалари, энергия, кимёвий ўғитлар, турли солиқлар учун тўланмоқда. Шунингдек, иш ҳақи учун ҳам ажратилиб турибди. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу тадбир хўжаликларнинг молиявий муаммоларини узил-кесил ҳал этмайди, лекин вақтинчалик уларнинг яшовчанлик қобилиятини сақлаб туришга имкон яратади. Маблағнинг қатъий йўналиш бўйича тақсимланиши хўжаликларни ва улар билан иш юритувчи: таъминот, хизмат кўрсатувчи тармоқлар фаолиятини бирмунча чеклаб қўяди. Шунга қарамай бу тадбир хўжаликларни инқирозга юз тутишларини олдини олишни, давлат томонидан юритилаётган асосий сиёсатлар жумласига киради.

Бундан ташқари, зарар билан ишлаётган хўжаликларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳукумат томонидан кўрилган чоралардан яна бири, бундай хўжаликларни санация қилиш ҳақида қарор чиқарилиши бўлди. Бу қарорни қабул қилинишини сабабларига қуйидагилар киради.

Иттифоқ тузими даврида белгиланган режа топшириқларини ҳар қандай йўл билан бўлсада бажариш талаб қилинарди. Давлат қарзлар ва барча харажатлардан воз кечиб кетишини ҳамма билар эди. Муҳими, маҳсулот миқдори ва ҳажми эди, бу миқдор ни-

манинг эвазига келгани ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Ҳар қандай йўл билан режани бажариш раҳбарларнинг ташкилотчилик қобилияти, уларнинг сиёсий етуклигининг асосий мезони эди.

Эски психология, баҳолашнинг эски мезонлари асосига қурилган ортиқча сарф–харажат механизми бугун ҳам ишлаб турибди. Паст рентабелли ва зарар кўраётган қишлоқ хўжалик корхоналари сони қисқариш ўрнига тобора ошиб бормоқда. Шу сабабли бу хўжаликларни узил–кесил инқирозга учраши, аҳолини ишсиз қолиши, турмуш фаровонлигини издан чиқишини олдини олиш, меҳнаткашларни ижтимоий муҳофазалаш мақсадида санация тўғрисидза қонун ишлаб чиқилиб қабул қилинди.

Хўжаликларнинг тўлов қобилиятининг пастлиги, ёки айтиш мумкинки, умуман йўқлиги шароитида, юқорида айтиб ўтилганидек, давлат томонидан аванс тариқасида, мақсадли пул ажратилиши орқали, уларнинг фаолиятини ушлаб турилишини таъминламоқда. Бу система ўз вақтида ресурс билан таъминловчи ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар ишига салбий таъсир кўрсатди.

Сабаби хўжаликларга сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун хўжаликлар қарзи ҳисобига ўтказилган маблағ, яъни мақсадли йўналишларга қайтариб олинади. Натижада, хўжаликларга техник хизмат кўрсатувчи тармоқ корхоналарини ривожлантириш, янги технологияларни жорий қилиш, устахоналарга замонавий дастгоҳлар ва бошқа жиҳозлар сотиб олиш, ишчиларга ўз вақтида ойлик маошлар тўлаш имкониятлари ниҳоятда чекланган. Бундан ташқари бу корхоналардаги қишлоқ хўжалик техникаларининг 60-70 фоизи ўзининг техник ресурси муддатларини ўтаб бўлганлиги, уларни қайта–қайта таъмирлашга тўғри келаётганлиги, эҳтиёт қисмлар ва таъмирлаш материалларининг ҳаддан зиёд қимматлашиб кетганлиги вазиятни янада мураккаблаштириб юборади. Техникалар унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, техникалардан самарали фойдаланишни таъминлаш, уларни ягона қўл остига тўплаш мақсадида машина–тракторлари ташкил этилганлиги, бу МТПларни замонавий юқори унумли хорижий қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш борасида, кўплаб техникалар лизинг йўли билан сотиб олинаётганлиги, албатта, у ёки бу даражада МТПлар фаолиятини олиб борилишида ижобий натижалар кўрсатади.

Бироқ бу техникаларни ишлатиш ва техник қаровини ўтказилиши билан боғлиқ харажатларнинг ҳаддан ташқари юқорилиги МТПларнинг фаолиятига путур етказмоқда.

Сўнгги йилларда бозор инфраструктурасини ташкил қилиш жараёни сезиларли даражада ошмоқда. Энг аввал бу таркибида қайта ишловчи, хизмат кўрсатиш ва таъминот корхоналари бўлган агрофирмаларга, маҳсулот сотиш билан шуғулланувчи кооператив бирлашмалар ташкил этилишига боғлиқдир. Қишлоқ

хўжалигининг қатор тармоқларида ширкат, акциядорлик ва шартнома асосида ишловчи ассоциациялар ташкил этиш борасида иш олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалик бозоридаги аҳвол моддий-техник ресурслари ва хизматлари бозорининг ҳам белгилайди. Яқин йилларда қишлоқ хўжалиги товарларининг етиштирувчиларининг тўлов қобилиятларини, инвестиция имкониятларини ошишини кескин ортиши кутилмаётир. Айни пайтда агросаноат комплекси учун лизинг, улгуржи савдо бозорининг ривожланиши аҳволни бир мунча яхшилайди. лекин бу саноат маҳсулотлари бозорида юзага келган аҳволни тубдан ўзгартиришга етарли бўлмайди.

Агросаноат мажмуасида илмий техника жараёнини тараққиёти инқироз олдини олиш, қишлоқ хўжалиги товарларини етиштирувчиларнинг молиявий имкониятлари, саноат ишлаб чиқариш воситаларини инвестирлаши, фундаментал илмий изланишларни қўллаб–қувватлаш даражаси билан белгиланади.

Сўнгги йилларда бу факторлар салбий йўналишда бўлиб, яқин келажакда бу борада жиддий ижобий ўзгаришлар кутилмайди (хўжаликларнинг тўлов қобилиятини йўқлиги, мақсадли маблағ ажратиш системаси қўлланилмаслиги натижаси).

Шу билан бирга жаҳон миқёсидаги техник, технологик ва бошқа прогрессив жараёнларни тадбиқ этилиши агросаноат мажмуаси самарадорлигини яхшиланишини таъминлайди (плёнка остига чигит экиш ва бошқалар).

Қишлоқдаги ижтимоий муносабатлар умумиқтисодий вазиятлар, қишлоқ хўжалиги ислоҳоти, давлат сиёсати таъсири остида шаклланади. Бу соҳа нисбатан инерция хусусиятига эга бўлиб, ижобий ечилмаларга тездан мослаша олмаслигини ҳисобга олиш даркор. Шунинг учун ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигида соғлиқни сақлаш, маориф, маданият, маиший хизмат кўрсатиш борасида аҳволнинг бир мунча ёмонлашгани табиийдир. Унинг оқибатлари келажакдаги 2-3 йил ичида эмас, балки узоқ йиллар давомида сезилиб туради. Айниқса қишлоқ хўжалигида қилинаётган меҳнат шарафини, қадр–қимматини кўтариш кийин келади. Қишлоқдаги ишсизлик даражасини нисбатан кўплиги, ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасининг (давлат томонидан бу соҳани ривожлантириш борасида зарур чоралар кўрилаётганига қарамай) қисқариб бораётганлиги вазиятни янада мураккаблаштиради. Сўнгги йилларда қишлоқ аҳолиси ўртасида турли юқумли касалликларнинг миқдорини ортиб бориши, дори-дармон таъминотини ёмонлашгани ва нарх–наволарнинг ҳаддан зиёд қимматлашиб кетганлиги, иш ҳақининг вақтида берилмаётганлиги қишлоқ аҳолиси ўртасида ҳаётнинг қисқариши, ўлимнинг кўпайиши ва туғилишнинг камайишига олиб келиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги истиқболини белгилашда асосий кўрсатгич-

ларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

а) қишлоқ хўжалиги товарларни етиштирувчилар фаолиятига бевосита боғлиқ бўлган;

б) мамлакатдаги умумиқтисодий вазиятга боғлиқ бўлган;

в) қишлоқ хўжалигини таъминловчи тармоқлар фаолиятига боғлиқ бўлган;

г) бозор муносабатлари таъсири остида шаклланувчи.

Бу гуруҳлар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб, уларни фақат бир-биридан шартли фарқлаш мумкин.

Масалан, пахта етиштириш истиқболини кўздан кечириш борасидан қуйидаги схема қўллаш мумкин (11-расм).

Ўтмиш йилларда қишлоқ хўжалиги товар етиштирувчилар имконияти, энг яхши кўрсаткичларга эришган хўжаликлар ёки уруғ синаш участкалари иши билан ўлчанар эди. Ҳозирда эса, асос қилиб, хўжаликнинг энг яхши натижаларга эришган йиллардаги кўрсаткичлар олинади.

Келажак истиқболини белгилашда, олдиндан қандай масалаларни ҳал этилиши лозимлиги, қишлоқ хўжалиги тараққиётини қандай йўналиш бўйича юритиш, бу борада унинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий таркиби қандай бўлиши лозимлигини назарда тутган ҳолда ва қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини ташкилланиши хақида фикр юритилиши керак. Шу мақсадларни кўзда тутган ҳолда, агросаноат комплекси истиқболини белгилаш нисбатан узоқ даврларга тузилиши мумкиндир. Агросаноат мажмуаси истиқболини белгилашда аввало эътибор қишлоқ хўжалиги олаёттач даромадни ошириш йўллари, ижтимоий соҳани ривожлантириш назарда тутилиши лозим бўлиб, буларсиз қишлоқ аҳолисини ҳатто энг кам миқдорда таъминлаб ҳам бўлмайди. Ижтимоий характердаги чоралар тизимида қишлоқ аҳолисининг билим савиясини оширишга муҳим ўрин ажратилади. Чунки бусиз, мулкчилик шаклидан қатьий назар, қишлоқ хўжалиги олдида турган масалаларни ҳал этиб бўлмайди.

Қишлоқ хўжалигининг келажаги, илмий-техника жараёнининг жадал суръатлар билан тадбиқ этилишига боғлиқ бўлиб, бу қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилади:

— ернинг унумдорлигини ошириш;

— мелиорация ишларини яхшилаш;

— агросаноат мажмуасининг техник базасини замонавий техникалар ва технологиялар билан мустаҳкалаш, автоматлаштириш ва компьютер техникаларини жорий этиш;

— Қишлоқ хўжалиги экинлари ва маҳсулдорлигини ошириш, уруғчилик селекциясини ривожлантириш.

Келгуси асрда, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширилишида халқаро, давлат ва тармоқлараро ахборот системасини ташкил этилиши асосий роль ўйнаши тан олинмоқда.




11-расм. Пахта етиштириш истиқболини белгиловчи асосий воситалар динамикаси

Ва ниҳоят қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ривожлантиришш тадбирларини ишлаб чиқишда экологик вазиятни ҳисобга олиш асосий ўринга чиқади.

**Қишлоқ хўжалигида дастурни режалаштириш**

Қишлоқ хўжалиги бўйича дастурларни тоифаларга ажратишда иккита асосий кўринишни белгилаш мумкин: дастурни қабул қилинишни даражаси ва унинг қўлланилиши.

Дастурларни ишлаб чиқарилишини услубий хусусиятларидан асосийсига уларнинг комплекслиги киради. Жумладан, дастурнинг қисмлари агросаноат ишлаб чиқаришини стабиллаш ва ривожлантириш, аграр ислоҳотни кенг миқёсда олиб бориш, инвестиция, илмий-техника жараёнларини юритиш, ташқи иқтисодий тараққиёти, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, кадрлар сиёсатидан иборат.

Дастурнинг махсус қисмларида, уни тадбиқ этилиши механизми, меъёрий-ҳуқуқий таъминланиши ва шунингдек, дастурни тадбиқ этилишини иқтисодий натижалари кўзда тутилади. Дастурнинг сўнгги қисми ма муни бўйича ўзида агросаноат мажмуасининг ижтимоий-иқтисодий истиқболини белгилайди.

Ниҳоят дастурда келажакдаги даврда нафақат ҳақиқий кўрсаткичларни таҳлили, балки агросаноат мажмуаси ривожланишининг қонуниятлари назарда тутилиши орқали молиявий, моддий ва бошқа ресурслар концентрацияси дастурда мўлжалланган натижаларга, белгиланган муддатларда эришишдир.

Агросаноат мажмуасида қайта қуриш ишлари бошланган дастлабки вақтларда деҳқон (фермер) хўжаликларини тезлик билан шакллантириш ва фаолиятини йўлга қўйиш топшириғи қўйилган эди. Бу борада, уларнинг кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги системасида фаолият кўрсатиши ва бозордаги ўз ўрнини топиши рад этилмаган бўлсада,бундай қарор ўзини тўлиқ оқламади. Ижтимоий таҳлиллар кўрсатдики, деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолиятини таъминлаш капитал қўйилмалар миқдорини, техникалар сонини кўп маротаба оширилишини талаб қилди. Амалдаги хўжалик юритиш услубларини ноиқтисодий моделлардан фойдаланган ҳолда янги услубларга тезкорлик билан алмаштирилиши ишлаб чиқаришнинг пасайишига, бутун бошли тармоқларнинг йўқ бўлиб кетишига, қишлоқ аҳолиси учун ижтимоий харажатларнинг ортиб кетишига олиб келиши мумкинлиги назардан қолдирилди. Ҳақиқатдан ҳам аксарият деҳқон (фермер) хўжаликлари ислоҳотнинг бир неча йили давомида жиддий муаммоларга дуч келдилар, уларнинг кўпчилик қисми ўз фаолиятларини тўхтатдилар ёки фаолият турини ўзгартирдилар. Бу секторнинг динамик ривожланишига агросаноат соҳасидаги умумий сабаблар тўсқинлик қилди.

Авваламбор, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва аграр сектор-

да истеъмол этиладиган моддий-техник ресурслар нархларининг мутаносиблик даражасини таъминлаш, самарали кредит тизимини йўлга солиш, кооперацияни рағбатлантириш, бозор инфраструктурасини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Республика аҳолисини талаб даражасида таъминлай олмаётган айрим турдаги маҳсулотларни етиштириш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқариши лозимдир. Биринчи ўринда юқори сифатли ғалла – дон етиштириш. ўсимлик мойи, болалар озуқаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиш, шакар ишлаб чиқариш учун маҳсулот етиштириш ва бу соҳа ривожлантириш дастурлари амалга оширилиши керак.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва бозорни шакллантириш, агросаноат ишлаб чиқаришда таркибий ўзгартишлар қилиш, ер унумдорлигини ошириш, янги техника ва унумдорлигини ошириш, янги техника ва технологияларни татбиқ этиш, қишлоқ хўжалиги моддий–техника базасини янгилиш, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотларини ривожлантириш, экологик ҳолатни яхшилаш, иқтисодий механизмни такомиллаштириш ва АСКни давлат томонидан қўллаб қувватлаш, ижтимоий муаммоларни ечиш қишлоқ хўжалиги борасидаги асосий масалаларидир.

Ички ҳудудлараро бозор, келтирувчи (ёки чиқарилувчи) қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ҳажмини аниқлаш муҳимдир. Бу пировардида инфраструктурани тараққиётига, алоҳида тармоқларни қўллаб–қувватланишига ва маҳсулот етиштириш ҳудудларини белгилашга аниқлик киритади.

Ички бозор ва ҳудудлараро алоқаларни лойиҳалаштиришда қуйидагилар алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

— бир ҳудудда маҳсулот етиштириш учун қилинадиган сарф харажатларни, шу маҳсулотларни четдан келтириш учун қилинадиган сарф–харажатлар билан таққослаш;

— маҳсулотларни ўзида вақтида етиштирилиб, бозорга чиқарилиши кафолати;

— маҳсулот сифати;

— моддий–техника базасининг мавжудлиги;

— меҳнат ресурсларининг бандлиги, ишлаб чиқаришни қисқариши ёки тўхтатилиш эҳтимоли содир бўлганда янги иш жойларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар;

— жойлардаги анъанавий одатларга боғлиқ ижтимоий аспектлар.

Дастурни бажарилиши борасида уни моддий ва молиявий таъминоти мураккаб масаладир. Бунинг учун хўжаликларни уларнинг моддий–техника сотиб олишлари учун тўлов қобилиятига қараб тонфаларга ажратилиши, кредитлар бўйича маҳаллий бюджет имкониятларини ҳисобга олиш ассигнованияларни ажратиш, давлат ва хорижий капиталларни инвестиция қилинишлари кўзда

тутилади. Ижтимоий–иқтисодий тараққиёт дастурини амалга тадбиқ этилишини энг самарали формаси мақсадли дастур ишлаб чиқаришдир.

Мақсадли дастур йўналишлари қуйидагиларга қарашлилиги мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

— тақчил ҳисобланган ёки ташқи бозорга экспорт қилиниши кўзда тутилган айрим турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кўпайтириш. Зарур бўлган ҳолларда, дастурда маҳсулот етиштириш ҳажмини камайтиришга тўғри келишини назарда тутиш лозим;

— ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўларок қайта ишлашни таъминлаш мақсадида қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш ва такомиллаштириш, маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш;

— бозор инфраструктурасини шакллантириш, улгуржи савдо бозорини яратиш, маҳсулот сотишни кооператив ёки агрофирма тармоқларини ташкил этиш;

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга ишлаб чиқариш хизмати кўрсатувчисоҳаларни ривожлантириш;

— деҳқон (фермер) хўжаликлар фаолиятини ривожлантириш.

Илмий–техник дастурлар одатда агросаноат комплексидаги тубдан янги йўналишлар билан боғлиқ бўлиб, тажрибалар, техналогия ва бошқа илғор методларни жорий этилиши билан якунланади.

Ижтимоий дастурлар асосан инфраструктурани ривожлантириш (газлаштириш, электрлаштириш, сув таъминоти, йўл қурилиши, соғлиқни сақлаш, маориф ва бошқалар), янги иш жойлари ташкил этиш ( ишсизликни бартараф этиш мақсадида), қишлоқдаги аҳолининг айрим тоифасини ҳимоялаш, кадрлар масаласига қаратилади.

Агросаноат комплексида мақсадли дастурлар, тадбиқ этилиши усули бўйича одатда индикатив бўлиб, уларда иштирок этиш ихтиёрийдир. Бу борада давлат томонидан, мазкур дастурда иштирок этиш шартлари, шу жумладан давлатнинг қўллаб қувватлаш чоралари эълон қилинади. Давлат манфатларини назарда тутувчи органлар қишлоқ хўжалиги корхоналари билан дастурда иштирок этиш мажбуриятларини назарда тутган ҳолда шартнома (битим) тузадилар.

Масалан, давлат томонидан қўллаб қувватлаш чоралари сифатида қуйидаги мажбуриятлар олиниши мумкин.

Белгиланган шартлар асосида маҳсулот сотилишида қўшимча нархлар белгилаш, махсус техникаларни сотиб олишда сарф харажатларни маълум бир қисмини компенсация қилиш ёки шу мақсадга берилган тижорат кредитларини бир қисмини қоплиш. Шунингдек қишлоқ хўжалик товарларини етиштирувчилар ўз зим-

маларига маҳсулот миқдори, сифати, унинг иқтисодий самарадорлиги билан боғлиқ мажбуриятларни олади.

Дастурда иштирок этиш юзасидан шартнома тузилар экан давлат ҳам маълум мажбуриятларни зиммасига олади. Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар давлат томонидан бажарилмаган тақдирда, қишлоқ хўжалик товарларини етиштирувчилар суд органларига мурожаат қиладилар ва суд органлари тегишли қарор чиқарадилар.

Дастурда иштирок этувчи томонларнинг ўзаро мажбуриятларини аниқлаш билан бир қаторда, барча турдаги индикатив дастурлар учун дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича бошқарувни тузиш умумий хос ҳисобланади. Илгариги даврда бу функцияни маълум бир миқдорда режа ўз зиммасига олган эди. Янги шароитда эса дастурнинг тадбиқ этилиши ва назоратга олиш юзасидан махсус тузилмалар ташкил этилиши лозимдир.

## 5-БОБ. ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТДА РЕЖАЛАШТИРИШ

### Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини бозор муносабатлари шароитида режалаштиришнинг айрим масалалари

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий қисмини давлат тасарруфидан чиқарилиши уларни комплексини бошқарув органлари ва маҳаллий давлат органлари билан бўлган муносабатларини тубдан ўзгаришига олиб келди.

Қишлоқ хўжалик товарларини етиштирувчилар ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш борасида мустақилликка эришиш билан бир қаторда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тақсимлаш, уларни нархини белгилаш, ҳисоб-китоб қилиш, кредит бериш ва бошқа бир қатор фаолият юритилишини таъминлаш билан боғлиқ имтиёзларни қўлдан чиқардилар. Оқибатда уларнинг функциялари, биринчи навбатда бошқарув соҳасида, демак режалаштириш фаолиятларида ўзгарди

Биринчидан, хўжаликларнинг асосий вазифалари бўлмиш — давлат буюртмаси режасини бажариш, маҳсулотни белгиланган тайёрловчи идораларга ёки истеъмолчиларга етказиб бериш ўрнига янги вазифалар келиб чиқди, жумладан, маҳсулот сотиш учун мақбул бозорни излаш муаммоси туғилди. Иккинчидан, илгари стандартга тўғри келган ва ҳатто пасайтирилган нархларда ностандарт махсулот ҳам тайёрловчи идоралар томонидан сотиб олинаверган бўлса, янги шароитда маҳсулотнинг рақобатга бардошлилигига талаб кучайди. Бу борада, маҳсулотнинг рақобат бардошлилиги нафақат маҳсулот сифати билан, балки унинг таннархи, таклиф этилган нархи, ўз вақтида етказиб берилиши, сифатли идиши ва бошқалар билан ўлчана бошлади. Учинчидан, мод-

дий–техника таъминотидаги тақсимлаш тизими барҳам топди. Энди ресурслар сотиб олиш учун маблағ орттириш лозим бўлиб, бу аввалги вақтларда унчалик шарт эмас эди. Тўртинчидан, ишлаб чиқариш хўжалик юритиш фаолият самарадорлигига талаб нисбатан ортди.

Буларнинг барчаси режалаштиришга муносабатнинг ўзгаришига олиб келди.

Хўжалик миқёсида режалаштириш тизими қуйидагича ифодаланиши мумкин:




— ташкилий-хўжалик тузилма режаси (асосан янги, шунингдек қайта тузилаётган хўжаликлар учун);

— хўжалик томонидан белгиланган давр учун истиқбол режаси;

— асосий ишлаб чиқариш ва молиявий, ижтимоий кўрсаткичларни белгиловчи йиллик режа.

Ташкилий-хўжалик тузилма режаси ўз моҳияти бўйича корхона Низомини аниқлаштирувчи хужжат ҳисобланади. У ўзида фақат мўлжаллаётган кўрсаткичларни акс эттириб, кўпроқ "ишлаб чиқариш қуввати" аввалдан белгиланган парандачилик, йирик қорамол фермерлари, иссиқхона комбинатларига тегишлидир.

Ташкилий-хўжалик тузилмаси режалар таркибига қуйидаги бўлимларни киритилиши мақсадга мувофиқдир:

— корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий формаси;

— ишлаб чиқариш йўналиши;

— ердан фойдаланиш;

— фаолиятнинг мўлжалланган кўрсаткичлари;

— ички хўжалик, ишлаб чиқариш ва ижтимоий, ташкилий тузилма;

— ишлаб чиқаришнинг базаси ва инфраструктураси;

— корхонани бошқариш тизими.

Ташкилий — хўжалик тузилма режаси одатда, корхонанинг ташкил этилган даврдаги (қайта тузилиш ёки режани тузиш) ҳолатини акс эттиради. Бундай режалар деҳқон (фермер) хўжаликлари учун, уларнинг хусусиятларини ташкилий–ҳуқуқий формасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олиб тузилиши мумкин. Айниқса, бу янги

ташкил этилаётган бундай хўжаликлар учун тааллуқлидир.

Истиқболли режалар учун режа материаллари сифатида хўжаликни 3-5 йиллик давр учун ривожлантириш режаси ҳисобланади.

Унинг қишлоқ хўжалиги корхоналари учун зарурийлиги уларнинг шахсий манфаатдорлиги, ишлаб чиқариш строатегиясини аниқлаш, маркетинг фаолиятини йўлга солиш, ижтимоий соҳа билан боғлиқлиги билан ифодаданади.

Турғунлик йилларда беш йиллик режалар учун таклифлар киритиш, уларни директив кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқиш кабi мураккаб тизим мавжуд эди. Энди эса хўжаликлар амалдаги қонунлар асосида ўзларининг йўналишларини белгилаб, фаолиятлари кўрсаткичларини аниқлайдилар.

Бу режаларда қуйидаги масалалар акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир

— асосий фаолият йўналишини ёки унинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозоридаги ҳолатнинг ўзгаришига боғлиқлиги асосида маркетинг стратегияси;

— асосий ишлаб чиқариш базаси ва белгиланган мақсадга эришиш учун инфраструктурани ривожлантириш;

— қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, уни қайта ишлаш, ишлаб чиқариш хизмати кўрсатиш, қўшимча ва ноқишлоқ хўжалик фаолият киритиш, самарадордик кўрсаткичлари;

— капитал қуйилмаларни намунавий хажмлари ва уларни молиявий таъминлаш манбалари;

— корхона жамоасини меҳнат шароитлари кўрсаткичларини яхшилаш кўрсаткичлари.

Хўжаликни истиқболли режалашнинг асосий мақсади унинг шахсий ва қарзга олинадиган молиявий ресурсларини маъқул йўналишларда ишлатилишини белгилашдир.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг истиқболли режаларига татбиқ этилиши жараёнларида тузатиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Бу айниқса, ишлаб чиқариш йўналишини ўзгариши, қўшимча инвестициялар ёки мавжуд фондлардан фойдаланиш имкони бўлмаган ҳоллар билан боғлиқ бўлган тақдирда амалга оширилади. Макроиқтисодий беқарорлик даврида бундай зарурият узоқ муддатни кўзлаган аниқ мақсаднинг йўқлиги хўжалик тараққиётининг аниқ стратегиясини танлашнинг мураккаблиги билан боғлиқдир. Кўплар бундай шароитдан чиқишнинг бирдан-бир йўли хусусий қайта ишлаш базасини ташкил қилиш ва маҳсулотни бевосита истеъмолчига сотиш деб биладилар. Аммо, амалиётдан маълум бўлишича, бунинг учун маълум шарт-шароитлар бўлиши керак. Уларнинг ичида энг асосийлари нарх-наво нуқтаи назаридан рақобат бардош бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишловчи йирик ихтисослашган саноат корхоналарга хос бўлган, чиқитсиз ишловчи технологиялар, кафолатли бозор, маҳ-

сулотни узоқ сақламаслик, транспорт алоқаларидир. Бундай шароитларга асосан шаҳарлар ва саноат марказлари ҳудудидаги хўжаликларгина эга бўлиши мумкин. Қолган кўплаб хўжаликлар истиқболи ширкатлар кўринишида бирлашмалар ташкил қилиш ёки қайта ишловчи акциядорлик корхоналар ишида қатнашиш билан боғлиқдир.

Ўрта муддатлар учун истиқболли режалар ишлаб чиқилаётганда, етиштирилаётган маҳсулотнинг такчиллиги қай даврга ча давом этилиши ҳисобга олиниши лозим. Бундай ҳолда асосий кўрсаткичлар сифатида маҳсулот тури, сифати ва нархи намоён бўлади. Шунинг учун хўжалик тараққиётини асосий йўналишлари етиштирилаётган маҳсулот бирлигига нисбатан кам харажат қилнишини таъминловчи технологиялардан фойдаланишга қаратилиши лозим.

Тараққиётга тўсқинлик қилувчи асосий унсурлардан бири хўжаликнинг инвестиция имконияти эканлиги назарда тутилиши керак. Шунинг учун ҳисоб-китобларни амалга оширишда ташқи манбалар сармояларини жалб этилишини кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир. Техникалар ва қурилмаларни сотиб олиниши борасида хўжаликлар учун лизинг операциялари фойдали ҳисобланади.

Капитал қўйилмани молиявий таъминлашнинг бу каналлари билан бир қаторда хорижий инвесторларининг таклифлари ҳам ўрганиб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Агар уларнинг шартлари тижорат кредитлардан фойдаланишга қараганда фойдалироқ бўлса, бу таклифлардан фойдаланиш маъқулдир. Айни пайтда олинадиган кредитлар ўзини юқори даражада оқлайдиган бўлса, тижорат банкларининг сармояларидан фойдаланиш ҳам мумкин.

Сўнгги йиллар амалиётидан маълум бўлдики, самарали фаолият кўрсатаётган хўжаликлар асосий маҳсулот етиштириш ва қайта ишлаш билан чекланиб қолмасдан, яхши ташкил этилган ва етарли даражада йирик бўлган ёрдамчи хўжалик ва саноат фаолиятларини ҳам йўлга солганлар. Бунинг натижасида хўжаликка маблағ келишини мавсумийлигига барҳам берилмоқда, жамоа аъзоларини бандлик даражаси оширилмоқда. Шу билан бирга уларнинг ташкил этилиши ҳам капитал қўйилмалар қилинишини талаб қилади, шунинг учун хўжалик истиқболли режасида бу ҳисобга олиниши лозим.

Ниҳоят хўжаликлар ўзларининг мулк шаклидан қатъий назар ўз жамоасининг ижтимоий ҳолатини режалаштиришга мажбур бўладилар. Чунки, корхонадаги ижтимоий ҳолат унда меҳнат қилувчиларнинг қанчалик узоқ муддат шу корхонада ишлашларини белгилайди. Пенсионерлар ва шерикчилик асосида иш олиб берувчилар билан келажакда ҳисоб-китоб қилишини механизмлари аниқланиши лозим. Бу шунингдек меҳнат хавфсизлиги ва шароитини яхшилаш, ишсизликни тугатиш, жамоанинг айрим

тоифадаги аъзоларини қўллаш, кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва бошқа узоқ муддатли характердаги чоралар билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, хўжаликнинг истиқболли режаси унинг самарали фаолият кўрсатишини асоси бўлиб, хўжаликнинг шахсий манфаатларидан келиб чиқади.

Бундай истиқболли режалар агросаноат комплекси бошқарув органлари томонидан мажбуран татбиқ этилиши мумкин эмас. Лекин шу билан бир қаторда хўжаликнинг фаолятини ўрганиб чиқиш, уларни меъёрий ҳужжатлар ва кўрсаткичлар билан таққослаш ва қонуний ҳужжатлардан четга чиқишга йўл қўйилганда, давлатнинг аграр сиёсатига зид фаолият юритилганда хўжаликларни белгиланган дастурлари ва режаларига ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Хўжаликлар учун асосий режавий ҳужжат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилувчи методик тавсиялар асосида ишлаб чиқилган йиллик режа ҳисобланади. Ҳозирги даврда режалаштиришнинг, турғунлик давридагидан фарқи шундаки, хўжаликлар етиштириладиган маҳсулот ҳажмини белгилашда ва давлат буюртмасидан ташқари маҳсулотларни сотишда тўлиқ мустақилликка эга, шунингдек улар ўзлари молиявий манбаларни излаб топадилар, ўз хоҳишларига қараб капитал қўйилмалар қиладилар. Бу эса олдиндан шартномалар тузилишини, озиқ-овқат фондларидан квоталар олинишини тақозо этади. Бунинг моҳияти шундаки, маҳсулот сотиш учун кафолатланган бозорлар топиш, зарур бўлса, ярмарка, аукцион, биржа савдоларида иштирок этишга тўғри келади. Бу борада режалаштириш ва маркетинг узвий боғланиб кетади.

Маркетинг белгилайдиган тадбирлар рўйхати етарли даражада кенгдир. Жумладан, маҳсулот сотиш бозорини, унинг маҳсулот турига қараб ўзгаришини ўрганиш, бозор коньюктураси ҳақида ахборот тўплаш ва уларни ишлаб чиқиш, маҳсулотга харидор топиш, шартнома ва контрактлар тайёрлаш, хўжаликнинг нарх-наво сиёсатини ишлаб чиқиш, маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш чораларини кўриш, шунингдек, белгиланган тадбирларни амалга оширилишини таъминлаш. Маркетинг изланиши натижалари хўжалик ривожланиши режаларига киритилади, чунки бу тадбирларни татбиқ этилиши молиявий ва моддий ресурслар сарфланишини талаб этиб, булар хўжаликнинг фаолияти натижасида бунёд этилади. Ўз навбатида маркетинг хўжалик иқтисодий кўрсаткичларини, жумладан молиявий имкониятларини яхшилашини ва бу билан хўжаликни динамик ривожланишини таъминлайди.

Ҳозирги даврда хўжаликларнинг молиявий режаларини тузиш қийин жараён ҳисобланади. Унинг базаси сифатида, давлат томо-

нидан мўлжалланган даражада қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларини нисбати қабул қилиниши мумкин, ҳисоб-китоб варианти сифатида эса, режалаштиришдан олдин келган йилдаги ҳақиқатда эришилган нисбат қабул қилинади. Бундай ҳисоб-китоблар қилини лозим, чунки у орқали энг муҳим сарф-харажатларни молиялаштириш таъминланади, кутилмаган ҳолатларга тушиб қолишни олди олинади.

Фойдани тақсимлашда, хўжалик Низомида кўзда тутилган бўлса, дивидентлар ва бошқа тўловларни тўланиши ҳисобга олинади.

Йиллик режалаштиришда, жамоа аъзоларининг турмуш тарзини ва ижтимоий аҳволини яхшиловчи комплекс чора тадбирлар кўзда тутилиши лозимдир. Бу тадбирлар таркиби хўжаликнинг молиявий аҳволига боғлиқ бўлиб, ўзида жумладан, меҳнат муҳофазаси харажатларини, аҳоли бандлигини таъминлаш, айрим тоифадаги ишчиларни ва нафақахўрларни қўллаш, ижтимоий инфраструктура объектлари учун маблағ ажратиш, турли тадбирларни ўтказиш киради.

Пировард натижада режа, хўжаликнинг фойда ва харажатларини муқобиллаштиришга, жорий фаолиятни юритилишини таъминлашга, капитал қўйилмалар қилишга хизмат қилади.

Шундай қилиб, йиллик режалаштириш худди истиқболли режалаштириш сингари хўжаликнинг мақсадли фаолият юритилишини таъминловчи қуролдир.

### Ички хўжалик муносабатлар тизимида режалаштириш

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида режалаштиришни ташкил қилиш ва унинг таркибини ички хўжалик муносабатлари модели томонидан танланган, мулкка эгалик қилиш ва хўжалик юритиш формаси орқали белгиланади.

Режалаштириш, бошқарув функцияси эканлигини ҳисобга олиб, келгусида кенг тарқалувчи уч хил типдаги қишлоқ хўжалик корхоналарини келтириш мумкин:

юқори технологияга эга бўлган, мулкчиликнинг турли кўринишидаги, индустриал типдаги корхоналар — паррандачилик фабрикалари, чорвачилик комплекслари, иссиқхона комбинатлари;

ўз меҳнатларининг пировард натижалари бўйича ишловчиларнинг мажбуриятлари ва мустақиллиги юқори даражада бўлишини таъминловчи ишлаб чиқариш ташкил этилган жамоа ёки ширкат хўжаликлар;

мулкдорлар ёки ижарадорлар сифатида бир ёки бир неча жисмоний шахс томонидан бошқарилувчи алоҳида акциядорлик жамиятлари.

Бу типдаги корхоналарда ички хўжалик муносабатларининг турлича кўринишлари қўлланилиши мумкин. Аммо хўжаликнинг

бир типи аниқ хусусиятга эга бўлади. Хусусан, индустриал типдаги қишлоқ хўжалик корхоналарида ички хўжалик муносабатлари аниқ системага эга бўлиб, топшириқларни бажарилиши бўйича жавобгарликнинг юқори бўлишига, технологик жараёнларининг графикларига қатъий риоя қилинишига асосланган бўлади. Бу борада ички хўжалик бўлинмалари етиштирилган пировард маҳсулотни сотиш, ўз ихтиёрларида қолган фойдани тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин.

Ички хўжалик муносабатларининг турлича моделларини мавжудлиги жамоа ва ширкат типидаги корхоналарга тааллуқлидир. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Бўлинмалар режалаштиришда, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва олинган фойдани ишлатилишида юқори даражада мустақилликка эгадир. Уларга ички хўжалик кооперативларини киритиш мумкин;

хўжалик ҳисоби, ички хўжалик ижара ва ривожланган иқтисодий ривожланган иқтисодий муносабатларнинг бошқа формалари қўлланилади. Бу борада ички хўжалик режалаштирилиши маълум даражада хўжалик бошқарув органи ва алоҳида жамоалар ўртасида тузилган шартномалар асосида амалга оширилади;

режалаштиришнинг юқори даражада марказлаштирилиши асосида соддалашган хўжалик ҳисоби формалари қўлланиладиган хўжаликлар. Бундай модел, одатда, иқтисодий жиҳатдан заиф, бўлинмаларида тайёргарликка эга бўлган мутахассис кадрлар бўлмаган хўжаликларда қўлланилади.

Ички хўжалик бўлинмаларига кенг кўламда мустақиллик берилган ва ишчилари технологик циклга путур етказмаган ҳолда бозор муносабатларида тўлиқ иштирок этиш имкониятига эга бўлган хўжаликларнинг истиқболи порлоқ ҳисобланади.

Шунингдек, бундай хўжаликларнинг ички хўжалик муносабатлари ҳам фарқланади

Бу борада корхона бирлиги қуйидагилар ҳисобига эришилади:

— корхона устидан умумий раҳбарлик, бошқарув органларини сайлаш, корхона фаолиятини тафтиш комиссияси томонидан назорат қилиниши;

— ишлаб чтқариш ва ижтимоий соҳани ривожланиши борасида келишув ва мувофиқлаштириш, корхонани иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши бўйича жорий ва истиқболли режаларни ишлаб чиқиш;

— ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишнинг ягона фондини ташкил этиш;

— ички хўжалик бўлинмалари ўртасида, улар билан корхона бошқаруви ўртасида иқтисодий муносабатлар шартлари ва нархларини белгилашни ягона тартиби;

— ишлаб чиқариш ва унга хизмат кўрсатувчи бўлинмаларда юзага келган ихтисослаштириш ва уларнинг технологик ўзаро таъсири;

— умумхўжалик хизматини, шу жумладан молия ҳисоб-китоб марказини шаклланиши;

— ишчиларга пул ва натура кўринишида ҳақ тўлашнинг ягона системасидан фойдаланиш;

— дивидендлар тўлаш;

— ишчилар ва нафақахўрларни ижтимоий ҳимоялаш чораларини рўриш.

Айни пайтда ички хўжалик бўлинмаларини қуйидаги хуқуқлари кўзда тутилади:

— давлат буюртмалари бажарилгандан сўнг маҳсулотни ўз хохишларига қараб сотиш, шунингдек, умумхўжалик фондларини ташкил қилиш;

— хўжалик мажбуриятлари бўйича тўловлар тўланиб, моддий харажатлар қопланганидан ортган фойдани тақсимлаш, капитал қўйилма, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатларига ишлатиш;

— ишлаб чиқарилган маҳсулотни бир қисмини натура тўлов сифатида бериш.

Режалаштиришда бундай корхоналарнинг умумхўжалик эҳтиёжлари учун сармояга бўлган талаби қуйидагилар бўйича белгиланади:

— бошқарув органи томонидан белгиланган хажмларга мос ҳолда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш капитал қўйилмаларни молиявий таъминлаш;

— умумхўжалик миқёсдаги ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларни сақлаб туриш харажатлари;

— умумхўжалик эҳтиёжалари учун олинган узоқ муддатли қарзлар (ссудалар) бўйича банклар билан ҳисоб-китоб қилиш;

— ноқулай об-ҳаволар, табиий офатлар юз беришини ҳисобга олиб, резерв фондлар ташкил қилиш;

— ҳиссадорларга дивидент тўлаш;

— хўжалик бошқарувининг қарори билан қилинадиган бошқа харажатлар.

Бўлинма режалари жамоа аъзолари иштирокида ишлаб чиқилиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнини бузилишини олдини олиш мақсадида, корхона мутахассислари билан келишилади. Корхонанинг ички хўжалик бўлинмалар режаларига асосланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланган режаси, хўжаликнинг умумий йиғилишида тасдиқланади.

Режалаштириш ва нарх қўллаш хўжалик муносабатларда муҳим ўрин тутади. Бўлинмалараро режалар ва ҳисоб-китобларда,

қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, йилнинг бошида вужудга келган ягона жорий нарх йил давомида қўлланилиши мумкин. Бу нархлар ўлчами хўжалик бошқаруви томонидан тайинланади. Давлат буюртмаси бўйича маҳсулот сотишда нархлар айни пайтдаги бозорда юзага келган нархларга мос бўлиши зарур. Давлат буюртмасидан ташқари, хўжалик ихтиёрида қолган маҳсулотлар шартномавий ёки эркин нархларда бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун, хўжалик бошқаруви томонидан белгиланган, ягона нархлар ёки тарафлар қўлланилади.

Бошқа корхоналардан ва ташкилотлардан сотиб олинган моддий-техника ресурслари ва маҳсулотлар бўлинмаларга ички хўжалик савдо устамаси (шу жумладан, транспорт, сақлаш, ишлов бериш харажатлари билан) қўйилган ҳолда сотилади.

Ички хўжалик савдо устамаси (сўмда ёки фоизда) ўлчами хўжаликнинг бошқаруви томонидан белгиланади.

Корхона режаси тасдиқлангандан сўнг бўлинмалар бошқарув органи билан шартнома тузадилар. Шартномада, хусусан, умумхўжалик мажбуриятлари бўйича, белгиланган хажмда маҳсулот етказиш, сифати ва муддатлари, солиққа ва умумхўжалик аппарати сақлаб туриш учун ажратмалар, хўжалик Низомида белгиланган фондларга бадаллар тўлаш акс эттирилди.

Ўз навбатида корхонанинг бошқарув органи умумий мажлис томонидан аниқланган ўлчамларда дивидент тўлаш, моддий-техника таъминотини амалга ошириш, шартномага асосан маҳсулот сотиш, молия-ҳисоблаш маркази ишини ташкил этиш, бўлинмаларнинг хўжалик фаолияти учун маблағ ажратиш, кредит бериш мажбуриятларини зиммасига олади.

Ҳар бир бўлинма ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш, меҳнат ва маблағ сарфи бўйича ўз режаларини ҳисобини юритишлари ва белгиланган формада ҳар ойда молия-ҳисобот беришлари шарт.

Хўжалик ҳисоби даромади, муносабатларнинг бундай системасида, маҳсулот сотиш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишдан тушган маблағдан, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий суғуртадан ташқари, моддий ва бошқа харажатларни айириш йўли билан аниқланади.

Режадаги ва ҳисобот бўйича хўжалик ҳисоби даромади ер солиғи учун бюджетга бадал тўлаш, корхона фондига ажратма, кредит учун тўлов; молия-ҳисобот марказга ва бошқа молиявий мажбуриятлар бўйича тўловларга йўналтирилади. Даромаднинг қолган қисми жамоа ихтиёрида қолдирилиб, жамоа ҳоҳишига биноан меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий эҳтиёжлар, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки бошқа мақсадлар йўлида сарфланади. Хўжалик ҳисоби даромадининг фойдаланилмай қолган қисми олиб қўйил-

майди ва қайта тақсим қилинмайди, фақат бўлинма розилиги билан молия-ҳисобот маркази томонидан вақтинча ишлатиб турилиши мумкин. Бўлинма хўжалик олдидаги мажбуриятларини бажаргандан сўнг, ихтиёрида қолган етиштирилган маҳсулотни натура ҳолида ишчиларга иш ҳақи сифатида берилиши ёки бозорда сотилишини ўз режасига киритиши мумкин.

Бўлинмаларда иш ҳақи, хўжалик ҳисоби даромадига қараб тўланади ва ундан, жамоа қарорига кўра, ижтимоий эҳтиёжлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун маблағ ажратилади.

Бўлинмалар фаолияти режалаштириш ва ички хўжалик муносабатларининг бундай схемаси, турли вариантларда турли типдаги қишлоқ хўжалик корхоналарида қўлланилиши мумкин. Бу борадаги янгилик шундан иборатки, илгари хўжалик бошқарув аппарати томонидан амалга оширилган бир қатор функциялар ички хўжаликнинг бир бутунлиги бузулмаслиги шарт.

Сотиб олиб, ижарага олган бир неча шахслар томонидан бошқарилувчи корхоналарда ички хўжалик режалаштириши моҳияти жиҳатидан маъмурий-буруқбозлик системасига яқин туради. Бундай ҳол, ишлаб чиқариш таркиби меҳнатни ташкил қилиниши ва хўжалик фаолиятининг бошқа шарт–шароитлари мулкдор — бошқарувчилар томонидан белгиланиши билан изоҳланади, ишчилар эса улар билан шартнома тузадилар ва аслини олиб қараганда ёлланма ишчи ҳисобланадилар.

Шунинг учун бундай системаси, ишлаб чиқаришнинг кооператив формасига нисбатан кам самаралидир.

**Деҳқон (фермер) хўжаликларида режалаштириш асослари**

Ҳозирги пайтда деҳқон(фермер) хўжаликлари асосан уч кўринишда фаолият юритмоқдалар. Биринчидан, ассоциацияларга ёки ташкилий таркиби жиҳатдан қишлоқ хўжалиги корхоналарига яқин бўлган бошқа ташкилотларга бирлашадилар. Бунда режалаштириш системаси, шу жумладан ички хўжалик режалаштириш ҳам, амалда, корхоналарда қўлланилаётган режалаштириш системасидан фарқ қилмайди. Иккинчидан, бир жойда жойлашган ёки қариндошлик ишлари билан боғланган 3-7 деҳқон (фермер) хўжаликлар бирлашмалари. Ниҳоят, оилавий хўжаликлар. Охирги икки кўриниши ўз тартибида озод этилган мутахассислар эга эмас, шундай бўлсада, бу, уларни ўз фаолиятини режалаштириш, истиқболини белгилаш заруриятидан озид этмайди.

Албатта деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳар жиҳатдан мукаммал истиқбол режаларини ишлаб чиқа олмайди, чунки яқин 3-5 йил учун энг муҳим мақсадлар ва уларга эришиш йўллари белгилаб олинади. Маълумки, белгиланган тадбирларни амалга оширилиши, ишлаб чиқариш кўрсатгичларига эришиш, ижтимоий шароитларни яхшилаш борасида деҳқон оиласи ёки уларнинг

бирлашмаси фақат ўзлари олдида масъулиятлидир, банклар ва бошқа қарз берувчилар олдида эса ўзларидаги барча мулки билан жавобгар ҳисобланадилар.

Ўзи учун режалаштирилиши мақсадага мувофиқ бўлган истиқбол кўрсаткичлари сифатида қуйидагилар олиниши мумкин:

— экин майдонларини кенгайтириш (ижара, шартномаси) ва ишлаб чиқариш тартибига ўзгартириш киритиш;

— ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот сотиш;

— экин майдонларини соғломлаштириш тадбирлари;

— ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва янги техникалар сотиб олиш;

— капитал қурилиш, ишлаб чиқариш объектларини қайта жиҳозлаш;

— ижтимоий аҳволни яхшилаш;

— даромад ва харажатларнинг маҳаллий баланси.

Аммо кўрсатгичлар таркиби кўп жиҳатлар бўйича хўжалик ихтисосига, аъзоларининг сонига, фойда даражасига, фаолият турига, жойлашув ҳудудига, мавжуд ишлаб чиқариш — иқтисодий алоқаларига, фондлар билан таъминланганлиги ва кўплаб бошқа факторларга боғлиқ бўлади.

Хорижий мамлакатлардаги хўжаликларнинг кўп йиллик тажрибалари кўрсатдики, самарали ишлаб чиқариш фаолияти юритилиши учун истиқболни белгилаш ва режалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Фермада бошқарувни ташкил этиш самараси қуйидаги масалаларни ҳал этилиши билан аниқланади:

ишлаб чиқариш таркиби, қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва ҳайвонлари турларини танлаш;

ферманинг экин майдонлари бўйича ўлчаш ва ёлланма ишчи ишлатиш учун сарф-харажатлари;

ишлаб чиқаришнинг асосий факторлари бўлмиш ердан (хусусий, ижара) ёлланма меҳнатдан (унинг ҳиссаси ёки фақат оилавий меҳнат) ва капиталдан (шахсий ва қарзга олинган) фойдаланиш шартлари;

деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш технологияси;

моддий-техника ресурсларини олиш ва маҳсулот сотиш йўллари.

Таъминланган фермерлар, одатда, нисбатан узоқ муддатларга, кам таъминланган, заифроқ фермерлар эса қисқа муддатли режа тузадилар.

Чет эл фермерлари учун қўлланмаларда хўжалик муаммоларини ҳал этиш, қарорлар қабул қилишнинг босқичлари батафсил бериб борилади:

Мақсадни белгилаш

Муаммоларни аниқлаш

Вариантларни кўриб чиқиш

Қарор қабул қилиш

Қарорни бажариш борасида тадбирлар ишлаб чиқиш

Қарорни бажарилиши юзасидан жавобгарликни тақсимлаш

Қарорларни бажарилиши жараёнида уларни баҳолаш

Фермерларнинг самарали фаолият юритиши мезонлари сифатида фойда олиш, капитал ўлчами, кирим ва харажат мувофиқлиги, пул маблағининг мавжудлиги, ишлаб чиқариш кўлами, маҳсулдорлик таклиф қилинади.

Вариантларга баҳо беришда камида учта факторга, жумладан даромад, қарзларни тўлаш имконияти ва иш юритишда таваккалчилик даражаси ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Истиқболли режага нисбатан йиллик режалар мукаммалроқ бўлиши лозим. Бу режа сўзсиз ички ҳужжат ҳисоблангани сабабли, шакли жиҳатдан ҳисобот кўрсатгичларига мос келиши мумкин.

Йиллик режа ёки ишлаб чиқариш молиявий дастур қуйидаги бўлимларга бўлиниши маъқулдир: маҳсулот сотишга режа — шартнома, асосий иқтисодий кўрсаткичлар, экин майдонларидан фойдаланиш ва уларни ҳолатини яхшилаш тадбирлари, деҳқончилик ва чорвачилик дастури ва уни амалга ошириш харажатлари, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, олинган фойдани тақсимлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини калькуляцияси ва ниҳоят молиявий режа.

Йиллик режа ҳисоб-китоби ҳамма ҳолларда уч гуруҳдаги кўрсаткичларни ўз ичига олади: ишлаб чиқариш, молиявий ва ижтимоий кўрсаткичлар. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари жорий фаолиятни таъминлаш учун моддий-техникага бўлган талабни, жумладан, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, уруғлик, ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, озуқа, ветеранар дори-дармонлари, ишлаб чиқариш жиҳозлари, электр энергияси харажатлари, шунингдек автотранспорт хизмати, техника ва бинолар таъмири, консультация хизматлари учун талабларни белгилайди. Айни пайтда, экин майдонларини яхшилаш, машина ва қурилмалар сотиб олиш, қурилиш ва ишлаб чиқариш биноларини қайта қуриш

ҳисоб-китоблари ҳам амалга оширилиши шарт. Бошқа томондан эса сотиладиган маҳсулот ҳажми ва кутилаётган даромад аниқланиши лозим бўлиб, унинг солиққа, суғуртага ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига тўланадиган қисмни ажратилиши керак.

Сарф харажатлар жумласига, ишлаб чиқариш масалалари бўйича сафарлар, шартномалар тузиш ва реклама, моддий-техника ресурсларини сотиб олиш, семинарларда қатнашиш, курсларда ўқиш, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар иш тажрибаси билан танишиш, кўргазмалар, ким ошди савдолари, ярмаркаларда қатнашиш билан боғлиқ харажатлар киритилади.

Кирим ва чиқим баланси ва капитал қўйилма хўжаликнинг молиявий режасини асосини ташкил қилади. Қишлоқ хўжалик корхоналари сингари маҳсулот сотишдан тушган маблағ ҳисобига қопланмай қолган харажатлар учун аввало мақсадли дастурларда иштирок эта бориб бюджетдан ёки нобюджет фондлардан ёрдам пули олиш, шунингдек имтиёзли фондларда кредит олиш масаласи кўриб чиқилиши керак. Техникаларни лизинг йўли билан сотиб олиш фойдалидир.

Деҳқон (фермер) хўжаликларда олинган қарзларни муддатида қайтариб бериш ва шартнома бўйича олинган қарз учун фоизларни муддатини ўтказмасдан тўлашга ишонч бўлса, тижорат банклар кредитларидан фойдаланиш маъқул бўлади.

Режанинг ижтимоий кўрсаткичлари фермани телефонлаштириш, сув таъминоти, биноларни қуриш, йўл қурилиши ва турмуш тарзини яхшиловчи бошқа шароитларни яратиш билан боғлиқдир.

Ички хўжалик режалаштирилиши маълум маънода хўжаликнинг ишлаб чиқариш йўналишини белгилайди. Агар товар фақат деҳқончилик маҳсулотларидан иборат бўлса, режалаштириш мавсумий, чорвачилик маҳсулотлари бўлса — ойлик, паррандачилик маҳсулотлари бўлса — ўн кунлик (декада) характерга эга бўлади.

Айтиб ўтилганидек, деҳқон (фермер) хўжаликларида режалаштириш фақат унинг аъзоларига тегишли иш бўлиб, улар мустақил ҳолда режаларни ишлаб чиқадилар, кўрсаткичлар таркибини белгилайдилар.

Шундай қилиб, деҳқон (фермер) хўжалиги қандай катталикда бўлмасин, ихтисослашганидан қатъий назар у ўз фаолиятини режалаштиришга мажбур бўлади. Чунки товар ишлаб чиқариш истеъмолчига йўналтирилган бўлиб, деҳқон (фермер) хўжаликларида ҳам маркетинг принципидан фойдаланилиш табиийдир.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий бўғинларидан ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва чуқурлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз самараларини бермоқда. 1998 йилда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4,9 фоизга кўпайди.

Айтарли барча турдаги маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўсди. Республика хўжаликларида жами етиштирилган дон экинлари 4,4 млн. тоннага етди. Бу 1997 йил даражасидан қарийб 447,8 минг тонна кўпдир (1 ва 2-жадваллар).

Шу билан бирга пахта ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосили камайиб кетди. 1998 йилни зарар билан якунлаётган хўжаликлар сони 1997 йилга нисбатан 972 тадан (41,7%) 601 тага (27,4%) камайганига қарамасдан, уларнинг молиявий аҳволи нисбатан ёмонлигича қолмоқда.

Қишлоқ хўжалиги истиқболи кўп жиҳатдан уни бозор иқтисодиёти талабларига мос қайта ислоҳ қилиш ва бозор тамойилларини жорий этиш жараёнига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тасдиқланган "1998-200 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштири дастури"да ислоҳот билан боғлиқ барча стратегик юра-тадбирлар ўз аксини топган.

Бу дастурни амалга ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди:

1. **Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш** бўйича "Ер кодекси", "Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида" ва "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари тайёрланиб, умумхалқ муҳокамасидан ўтказилди ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланди.

Бир неча қонун ва қонун ҳужжатларига ўзлаштиришлар ва тўлдиришлар киритилди. Жумладан, Президент Фармонига мувофиқ 1999 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ягона ер солиғига ўтиладиган бўлди.

Амалда ислоҳотлар билан боғлиқ ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар тўплами яратилди.

2. **Мулкий пай асосида қишлоқ хўжалиги ширкатларини ташкил этиш** бўйича 1998 йилда иқтисодий ислоҳотлар бўйича Республика комиссияси ва вилоят ҳокимиятлари билан биргаликда 65 та қишлоқ хўжалик корхонаси уларнинг иқтисодий аҳволи раҳбар ва мутахассисларини тайёргарлик даражаси ҳисобга олиниб, мулкий пай асосида ширкатларга айлантирилди.

Ўтказилган таъсис йиғилишларида 70578 мулкга даъвогарлар орасида 53061 киши ширкат аъзоси ва мулк эгаси бўлди (3 ва 4 жадваллар).

Марказлаштирилган тартибда "мулкий пай гувоҳномаси" чоп этилиб, 1999 йил 1 январгача барча ширкат хўжаликларига етказиш ва уни йил якуни бўйича ўтказиладиган ҳисобот йиғилишларида ширкат аъзоларига топшириш режалаштирилган.

Ҳозирги пайтда уларнинг тажрибалари умумлаштирилиб, 1999-2000 йилларда барча қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этиш ва ушбу жараённи компанияга айлантирмасдан тўпланган тажриба ва билимлар асосида босқичма-босқич амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини мулкий пай асосида қайта ташкил этиш тажрибасидан қуйидаги асосий муаммолар мавжудлиги аниқланди:

— ер ва асосий воситалар қийматини устав жамғармасида ҳисобга олиш. Ер қиймати 1990 йилги балл-бонитет кўрсаткичлари асосий воситалар қиймати эса 1995 йил 1 январ ҳолати бўйича аниқланган қийматида ҳисобларди. Натижада бир ширкат аъзосига тўғри келадиган мулкий пай қиймати айрим хўжаликларда нисбатан жуда кам суммани ташкил этмоқда;

— ширкатга айлантирилаётган хўжаликларда маҳсулот ишлаб чиқаришига меҳнат сарфи меъёрлари асосида аъзолар сони аниқланганлигидан ортиқча ишчи кучлари мавжудлиги юзага келди. Уларни иш билан таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил қилиш долзарб ижтимоий муаммо ҳисобланади;

— раҳбарлар ва деҳқонларнинг ширкат хўжаликларга айлантириш ғояси ва моҳияти, тамойиллари ҳамда устунликлар тўғрисидаги тушунчалари етарли эмас;

— ширкатларга айлантирилаётган хўжаликларга амалий ёрдам бериш мақсадида ташкил қилинган маслаҳат марказлари сони ва ундаги ходимлар малакаси етарли эмас.

**3. Ички хўжалик муносабатларини такомиллаштириш бўйича**

Ички хўжалик муносабатларини ислоҳ қилишда оила пудрати асосий йўналишни ташкил этмоқда. Ер оилаларга муддатга бириктилиб, оила аъзоларининг ер ва маҳсулотга эгалиги, манфаатдорлиги ва жавобгарлигини ўзида акс эттирган ҳуқуқий ҳужжат-шартнома асосида белгилаб берилмоқда.

1998 йилда пахтачиликда 47 фоиз, дончиликда 46 фоиз ва сабзавотчиликда 63 фоиз ер майдони бир йил муддатга бириктирилиб берилган бўлса, 1999 йил дон ҳосили учун қилган майдонларнинг 84 фоизи оила пудрати тўғрисидаги Низомга мувофиқ оила пудратига шартнома асосида камида 3 йил муддатга бириктирилиб берилди (5-жадвал).

Ички хўжалик муносабатларини такомиллаштириш айниқса, Жиззах вилоятида қониқарли ташкил этилган. Ғалла майдонларининг 11 фоизигина оила пудратига берилган. Вилоятда мавжуд хўжаликларнинг фақат 3,2 фоизида чек усули ва 1,3 фоизида молия ҳисоб марказлари ташкил қилинган.

Оила пудратини жорий қилиш кўп жойларда номигагина ташкил қилинган. Жумладан Андижон вилоятида ғаллачиликда 100 фоиз оила пудрати жорий қилинган бу са-да, хўжаликларининг фақат 8,7 фоизда чек усули, 13 фоизида молия ҳисоб марказлари ташкил қилинган холос. Бу ҳол Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Сурхандарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам кузатилмоқда.

Шу билан бирга оилалар билан тузилган пудрат шартномаларининг хўжаликлар ва оилалар томонидан қандай бажарилаётганини таҳлил қилинмаяпти. Ташкил қилинган молия ҳисоб марказлари фаолияти қониқарсиз. Чек тизими асосида оила пудрати харажат ва даромадларини ҳисобга олиш тўлиқ жорий қилинмаган.

Ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришган, харажатларини камайтирган оилаларнинг манфаатдорлиги таъминланмаяпти.

Шартномада белгиланган миқдордан ортиқча етиштирилган маҳсулотнинг эгаси фақат пудратчи бўлиши керак, пудратчининг розилигисиз шартномани бажармаган пудратчилар ҳисобига мажбуран ғаллани топшириш қатъиян ман этилиши лозим.

**4. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг ривожлантириш бўйича**

"Фермер хўжалиги тўғрисида" ва "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонунларга ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 300-сонли қарорига мувофиқ республикадаги 26 мингдан ошиқ фермер хўжаликлари қайта аттестациядан ўтказилди.

Аттетация натижасида қобилиятсиз, номигагина фермер бўлиб, ер олган 2887 та фермер аттестациядан ўтмади. Бугунги кунга келиб 23103та фермер хўжалиги 411 минг га. майдонда фаолият кўрсатмоқда (6- ва 7-жадваллар).

Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш қуйидаги масалаларни ҳал қилишини тақозо этади:

— фермерларга бозор механизми тамойиллар асосида моддий-техника ресурслари таъминоти ва турли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш;

— улар етиштирган маҳсулотларни тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналар фаолиятини жонлантириш;

— уларга кредитлар ва шартномалар асосида аванс бериш тизимини такомиллаштириш.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари ер, мулк ва маҳсулот эгаси аниқ бўлганда ишлаб чиқариш самараси юқори бўлишлигини исботламоқда. Пахта етиштиришда шуғулланувчи 10590 фермер хўжалиги-

дан 7382 таси шартномани ошиғи билан бажаришди. Жумладан, Сирдарёда 550 тадан 333 таси (61%), Жиззахда 1703 тадан 1100 таси (64%), Тошкентда 1004 тадан 862 таси (86%).

Ҳозир республикада 3,3 млн. деҳқон хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга 541 минг гектар ер беркитиб берилган (8-жадвал).

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан фаолият кўрсатаётган шахсий томорқа хўжаликлари деҳқон хўжаликлари сифатида қайта рўйҳатдан ўтишлари керак эди. Ҳозирга қадар улардан фақат 98,2 мингтаси қайта рўйҳатдан ўтказилган. Айниқса Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларида бу иш ўта қониқарсиз ташкил этилган.

Фақатгина 130 та деҳқон хўжалиги юридик шахс сифатида рўйҳатга олинган. Натижада деҳқон хўжаликларига микрокредит бериш, шартномалар тузиш масалалари ўз ечимини топгани йўқ.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан бир деҳқон ва фермер хўжаликларига минерал ўғит, ёқилғи, ем ва ресурслар етказиб бериш бўйича белгиланган квота ўз вақтида етказилмаяпти.

Уюшма деҳқон ва фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни бартер асосида экспорт қилиш имтиёзларидан фойдалана олмаяпти.

**5. Кам рентабелли ва зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича**

1997 йил декабрда "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш" тўғрисида қонун қабул қилиниб, 1998 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 104 қишлоқ хўжалик корхонаси санация қилинган эди.

1998 йил якунлари санациянинг юқори самара берганлигини тасдиқламоқда. Бу хўжаликларда 1997 йилга нисбатан пахта ишлаб чиқариш — 101,2 фоизга, ғалла — 119,5 фоизга ошди.

104 хўжаликдан 84 таси йилни фойда билан якунлаши кутилмоқда. Жиззах, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги санацияга тортилган барча хўжаликлар йилни фойда билан якунламоқда. Қашқадарё, Наманган ва Андижон вилоятларида эса биттадан хўжалик зарар билан якунлаши кутилмоқда (9- ва 10-жадваллар)

Санацияга тортилган хўжаликлар фаолияти таҳлилидан қуйидаги ижобий натижалар аниқланди:

— хўжаликларда ишлаб чиқаришни молиявий соғломлаштириш дастури, харажатларни камайтириш тадбирлари, агротехниканинг илғор усулларини қўллаш асосида ташкил этиш ижобий натижалар берди;

— хўжаликларни баланси ортиқча, кераксиз ва яроқсиз воситалардан тозаланди. Уларни бир қисми сотилди, бир қисми бошқа

ташкилотлар балансига ўтказилди ёки ҳисобдан чиқарилди;

— қишлоқ хўжалик корхоналаридаги меъёридан ортиқча 40 мингга яқин кишщ бошқа соҳаларга ўтказилиб, янги иш ўринлари барпо этилди;

— ички хўжалик муносабатларида оила пудрати, шартнома жорий этилиб, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги таъминланди, даромад бермаган боғ ва узумчилик ижара асосида фойда берадиган соҳага айланди;

— дондан бўшаган майдонларда режа бўйича такрорий экинлар экилиб қўшимча даромад олинди;

— қишлоқ аҳолиси фойдаланаётган газ, сув ва электр энергиялар учун қишлоқ хўжалик корхонаси эмас, аҳолининг ўзи тўлаш тизими жорий этилиб, хўжаликларни қўшимча харажатлари камайтирилди;

— бошқариш харажатлари кескин камайди;

— санация хўжаликлари суғурта қилиш қанчалик фойда эканлигини исботлади. 1998 йил давомида табиий офатдан келтирилган 212,2 млн. см зарар "Агросуғурта" компанияси ҳисобидан қопланди, пахтачилик бўйича 307,9 млн. сўмлик суғурта қопламалари тўланиши мўлжалланган.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш тажрибасини босқичма-босқич бошқа зарар кўрувчи хўжаликларда ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

**6. Қишлоқ хўжалик корхоналарига техник хизмат кўрсатиш бўйича**

"Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш" давлат қўмитаси тизимида 182 та давлат акциядорлик жамиятлари ва 61 муқобил шаклдаги машина-трактор парклари (МТП) фаолият кўрсатмоқда. МТПлар кўрсатаётган хизмат миқдори ва салмоғи ошмоқда (11- ва 12-жадваллар).

Қишлоқ хўжалиги корхоналаридан қўшимча 5,3 млрд. сўмлик техника МТПларига берилди МТП фаолиятидан қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий манфаатдорларини ошириш мақсадида уларнинг 3,03 млрд. сўмлик акциялари хўжаликлардан олинган техникалар қийматига мувофиқ истисно тариқасида айирбош қилинди.

Амалда қишлоқ хўжалиги корхоналари МТПларнинг 42,7 фоизи акцияларига эга бўладилар. Бу бир томондан қишлоқ хўжалик корхоналарининг МТПлар олган даромадлардан бир қисмини олиш имкониятини берса, иккинчи томондан улар фаолиятини назорат қилиш ва такомиллаштириш учун шароит яратади.

Шу билан бирга МТПлардаги мавжуд пахта териш машиналаридан фойдаланиш даражаси ўта қониқарсиз, деҳқон ва фермер хўжаликларига техника хизмати кўрсатиш ишлари МТПлар томонидан етарли ташкил этилмаган.

Мижозларга хизмат кўрсатиш ҳақлари баландлигича қолмоқда.

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги ижобий ишлар билан бир қаторда бу соҳада қатор камчилик ва ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

1. Асосий бойлигимиз бўлган ердан қишлоқ хўжалик корхоналарида, деҳқон ва фермер хўжаликларида мақсадга мувофиқ фойдаланиш, унинг унумдорлигини ошириш масалалари назоратсиз қолмоқда.

Мавжуд ер ресурслари инвентаризациядан ўтказилиши, ундан фойдаланишни тартибга солиш вилоятлар, туманлар ҳокимиятлари ва янги ташкил этилган Давлат ер ресурслари қўмитаси томонидан доимий назоратга олиши лозим.

2. Санация қилинган хужаликларда бўшаётган ишчи кучларини ишга жойлаш ҳукумат комиссияси, Меҳнат вазирлиги ва ҳокимликлар томонидан ижобий ҳал этилаётган бўлса-да, ширкатларга айлантирилаётган хўжаликларда бу масала долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Ўтказилаётган ислоҳотларимиз ижтимоий муаммоларни келтириб чиқармаслиги учун ҳар бир туман ва вилоят ширкатга айлантирилаётган хўжаликлардан бўшаётган ходимларни иш билан таъминлаш бўйича меҳнат вазирлигининг жойлардаги бўлимлари билан бирга аниқ тадбирлар дастури тайёрланган. Муҳими бу тадбирларни изчиллик билан амалга оширишни таъминлаш лозим.

3. Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этиш ва санация қилиш даврида ...ларда кераксиз ва яроқсиз ҳолга келган жуда катта миқдордаги асосий воситалар мавжуд.

Қишлоқ хўжалик корхоналари балансини тозалаш мақсадида мавжуд асосий воситалар, оборот маблағлари ва мажбуриятларини инвентаризациядан ўтказиб, кераксиз асосий воситаларни сотиб, хизмат муддатини ўтаб, яроқсиз ҳолга келганларини ҳисобдан чиқариш, оборот маблағларини (ўстиришдаги ва боқувдаги чорва моллари, тайёр маҳсулотлар) бозор баҳоларини ҳисобга олган ҳолда, қайта баҳолаш зарур.

4. Вилоятларда меҳнат ресурслари билан кам таъминланган аҳоли пунктларидан узоқда жойлашган, сурункали зарар билан ишлаётган қишлоқ хўжалик корхоналари мавжуд. Бу хўжаликларни танлов асосида фермер ёки деҳқон хўжаликларига айлантириш мақсадга мувофиқдир.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида пахта ва дон ҳосилдорлиги гектаридан 10 центнердан кам бўлган, мелиоратив жиҳатдан бу экинлар учун ноқулай бўлган ер майдонлари мавжуд.

1998 йилда 11 та туманда пахта ҳосилдорлиги ҳар гектаридан

ўртача 10 центнердан кам, 15 тасида 10-15 центнер, 26 тасида 15-20 центнерни ташкил этди. Уч йиллик маълумотларга кўра 150 минг га. ердан олинаётган пахта ҳосили ўртача 8,0 центнерни ташкил этмоқда.

6. Қоракўлчилик ва пиллачилик тармоқларини ислоҳ қилиш бўйича ҳукумат қарорлари қабул қилинганлигига қарамасдан ушбу тармоқларни ислоҳ қилиш бўйича белгиланган тадбирлар тўлиқ амалга оширилмаяпти. Хусусан, тайёрлов ташкилотлари билан қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ўзгаришсиз қолмоқда.

Етиштирилган маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятлари фойдаланилмаяпти. Маҳсулотларни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ ишга тушмаган. Натижада республика бу маҳсулотларни сотиш бозорларини йўқотмоқда.

Бу камчиликларни бартараф қилиш учун тегишли вазирликлар ва идоралар маҳаллий бошқарув бўғинлари билан биргаликда қарорларнинг бажарилишини таъминлашлари шарт.

7. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида сўнги йилларда раҳбар ва мутахассислар қўнимсизлиги кескин ошиб кетди. Кейинги бир ярим йил давомида 2188 хўжалик раҳбарларидан 1215 нафари ёки 55,5 фоизи, Жиззах вилоятида 91,5 фоизи, Хоразм вилоятида 84,7 фоизи, Сирдарё вилоятида 75 фоизи, Самарқанд вилоятида 60 фоизи алмаштирилган.

Янгиариқ туманида 9 хўжалик раҳбари 1,5 йилда 14 марта алмашган бўлса, Бахмал туманида 11 хўжаликда 13 марта, Урганч туманида 19 хўжаликда 20 марта, Пахтакор туманида 12 хўжаликда 14 марта алмашган.

Дўстлик, Мирзачўл Навбаҳор, Қизириқ, Жиззах туманларида 100 фоиз раҳбарлар алмаштирилган. Айниқса хўжалик раҳбарлари, бухгалтер ва иқтисодчи кадрлар бўйича қўнимсизлик юқори.

Янги қўйилган раҳбарларнинг 320 таси (14,5 фоиз) қишлоқ хўжалиги мутахассиси эмас. Уларнинг 127 таси ўқитувчи, 191 таси қурувчи, врач ва маданият ходимлари.

Самарқандда 288 хўжалик раҳбарларидан 52 таси (18 фоиз) ўқитувчи, Тошкент вилоятида 208 тадан 46 таси (22 фоиз), Сурхандарёда 161 тадан 32 таси (10,8 фоиз), Қашқадарёда 217 тадан 37 таси (17 фоиз) ўқитувчи ёки бошқа касб эгаларидир.

Бу қишлоқ хўжалигидаги технологик жараёнлар ҳамда ҳисоб ва ҳисобот ишларини қўпол равишда бузилишига олиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалиги учун кадрлар танлаш, тарбиялаш ва рағбатлантириш тизимини қайта кўриб чиқиш зарур.

1-жадвал

## Ўзбекистон Республикасида 1998 йил якуни бўйича кутилаётган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш курсаткичлари тўғрисида маълумот

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 1997 йил ҳақиқатда | 1998 йил кутилмоқда | +, - | % |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| **I. Деҳқончилик маҳсулотлари** | | | | | |
| **Пахта (барча тоифадаги хўжаликлар)** | минг тонна | 3640,8 | 3217 | -423,8 | 88,4 |
| **Дон-жами (барча тоифадаги хўжаликлар)** | минг тонна | 3975,2 | 4423,0 | 447,8 | 111,3 |
| қишлоқ хўжалик корхоналари | -"- | 3325,9 | 3693,0 | 367,1 | 111,0 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 83,7 | 83,5 | -0,2 | 99,8 |
| аҳоли хўжаликлари | минг тонна | 649,3 | 730,0 | 80,7 | 112,4 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 16,3 | 16,5 | 0,2 | 101,0 |
| шу жумладан: | | | | | |
| **бошоқли дон(барча тоифадаги хўжаликлар)** | минг тонна | 3382,9 | 3800,6 | 417,7 | 112,3 |
| қишлоқ хўжалик корхоналари | -"- | 2886,6 | 3208,1 | 321,5 | 111,1 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 85,0 | 84,4 | -0,6 | 99,3 |
| аҳоли хўжаликлари | минг тонна | 496,3 | 592,5 | 96,2 | 119,4 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 15,0 | 15,6 | 0,6 | 103,9 |
| **шоли (барча тоифадаги хўжаликлар)** | минг тонна | 386,0 | 445,0 | 59,0 | 115,3 |
| қишлоқ хўжалик корхоналари | -"- | 345,8 | 400,0 | 54,2 | 115,7 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 84,6 | 89,9 | 5,3 | 106,3 |
| аҳоли хўжаликлари | минг тонна | 40,2 | 45,0 | 4,8 | 111,9 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 10,4 | 10,1 | -0,3 | 97,1 |
| **Картошка (барча тоифадаги хўжаликлар)** | минг тонна | 691,9 | 700,0 | 8,1 | 101,2 |
| қишлоқ хўжалик корхоналари | -"- | 214,9 | 135,0 | -79,9 | 62,8 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 31,1 | 19,3 | -11,8 | 62,1 |
| аҳоли хўжаликлари | минг тонна | 477 | 565,0 | 88,0 | 118,4 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 68,9 | 80,7 | 11,8 | 117,1 |
| **Сабзавот (барча тоифадаги хўжаликлар)** | минг тонна | 2384,2 | 2150,0 | -234,2 | 90,2 |
| қишлоқ хўжалик корхоналари | -"- | 712,6 | 600,0 | -112,6 | 84,2 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 29,9 | 27,9 | -2,0 | 93,4 |
| аҳоли хўжаликлари | минг тонна | 1671,6 | 1550,0 | -121,6 | 92,7 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 70,1 | 72,1 | 2,0 | 102,8 |
| **Полиз (барча тоифадаги хўжаликлар)** | минг тонна | 376,2 | 400 | 23,8 | 106,3 |
| қишлоқ хўжалик корхоналари | -"- | 159,1 | 160,0 | 0,9 | 100,6 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 42,3 | 40,0 | -2,3 | 94,6 |
| аҳоли хўжаликлари | минг тонна | 217,1 | 240,0 | 22,9 | 110,5 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 57,7 | 60,0 | 2,3 | 104,0 |
| **Мева (барча тоифадаги хўжаликлар)** | минг тонна | 547,6 | 550,0 | 2,4 | 100,4 |
| қишлоқ хўжалик корхоналари | -"- | 217,8 | 185,0 | [illegible] | [illegible] |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 39,7 | 33,6 | [illegible] | [illegible] |
| аҳоли хўжаликлари | минг тонна | 330 | 365,0 | [illegible] | [illegible] |

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 1997 йил ҳақиқатда | 1998 йил кутилмоқда | +, - | % |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 60,3 | 66,4 | 6,1 | 110,1 |
| Узум (барча тоифадаги хўжаликлар) | минг тонна | 511,7 | 325,0 | -186,7 | 63,5 |
| қишлоқ хўжалик корхоналари | -"- | 341,9 | 149,5 | -192,4 | 43,7 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 66,8 | 46,0 | -20,8 | 68,8 |
| аҳоли хўжаликлари | минг тонна | 169,8 | 175,5 | 5,7 | 103,4 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 33,2 | 54,0 | 20,3 | 162,7 |
| **II. Чорвачилик маҳсулотлари** | | | | | |
| Гўшт (барча тоифадаги хўжаликлар) | минг тонна | 800,7 | 825 | 24,3 | 103,0 |
| қишлоқ хўжалик корхоналари | -"- | 88,4 | 93 | 4,6 | 105,2 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 11,2 | 11,3 | 0,1 | 100,6 |
| аҳоли хўжаликлари | минг тонна | 700,5 | 719 | 18,5 | 102,6 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 87,3 | 87,2 | -0,1 | 99,8 |
| фермер хўжаликлари | минг тонна | 11,8 | 13 | 1,2 | 110,2 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 1,5 | 1,5 | 0,0 | 101,8 |
| Сут (барча тоифадаги хўжаликлар) | минг тонна | 3406,1 | 3600,0 | 193,9 | 105,7 |
| қишлоқ хўжалик корхоналари | -"- | 262,7 | 280 | 17,3 | 106,6 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 7,7 | 7,8 | 0,1 | 100,8 |
| аҳоли хўжаликлари | минг тонна | 3094,1 | 3267 | 172,9 | 105,6 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 90,9 | 90,8 | -0,2 | 99,8 |
| фермер хўжаликлари | минг тонна | 49,3 | 53,0 | 3,7 | 107,5 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 1,4 | 1,5 | 0,1 | 105,2 |
| Тухум (барча тоифадаги хўжаликлар) | млн.дона | 1075,4 | 1250,0 | 174,6 | 116,2 |
| қишлоқ хўжалик корхоналари | -"- | 323,7 | 400,0 | 76,3 | 123,6 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 30,1 | 32,0 | 1,9 | 106,3 |
| аҳоли хўжаликлари | млн.дона | 747,7 | 840 | 92,3 | 112,3 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 69,5 | 67,2 | -2,3 | 96,7 |
| фермер хўжаликлари | млн.дона | 4,0 | 10,0 | 6,0 | 250,0 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 0,4 | 0,8 | 0,4 | 215,1 |
| Жун (барча тоифадаги хўжаликлар) | тонна | 15415 | 16560,0 | 1145,0 | 107,4 |
| қишлоқ хўжалик корхоналари | -"- | 4143 | 4760,0 | 617,0 | 114,9 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 26,7 | 28,7 | 2,0 | 107,7 |
| аҳоли хўжаликлари | тонна | 11136 | 11800,0 | 664,0 | 106,0 |
| жамига нисбатан % ҳисобида | % | 72,4 | 71,3 | -1,1 | 98,4 |
| Пилла (барча тоифадаги хўжаликлар) | тонна | 20860 | 20385 | -475,0 | 97,7 |

## 7-боб. Наманган туманидаги "ҒАЙРАТ" (Олти қаҳрамон) жамоа хўжалигида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни бориши ҳамда пахта, ғалла, озуқа ва такрорий экинлардан юқори ҳосил олишда индекатив режалаштириш қўлланишидаги иш тажрибалар

Мустақил Ўзбекистон Республикамизда бозор иқтисодиёти муносабатлари жараёни, қишлоқ хўжалиги ходимлари олдида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини ишлаб чиқариш ҳисобига тўлароқ қондириш масаласини асосий вазифалардан бири қилиб қўймоқда. Бу борада ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган илмий асосда ишлаб чиқарилган янги, самарали технологиялардан фойдаланиб, бошоқли ва дуккакли дон ўсимликлари маҳсулотларини етиштириш ва уни қайта ишлаш муҳим ўринни эгаллайди.

Президентимиз И.А.Каримов ташаббуслари билан ер майдонларини табиий унумдорлигини сақлаб қолиш, пахта, бошоқли ва дуккакли дон экинларини алмашлаб экиш схемасини ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш имконияти яратилди. Маълумки, суғориладиган майдонларда ғалла асосан кузда экилади. Шунинг учун ҳам дон етиштириш технологиясини хар бир худуд агроэкология жиҳатидан ўзига хос ва мос равишда шу худуд учун районлаштирилган навларни танлаш, уруғчилик соҳасини йўлга қўйиш хар бир қишлоқ хўжалик раҳбар ва мутахассисларининг асосий вазифасидир.

Дон етиштириш технологияси мураккаб жараёнлардан бири бўлиб уруғликни тозалаш, саралаш, сифатли, ўз муддатида экиш, ундириб олиш, ниҳолларни парваришлаш, суғориш, озиқлантириш, ҳосилни зараркунанда ва касалликлардан сақлаш, ўз вақтида йиғиштириб олишни таъминлаш мўл ҳосил олиш гаровидир. Ғалла экинлари экилгандан то пишиб етилгунгача бўлган даврида намликка, иссиқликка, озуқа моддаларига бўлган талаби худуд табиий шароитдан келиб чиқиб, турлича бўлади. Хар бир деҳқон, мутахассис бу жараёнларни мукаммал билиши ва унга ўз вақтида илмий асосда ёндошиши мўл-кўл ҳосил олиш имкониятини беради.

Шуни ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 августдаги 344-сонли қарори ва Наманган вилоят ҳокимининг 1998 йил 4 сентябрдаги 237-сонли қарорига асосан суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли дон ўсимликлари Илмий тадқиқот институти Наманган филиали Наманган туман "Ғайрат" жамоа хўжалигида ташкил топди ва унга тажриба учун 3000 га. ер майдони ажратилди. Филиални асосий мақсади бошоқли дон ва дуккакли дон маҳсулотларини хар бир худуд шароитига қараб янги серҳосил навларини яратиш, уни жорий этиш, вилоятда уруғчиликни ривожлантириш ва хўжаликларини сифатли Супер-элита

ва Элита уруғлар ҳам унинг технологик тавсиялари билан таъминлашдан иборат.Бу борада филиал ходимлари "Ғайрат" (Олтин Қаҳрамон) жамоа хўжалиги мутахассислари билан биргаликда ҳозиргача 65 дан ортиқ Республика худудида яратилган ва четдан келтирилган бошоқли ва дуккакли дон экинлари навларини экиб, уни селекция ва янги технологиялари устида илмий тадқиқот ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш, уруғчилик хўжалигини ташкил этиш борасида иш олиб борилмоқда.

## Бошоқли дон экинларининг илғор технологияси

Вилоятимиз шароитида суғориладиган майдонларга бошоқли ғалла ўсимликлари икки усулда экилади.

**1. Ғалла экинларини очиқ майдонларга экиш:**

а) ерни шудгорлаш;

Ғалла экиладиган майдонларни шудгорлашдан олдин хўжалик шароитидан келиб чиқиб гектарига 20-30 тонна органик ўғит ва физик ҳолда 300-350 кг. фосфорли, 100 кг, калийли ўғитлар солиб сифатли қилиб 35-40 см. чуқурликда ҳайдалади.

б) ерни текислаш;

Суғориладиган майдонларда кузги ғалла уруғини бир хил, текис чуқурликка ташлаш, уларни текис ундириб олиш, кузги ва баҳорги суғориш сифатини яхшилашда, ерларни текислаш энг муҳим аҳамиятга эга. Текислашда тупроқнинг намлиги ва агрофизик хусусиятларига қараб, хўжаликда бор имкониятлардан фойдаланиб "зиг-заг" (тишли) борона, оғир вазнли БДТ-3 дискали, чизел ва молалар билан текисланади.

## Уруғлик сифати ва уни экишга тайёрлаш

Бошоқли дон ҳамда оралиқ экинларидан мўл ҳосил олишда уруғликни сифатли тайёрлаш энг муҳим аҳамиятга эга. Энг аввал уруғлик учун ажратилган ва махсус уруғлик технологиясига риоя қилиб ўстирилган уруғчилик майдонларидан уруғ тайёрлаш керак.

Экинларни уруғи сифатини белгилашда уруғликни тозалиги унувчанлиги, 1000 донасини оғирлиги ва бошқа кўрсаткичлар ҳисобга олинади. Давлат андозасига асосан ўсимликлар уруғи уч синфга бўлинади. Уруғликни қуритилгандан кейин махсус машиналар ёрдамида тозаланади ва сараланади. Уруғлик донни тозалаш ва саралашда "Петкус-гигант" русумли Олмония машинасидан фойдаланиш яхши натижа беради. Тайёрланган уруғлик Давлат инспекцияси назоратидан ўтиши керак,инспекция рухсати булмаган уруғни экиш каттиян маън этилади. Қоракуя, занг ва ҳоказо касалликларга чалинмаслиги учун уруғни экишдан аввал кимёвий препаратлар билан мутахассислар иштирокида дориланиши шарт.

## Экиш

Экишга тайёрланган майдонни хўжаликда бор имкониятлардан фойдаланиб эгат олиш (очар олиш) мосламаси ўрнатилган СТЗ-3,6 маркали ғалла экиш сеялкасига қайта жиҳозланиб, унинг олди қисмига қўшимча рама ўрнатилади. Шу рамага хар бирининг оралиғини 90 смдан иборат 5 та жуяк олғич, очар ўрнатилади. Натижада бирданига 12-14 см чуқурликда жўяк олиниб, жўякнинг барча қисмига бирдай чуқурликда уруғ экилиши таъминланади.

## Экиш муддати

Суғориладиган ерларда кузги буғдойни белгиланган оптимал муддатлари 20 сентябрдан бошлаб 20 октябргача мақбул муддатдир. Экиш нормаси уруғнинг тозалиги, унувчанлигига 1000 дон уруғни вазнига қараб гектар ҳисобига кўчат қалинлиги 4,5-5 млн. пуд бўлишини таъминлаш лозим.

## Экиш чуқурлиги

Юқори ҳосил олишда экиш чуқурлигига риоя қилиш ниҳолни бир хилда ундириб олишнинг асосий омилдир. Бу борада ҳар бир худуд учун тупроқ иқлим, агроэкологик шароитдан келиб чиқиб навнинг биологик хусусиятини назарга олиб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Нам етарли майдонларда экишнинг мақбул чуқурлиги 2.5-3 см тупроғи енгил, кумоқ, намлик тезда кўтариладиган айниқса, кам сув, тошлоқ майдонларда экиш чуқурлиги 3.5-4 см қилиб белгилаш ўринлидир. Ҳаддан ташқари чуқур экилса (5-6 см) уруғнинг униб чиқиш энергияси етишмаслиги ҳисобига уруғ нобуд бўлиб, кўчат камаяди. Экишдан кейин тезлик билан суғориш ташкил этиш сувни тежаш мақсадида ўқ ариқлар оралиғи 60-70 метрдан ошмаслиги лозим. Биринчи сув билан буғдойни тўла ундириб, чиқариб олингандан кейин иккинчи сувдан олдин гектарига физик ҳолда 130-150 кг нормада азотли ўғит бериш керак. Бу тадбир кечи билан 15 ноябргача амалга ошириш яхши натижа беради.

## 2. Ўсиб турган ғўза қатор орасига кузги ғалла экиш технологияси

Ғўза қатор орасига ғалла экиладиган майдонлар аввалдан хўжалик мутахассислари томонидан аниқланиб, бундай далаларга ғўзанинг эрта пишар навларини экиш лозим, барча агротехник чоратадбирларни ўз вақтида қўллаб пахтани эртароқ пишириб ҳосилни тезроқ йиғиб олишга қаратилиши лозим. Пахта октябрь ойининг биринчи ярмигача бўлган муддатга машина ёрдамида ёки қўлда териб олингандан кейин ғўза қатор орасига бошоқли дон экиш яхши натижа беради. Ғўза қатор орасига ғалла экишдан олдин НРУ-0.5

мосламаси билан гектарига физик ҳолда 300-350 кг фосфорли, 100 кг калийли ўғит солиниб, кейин қатор орасини 20-25 см чуқурликда культивация қилинади. Ғўза қатор орасига ғалла экиш агрегати Т-28х4 ёки МТЗ-80 тракторига тиркаладиган ғўза культиватори (КРХ-4) устига ўрнатилган СТЗ-3.6 маркали дон сеялкасини уруғ ва ўғит соладиган қутисидан иборат мослама агрегати билан экилади. Бунда қатор оралиғига культиватор ишчи органлари ёрдамида юмшатилган тупроқни бир пайтнинг ўзида ғалла экинлари экиб аралаштириб борилади. Бунда уруғ юмшоқ тупроққа яхши аралашишига эътибор кучайтирилиши лозим. Экишдан кейин сифатли суғорилади. Иккинчи сувдан олдин униб чиққан майсаларга гектарига физик ҳолда 150 кг азотли ўғит бериб енгил суғорилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ғўза қатор орасига кузги ғалла экиш технологиясини муҳим шартларидан бири, экишни фақат қайта жиҳозланган КРХ-4 маркали пахта культиватори ёки СТЗ-3.6 маркали ғалла сеялкаларида экиш лозим. Лекин вилоятимизнинг кўпчилик хўжаликларида ғўза қатор орасига кузги уруғи НРУ-0.5 русумли ўғит сепкичлар ёрдами билан экиш ҳоллари кузатилмоқда. Бундай усулда экилганда уруғ тупроқнинг бетида қолиб унинг унувчанлиги камайиб 25-30 фоиздан ошмайди. Натижада илдиз тизими яхши ривожланмайди ва чуқур илдиз ота олмайди, бу эса уруғнинг совуқдан кучли зарарланиши, касаллик, зараркунандалар билан зарарланишига ва нобуд бўлишига олиб келади, натижада кўзланган ҳосил олинмайди. Вегетация даврида хўжалик ер, иқлим экологик хусусиятларини ҳисобга олиб 4-6 марта суғориб, дала нам сиғими 70-80 фоиз оралиғида бўлишини таъминлаш яхши натижа беради. Февраль ойи охири март ойи бошларида ғалла ўсимлиги ривожланиши яхшиланиб бораётган даврда физик ҳолда 300-350 кг аммиакли селитра ёки 250 кг карбомид солиб суғорилади. Кейинги ўғит ғаллани буқоқлаш даврида гектарига физик ҳолда 200-250 кгдан азотли ўғит бериш юқори ҳосил олиш имконини беради.

**Пахтачилик бўйича**

Ерни шудгорлаш:

Кузги шудгорлашда, вегетация даврида зичлашиб, қотиб кетган ҳайдалма қатлам юмшатилиб, увоқланиб донадор ҳолатга келиши таъминланади. Шу билан бирга бегона ўт уруғлари, ҳашарот тухумлари, касаллик тарқатувчи микроблар шудгор тагига тушиб чириб кетишига эришилади.

Тўғри ва сифатли қилиб, ўз вақтида ўтказилган кузги шудгор шўр ювиш, нам тўплаш ва вегетация сувлари, ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва бошқалар самарадорлигини оширади.

Шудгорлаш ғўзапоя ҳамда бошқа экинлар қолдиқларидан тозаланиб гектарига 30-35 тонна маҳаллий ўғит (гўнг оборотига кир-

ган майдонларда) ва физик ҳолда гектарига 300-350 кг. фосфорли, 100-150кг калийли ўғит солинган пайкалларда икки ярусли ПЯ-3-35, ПДЗ-35 омочлари ёрдамида 40-45 см. чуқурликда амалга оширилади.

Шудгорлашни имкон борича эртароқ ўтказиб, тупроқда кузги-қишки ёғингарчиликдаги намликни баҳорги экин экиш мавсумигача заҳира қилиб бориш зарур.

Тупроққа экиш олдидан ишлов бериш:

Шудгорлаш ўтказилган барча майдонларда, биринчи навбатда тупроқ юзаси шихмола (зиг-зиг)ланиши зарур. Уни сифатли ўтказиш экиш сифати билан узвий боғлиқдир. Тупроқнинг 8-10 смли юза қисми етилиши билан дарҳол уни шихмоли қилишга киришиш лозим. Далалар ҳолатига қараб баъзи майдонлар 1-2 марта шихмоланиб текисланади. Шу далаларга мола босиш зарурияти бўлмаса, карта қирғоқлари чизилланиб, пушта олиб қўйилади. Ер нотекис бўлган ерларда бир марта шихмоладан сўнг ВП-6, ВП-8 темир молалар ёрдамида ер текисланиб сўнгра пушта олинади.

**Ерларни яхоблаш:**

Пуштаси олинган далаларда экиладиган чигитни тупроқнинг табиий намига ундириб олишнинг имконияти бўлмаса, суғоришга тўғри келади. Шунинг учун пушта олингандан кейин 60 см. схемада 50-60 метр, 90 см. схемада 70-80 метр оралатиб пушта олинган қаторни кундалангига тўғри қилиб ўқ ариқлар олинади. Сув қўш эгат қилиб таралади, пуштанинг чигит экадиган устки қисми намлангунча суғорилади.

Суғоришда пуштанинг сув босишига асло йўл қўйилмайди. Суғориш даланинг ҳолатига қараб 24-36 соатга давом этади. Ҳар гектарига 800-900 кубометр сув сарф бўлади. Хўжалик шароитида пушта олинган далаларни суғориш об-ҳаво шароитига қараб баҳорда пушта олиниши билан пешма-пеш бошланади. Бу йилги шароитда пушта олинган далаларни суғориш 20 мартдан бошланиб 5 апрелгача давом этди ёки энг охирги далалар чигит экишдан 10-12 кун олдин тугалланди.

**Пуштага чигит экиш:**

Кейинги йилларда, пахтачиликда қўлланилаётган интенсив технология омилларидан бири-ғўзани пуштага экишдир. Бу усулда чигит экишни қатор афзалликлари деярли ола экмаслик, уруғни униб чиқиш кувватини юқорилиги, хар гектар майдонга экиш учун кетадиган чигит сарфини камлиги, эрта, баравж ва соғлом ниҳолларни пайдо бўлиши, далаларда кўплаб ёввойи ўтларни йўқолиб кетиши, чигит тушган ерда ҳаво ҳароратини ортиши тупроқ говак-юмшоқ туриши, ўсимликларни ўсиб, ривожланиши жадал бориши

ва оқибат натижада ҳосилдорликни сезиларли даражада ортиши кабилар тажрибаларда исботланган.

Хўжаликда пуштага экиш 1980 йилдан бошланган. Пуштага чигит экилган далалар хар гектар пахта майдонидан олинган ҳосил текис ерга экилганидан 5-6 центнерга кўп бўлади.

Хўжликда пушта олиш муддатлари об-ҳаво шароитига қараб белгиланади. Ер кузда шугорлангандан кейин об-ҳаво шароити пушта олиш имкониятини берса, 35-40 фоиз майдонда пушта олиб қўйилади, қолган майдонлар баҳорда ер етилиши билан март ойининг 2чи ўн кунлигидан 1 апрелгача пушта олиш тугалланади. Пушталар балиқ сирти қилиб чуқур олиниши, пушталарни қўшилиш оралиғи 85-90 см.дан камайиб ёки ортиб кетмаслиги зарур. Пушта олиш билан бирга хар гектарига фосфорли ва азотли ўғитлар йиллик меъёрини 20 фоизи берилади.

Пушта олиш заводларда чиқарилган ҳамда хўжаликда яратилган махсус мосламалар ёрдамида 90 см.ли схемада МТЗ-80, 60 см.ли схемада Т-28Х4, Т-28-Х4М маркали тракторларга тиркалиб амалга оширилади.

**Плёнка остига чигит экиш:**

Пахтачиликда "Андижон усули" деб номланган плёнка остига чигит экиш одатдаги усулдан ўзининг пахта ҳосилини эрта пишиб етилиши ва одди усулда экилган пахтада 3-4 центнер юқори ҳосил бериши билан ажралиб туради. Одатдаги усулда тупроқ ҳарорати 11-12 даража бўлишини кутишга тўғри келади, бундай ҳарорат эса апрель ойининг биринчи декадасидан сўнг бўлади. Плёнка остига чигит экиш усулида эса тупроқнинг 10 см. чуқурликдаги ҳарорати 8-10 даражада бўлганда ҳам, яъни март ойининг 2 ярмидан экишни бошлаш мумкин. Сабаби плёнка қуёшнинг таъсирида тупроқ ҳароратини 3-4 даража оширади, чигит дарҳол амал олиб, тўла ва текис униб чиқади, тез илдиз ота бошлайди. Кучли ёмғир, дўл ва бошқа табиий офатлар оқибатида ернинг қатқалоқ бўлиб қолишидан сақлайди. Тупроқ доимо майин ва юмшоқ ҳолатда бўлади. Плёнка туфайли олинаётган қўшимча ҳарорат тупроқнинг пастки қисмидаги намни буғлатиб, тепа қисмига кўтаради, плёнкага тарқалган пар томчига айланиб яна пастга тушади. Натижада тупроқдаги экилган уруғ тўла униб чиқади. Плёнка остида экилган ғўза ниҳоли тўлиқ униб чиқиб 3-4 чинбарг чиқарганда плёнкани йиғиб олиб (тахминан 15-20чи майд), ниҳолларга ишлов бериш оддий усулдагидай давом эттирилади. Одатда усулда пахта асосан сентябрь ойининг бошларида очилса, чигит плёнка остига экилганда эса бу жараён август ойи бошларидан бошланади.

Хўжаликда икки йилдан бери шу усулда пахта экишга киришилиб, 1997 йилда 250 га, 1998 йилда эса 290 га. майдонга чигит плёнка

остига экилди. Плёнка остига чигит экишнинг барча агротехника талабларига риоя қилган бригадаларда шу усулда хар гектар ердан 50 центнерга етказиб ҳосил олинди ёки оддий усулга нисбатан 5-7 центнердан ортиқ ҳосил олишга эришдилар. Хўжалик бўйича плёнка остига экилган майдондан оддий усулга нисбатан 3,5 центнер ортиқ ҳосил олинди. Бироқ бу усулда барча хўжаликларда кўплаб майдонларга плёнка остига чигит экиш тўғри келмайди. Ҳар бир хўжаликнинг табиий шароитидан келиб чиқиб экишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Плёнка остига чигит экишни иқтисодий самарадорлиги жадвалда кўрсатилган.

| т/б N | Мазмуни | ўлчов бирлиги | жами | шу жумладан оддий усулда | плёнка ост |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Пахта ер майдони | га | 650 | 360 | 290 |
| | ҳосилдорлик | цент. | 43,0 | 41,8 | 44,6 |
| | ялпи ҳосил | тонна | 2798 | 1505 | 1293 |
| 2. | Жами харажат | м.сўм | 83042 | 44368 | 38674 |
| | 1 цент таннархи | сўм | 2968 | 2948 | 2991 |
| | 1 гектарга | сўм | 127756 | 123244 | 133359 |
| 3. | Жами даромад | м.сўм | 79954 | 40802 | 39152 |
| | 1 центердан | сўм | 2857 | 2711 | 3028 |
| | 1 гектардан | сўм | 12006 | 113339 | 135007 |
| 4. | Жами фода | м.сўм | 478 | — | 478 |
| | зарар | м.сўм | 3566 | 3566 | — |
| | 1 гектардан фойда | сўм | — | — | 1648 |
| | зарар | сўм | 4750 | 9905 | — |
| | 1 цент.фойда | сўм | — | — | 37 |
| | зарар | сўм | 111 | 238 | — |

**Уруғлик сифати, чигит экиш, кўчат қалинлиги**

Хўжаликда яратилажак пахта ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан уруғлик сифатига боғлиқдир. Экиладиган чигитлар давлат стандарти томонидан қўйилган барча талабларга тўла жавоб бериши лозим.

Унувчанлиги 1 ва 2 классга тўғри келиб, маълум нав сифатига эга бўлган уруғлардан фойдаланилади.

Хўжалик Учқўрғон туман хўжаликларида тайёрланган юқори ҳосилли, пахта-яхши пишиб етиладиган, районлаштирилган "Фарғона-3" пахта навининг Элита ва 1чи авлод уруғларини бир неча йилдан бери экиб келмоқда.

Хўжаликда чигитни агротехника жиҳатдан энг қулай муддатларда яхшилаб тайёрланган пушталарга ўз вақтида экиш, ғўза ниҳолларини эрта, бир текис ундириб олиш билан бирга ҳосилни бар-

вақт етиштириш, мўл, арзон ва сифатли пахта ҳосили олишнинг энг муҳим тадбирларидан ҳисобланади. Шунинг учун чигитни энг қулай ва қисқа муддатларда 10-15 иш кунида экиш чоралари кўрилмоқда.

Чигит экишнинг энг мақбул муддати хўжалигимизда иқлим, тупроқ шароитларига қараб плёнка остига 10-30 март, оддий усулда 5-20 апрель ҳисобланади. Чигитлар экиш муддатига қараб 4-5 см. чукурликка тушиши лозим.

Ғўза кўчатини қалинлиги тупроқ шароити, унумдорлигига қараб хўжалик шароитида бедапоядан чиққан, унумдорлиги юқори бўлган майдонларда гектарига 90-100 минг туп атрофида сақлаб қолинса кифоя қилади. Ўсимликларни 60х30х2, 90х20х2 схемаларида жойлаштириш энг мақбул ҳисобланади.

**Ғўза қатор ораларига ишлов бериш**

Хўжаликда пахтадан мўл ва эртаги ҳосил олиш, ғўза илдизларининг яхши авж олиб ўсиши учун ҳамма зарур шароитлар яратилади.

Уруғ ер бетига 40-45 фоиз униб чиқиши билан қатор ораларига биринчи ишлов бериш бошланади. Ишлов беришда культивация чуқурлиги ва кенглигига алоҳида эътибор берилади. Ерни юмшатиш пайтида кесак кўчишига йўл қўймаслик лозим. Биринчи комплекс ишлов 10 майга қадар тугалланади.

Тупроқда йиғилиб қолган ачиқ намни қочириш, ғўза илдиз системасини ривожлантиришни яхшилаш, озуқа моддаларини ўсимлик илдизига яхши сингишини таъминлаш мақсадида чуқур чизеллаш ўтказилади. Бу тадбир 15-25 майга қадар амалга оширилади.

**Ғўзани кетмон чопиғи**

Хўжаликда пахтадан муттасил юқори ҳосил олишнинг асосий сабабларидан бири сифатли кетмон чопиғи ўтказишдир. Ғўза гуллашидан олдин бир марта сифатли кетмон чопиғи ўтказиш зарур, бу билан ғўза атрофи юмшаб, озиқ моддалрни ўзлаштириши яхшиланади.

**Ғўзани озиқлантириш**

Хўжаликда органик ва минерал ўғитлар тупроқ агрохим картограммалари асосида самарали фойдаланилаётгани туфайли хар йили пахтадан муттасил мўл ҳосил етиштириб келинмоқда. Хўжаликда кўп йилдан буён фосфорли ўғитнинг йиллик меъёрининг 50-60 фоизи,калийли ўғитнинг 50 фоизи, гўнг оборотига кирган майдонларга гектарига 35 тонна маҳаллий ўғит кузги шудгорланидан олдин солинмоқда. Эрта баҳорда пушта билан бир йўла фосфорли азотли ўғитнинг 20 фоизи берилмоқда, Минерал ўғитларнинг қолган қисмини вегетация даврида иккига бўлиб, қўшимча озиқлanти-

рилмоқда. Ғўзага 5 июлдан кейин минерал ўғитлар солиш тўхтатилади. Ўғитни 10 июлдан кейин айниқса, карбомидни солиш умуман мумкин эмас, чунки пахта ҳосилини пишиб етилишини кечиктириб юборади.

**Ғўзани суғориш**

Ғўзани сувга бўлган талаби хўжалик иқлим, тупроқ, ер ости сувларининг чуқурлигига, ёғингарчилик миқдорига, экилаётган ғўза навига қараб аниқланади. Хўжаликда вегетация давомида пахта майдонларига 4-5 марта сув берилади. Ғўзалар шоналаб гуллай бошлаганида бир марта, солинган ўғитни ўсимлик ўзлаштирадиган даражалда енгил суғорилади, гуллаш ва кўсаклаш даврида 3-4 марта суғорилади. Хосил пишиб етилиши даврида ғўзанинг ҳолатига қараб сув берилади. Ҳар бир суғоришдан сўнг, ғўза қатор оралари культивация қилиниб, беш очар очиб қўйилади. Сизот сувлари юза жойлашган майдонларда ўсимлик сувга келмаса, култивация қилиб очари бузилиб, қайта беш очар очиб қўйилади. Ғўзани суғориш гуруҳ усулида амалга оширилади. Хар бир пайкалда 60 см. схемада 50-60 метр, 90 см. схемада 70-80 метрдан кўндаланг ўқ ариқлар олинади. Даланинг паст-баландлигига қараб узунасига эгат ўртасидан 50-60 метр оралатиб 4-5 тикка ўқариқлар олинади. Суғориш бирбир ярим суткадан оширмасликка эришилади.

**Ғўза заракунандаларига қарши кураш**

Хўжаликда ғўза аракунандаларидан ўргимчаккана, шира, трипс, илдиз қурти ва кўсак қуртидан иборат хашоратлар тарқалган. Ғўзани зараркунандалардан муҳофаза қилишга қаратилган ишларнинг ташкилий хўжалик, агротехник, биологик ва кимёвий усуллари хўжалик шароитида иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлади, айниқса, ғўзани заракунандалардан ҳимоя қилишда биологик усулдан кенг фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга. Бу усул асосан хўжаликда трихограммалардан фойдаланилади, бу эса атроф-муҳитни зарарланиши, ортиқча сарф харажатларни бўлмаслигини таъминлайди. Хўжаликда ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш билан аграном-энтомолог бошлиқ, 2 нафар участка химизатори, 14 нафар текширувчилар шуғулланадилар. Текширувчилар текшируви якунига қараб зараркунанда тушган майдонларни биологик ёки кимёвий усулда кураш олиб бориш белгиланади. Улар ихтиёрида 3 та ОВХ-28 маркали пуркагич ва чанлагич, 8 дона қўл аппарати, зараркунандаларга қарши курашишда ишлатиладиган олтингугурт ва бошқа кимёвий химикатлар етарли миқдорда мавжуд.

**Ғўзани чеканка қилиш**

Ғўзаларнинг меъёрий ривожланишини таъминлаш, ҳосил тугунчалари тўкилишини камайтириш учун чеканка муҳим агротехник

тадбир ҳисобланади. Хўжаликда чеканка ҳосил шохлари 14-15 тага етганда ўтказилади. Бу муддат 10 июлдан 25 июлга тўғри келади. Ғўза ўз вақтида чеканка қилинганда ўсимликда кўсаклар сони 2-3 тага кўпаяди, пахтасининг сифати яхшиланади. Бу тадбир эрта ўтказиб қўйилса, ғўза бачкилаб кетади, асосий пояга яқин мева элементларини тўкиб юборади. Чеканка кечиктирилса ҳам ғўза ўсиб кетади, ҳосил бўлган кўсаклар пишиб етилмай ҳосилни кеч очилишига олиб келади.

Чеканка албатта ғўза суғорилгандан кейин ўтказиш лозим. Агар ғўза сувга келмаса беш очар олиб, ғўзани сунъий равишда сувга келтириш керак.

**Ғўза дефолиацияси**

Пахтани ўз вақтида сифатли қилиб териб олиш учун агротехника тадбирлари асосида ғўза баргини тўктириш аҳамиятга эгадир. Пахта терими олдидан ғўзалар барги кимёвий препаратлар ёрдамида тўктирилса, ғўза қатор ораларига ҳаво алмашинуви, иссиқлик кириши яхшиланади, нисбий намлик камаяди, пахтанинг очилиши тезлашади. Хўжаликда ғўзани дефолиацияга тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Барги тўктириладиган майдонларни сувини дефолиациядан 7-10 кун олдин берилади ва тугатилади. Дала ичидаги бегона ўтларни юлиб чиқилади, ўт ариқлар сифатли текисланади. Дефолиация самарали бўлишнинг энг муҳим шартларидан бири уни ўтказишнинг энг қулай муддатини аниқ белгилашдан иборат. Ғўзалари туплари мавжуд кўсакларнинг 50-55 фоизи очилганда дефолиация бошланади. Хўжаликда дефолиация 5 сентябрдан 20 сентябргача бўлган оралиқда қилинмоқда. Бир неча йилдан буён дефолиация қилиш хўжаликда ОВХ-28 пуркагичлари ёрдамида ўтказилмоқда. Бу тадбирни ўтказиш учун Дропп, Дропп-ультра дефолиацияларидан фойдаланилмоқда. Бу йилги шариотда 100 фоиз майдон Дропп-ультра препарати гектарига 250 граммдан 400 гарммгача сарфлаб ишлатилади. Майдонларга дефолиация ўтказилгандан сўнг енгил сув очилади, бу билан ғўза баргини сифатли тўкилиши ҳамда кўсакларни нормал очилишига эришилади. (Бу талаб фақат "Дропп" ва "Дропп0ультра" препаратлари билан ишланадиган майдонларга тааллуқли).

**Пахта йиғим-терими**

Маълумки йиғим-терим даври пахтачиликда энг сермеҳнат долзарб давр ҳисобланади, унга умумий меҳнат сарфининг 60 фоизи тўғри келади. Хўжаликда пахта теримига катта эътибор берилиб, пахта очилган далалардан ғўза тупларини ҳар бирида ўртача 7-8 тадан ёки ҳар гектарида тахминан 25-30 центнердан пахта ҳосили очилгандан сўнг териш бу йилги шароитда хўжаликда яхши самара бериши исботланди. Теримга яхши эътибор бериб, яхши очил-

тириб теримга тушган бригадаларда бир теримда гектаридан 40 центнергача етказиб ҳосил олинди. Бу йилги шароитда хўжаликда ҳосилни икки марта териб олиш билан терим якунланди.

Юртбошимиз ҳурматли И.А.Каримов Андижон ва Самарқанд вилоятлари қишлоқ хўжалик ходимлари билан бўлган учрашувда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида сабзавот, картошка ва бошқа озиқ-овқат экинлари ҳамда чорвачилик, паррандачилик соҳасини ривожлантиришда, уни озуқа базасини мустаҳкамлашда оралиқ ва такрорий экинлар экиш, ундан юқори, сифатли ҳосил олиш масаласини қўйдилар. Бу борада "Файрат" (Олти Қаҳрамон) жамоа хўжалик раҳбар мутахассислари бир мунча ишларни амалга оширмоқдалар. Айниқса, хўжаликда мавжуд 880 бош шартли қорамолларни боқиш ва улардан чорвачилик маҳсулотлари олишда, озуқа экинлари майдонининг камлиги хўжалик маҳсулотлари олишда, озуқа экинлари майдонининг камлиги хўжалик мутахассисларидан чорва ҳайвонларини озуқасини майдонлардан такрорий экинлар экиб хўжаликнинг иқтисодий ҳолатини барқарорлаштиришда ердан унумли фойдаланиш, серҳосил, тезпишар қуйидаги экинларни экиб, улардан юқори ҳосил олинмоқда.

## Аралаш оралиқ экин

Хўжаликда 1998 йилда ҳосил олиш учун 25 га. майдонга 1997 йил кузида оралиқ экини экилади.

Экилган вақти — 20.09.97 йил.

Экиш нормаси:

**Кенг баргли сули — 60 кг/га**
**Третикале — 40 кг/га**
**Хашаки нўхот — 25 кг/га**
**Арпа — 25 кг/га**
**Перко — 7 кг/га**

**Жами аралаш 157 кг/га Экиш схемаси 60 см.**

Экиш олдидан гектарига 25-30 тонна органик ўғит, физик ҳолда 300 кг фосфорли, 100 кг калийли ўғит солинади. Экиш НРУ-0,5 мосламасида амалга оширилди. Ундириб олиш учун бир марта сифатли суғорилди. 1998 йилнинг февраль ойида гектарига физик ҳолда 500 кг азотли, 200 кг. фосфорли ўғит берилди. Вегетация даврида икки марта сифатли суғорилди. Май ойининг 1- декадасида 22 гектарни йиғиштириб олинди. Гектаридан 610 центнердан ёки 15,5 тонна озуқа бирлиги олинди. Қолган 3 га майдонни парвариşлаб, келгуси йил ҳосили учун экишга аралаш уруғ етиштирилиб июнь ойи 2-чи декадасида йиғиштириб олиниб гектаридан аралаш ҳосил-

да 35 центнердан ҳосил олинди.

Оралиқ экиндан бўшаган майдонни 10 гектарига маккажўхори дон учун, 15 гектарига маккажўхори силос учун ерлар сифатли тайёрланиб экилиб, ҳар гектаридан 30 центнердан дон, 200 центнердан кўк масса ёки гектар ҳисобига 7 тонна озуқа бирлиги олинди. Жамъи бўлиб 22,5 тонна озуқа бирлиги бир гектар ердан бир йилда икки экин қилиб етиштирилди.

**Бошоқли ғалладан бўшаган ерларга такрорий экин экиш**

Бошоқли ғалладан бўшаган майдонларга вилоятдан биринчи марта такрорий сифатида тажриба учун 6 га. майдонга хашаки қизилча экилди. Экиш олдидан гектарига физик ҳолда 300 кг. фосфорли, 100 кг калийли ўғит солиб шудгор қилиниб ерларни сифатли текислаб, 90 см.ли схемада пушта олиниб "румин" сеялкасида гектарига 12 кг.дан уруғ сарфлаб июль ойининг 1-чи декадасида экилди. Ундириб олиш учун 2 марта сув берилди. Вегетация даврида 4 марта суғорилди, 3 марта культивация, 1 марта чуқур чизел, 1 марта кетмон чопиқ, 2 марта ўғитлаш ўтказилди. Гектарига физик ҳолда 550-600кг. азотли, 200 кг. фосфорли, 200 кг. калийли ўғит берилди. Ноябрь ойининг 2-чи декадасида йиғиштириб олиниб гектаридан 500 центнердан ҳосил олинди.

- Хашаки лавлаги агротехникаси асосида 5 га. майдонга гектарига 10 кг. дан уруғ сарфлаб ош қизилча экиб гектаридан 200 центнердан ҳосил йиғиш ириб олинди.

**Макка силос**

Буғдой ҳосили ўриб олингандан сўнг ўрнига июнь ойи охири июль ойи бошларида 167 га. майдонга гектарига 35 кг. дан уруғ сарфлаб силос учун маккажўхори ерни хайдамасдан хўжаликда илмий асосда тайёрланган мослама билан "румин" сеялкасида экилди ва орқасидан пешма-пеш суғорилиб ундириб олинди. Вегетация даврида 4 марта культивация, 2 марта ўғитлаш, 5 марта суғориш ўтказилди. Гектарига физик ҳолда 400 кг. азотли, 250 кг. фосфорли ўғит берилди. Гектаридан ўртача 153 центнердан кўк масса олинди.

**Картошка**

Ғалладан бўшаган майдон хайдов олдидан суғорилиб, етилиш билан гектарига физик ҳолда 350 кг. дан фосфорли, 25-30 тонна маҳаллий ўғит солиниб шудгор қилинди, сифатли текисланиб, 90 см.ли схемада пушта олиниб 22-23 см. оралиқда 30 га. майдонга қўлда экилади. Экиш даври июль ойининг иссиқ кунларига тўғри келганлиги сабабли картошка уруғи кечки салқин пайтда амалга ошириладн. Гектарига 4275 кг.дан урут сарфланади. Ундириб олиш учун бир марта суғорилди. Вегетация даврида 7 марта суғорилди, 4 марта

культивация, 1 марта чуқур чизел, 1 марта сифатли кетмон чопиқ, 2 марта гектарига жами бўлиб физик ҳолда 1500 кг.дан ўғит солинди, шундан 1030 кг. азотли, 350 кг. фосфорли, 120 кг. калийли. Ҳар бир гектаридан ўртача 210 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Бундан ташқари тажриба учун Голландиядан келтирилган картошкани 19 хил навини 0,11 га. майдонга юқорида кўрсатилган агротехника асосида экилиб, синовдан ўтказилди. Натижада бизни шароитга мослашган такрорий экин сифатида экилиб юқори, сифатли ҳосил берадиган 6 хил нави аниқланди.

**Сабзи**

Ғалладан бўшаган майдонга юқорида кўрсатилган агротехника талаблари асосида экишга тайёрланиб, 90 см. схемада пуштаси олиниб, 10 га майдонга гектарига 6 кг.дан уруғ сарфлаб мослама ёрдамида сабзи экилди. Вегетация даврида 6 марта суғориш, 2 марта ўтоқ, 1 марта яганалаш, 2 марта ўғитлаш, гектарига физик ҳолда 300 кг. азотли, 300 кг. фосфорли ўғит берилди. Гектаридан ўртача 200 центнердан ҳосил олинди.

Хўжаликда эришилган ютуқларни асосий манбаи ерларни шартнома асосида оилавий пудратчиларга бўлиб бериб иш ташкил қилиш, илмий асосда ишлаб чиқарилган изланиш, илғор технология ва фан ютуқларидан фойдаланиб ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасидир. Мана бир неча йилдирки хўжаликда экин майдонлари оилавий пудратчиларга шартнома асосида бўлиб берилади. Пудратчилар оила аъзолари билан бирга сидқидилдан ишлаб, ҳар бир экинни сифатли парваришлаб, улардан юқори ҳосил олиш учун астойдил меҳнат қилиб, шартномадаги режада кўрсатилганидан ортиқча маҳсулотни натура ҳолида олишга эришмоқдалар. Бу билан хўжаликда ерлар ўз эгасини топмоқда. Пировард натижада хўжалик даромади йилдан йилга ортиб, хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлиги ошиб, турмуш шароитлари яхшиланиб, жамоа худудидаги аҳолини инфратизмдаги муаммоларини аста секин ечиш имкони яратилмоқда. Кейинги 2 йилда 12 км. табиий газ, 5 км. масофада тоза ичимлик суви қувурлари тортилди, 4 км. масофадаги йўл асфальтланди, 6,5 млн.сўм маблағ жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш учун сарфланди.

**Наманган туманидаги "Олти Қаҳрамон" (Ғайрат) жамоа хўжалигининг 1995-1998 йил асосий иқтисодий кўрсаткичлари**

| т/б N | Мазмуни | ўлчов бирл. | 1995 йил | 1997 йил | 1998 йил | 1997 йилга ўсиш% |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Экин майдони | | | | | | |
| 1. | Жаъми экин майдони | га | 133( | 1233 | 1227 | 99 |
| 2. | ш.ж. Бошоқли дон | га | 355 | 455 | 478 | 105 |
| | Пахта | га | 737 | 685 | 650 | 95 |
| | Сабзавот | га | 8 | 5 | 5 | 100 |
| | Хашаки қизилча | га | 9 | — | 2 | — |
| | Эски беда | га | 170 | 61 | 93 | 155 |
| Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш | | | | | | |
| 1. | Бошоқли дон | тонна | 1812 | 2529 | 2429 | 96 |
| 2. | Пахта | тонна | 2793 | 2912 | 2800 | 96 |
| 3. | Сабзавот | тонна | 242 | 289 | 376 | 130 |
| 4. | Хашаки қизилча | тонна | 720 | 260 | 480 | 185 |
| 5. | Беда пичан ҳисобида | тонна | 2792 | 1171 | 1674 | 143 |
| 6. | Гўшт | тонна | 126 | 82 | 82 | 100 |
| 7. | Сут | тонна | 52 | 39 | 42 | 108 |
| Бир гектар ер ҳосилдорлиги | | | | | | |
| 1. | Бошоқли дон | цент. | 51.0 | 55.6 | 50.8 | 91 |
| 2. | Пахта | цент. | 38.0 | 42.5 | 43.0 | 101 |
| 3. | Сабзавот | цент. | 302 | 304 | 304 | 100 |
| 4. | Хашаки қизилча | цент. | 800 | 600 | 900 | 150 |
| 5. | Беда пичан | цент. | 175 | 180 | 180 | 100 |
| Чорвачиликдан маҳсулдорлик | | | | | | |
| 1. | Бир бош сигирдан сут | кг | 2844 | 2093 | 2110 | 101 |
| 2. | Хар 100 бош сигирдан бузоқ | бош | 85 | 86 | 86 | 10 |
| 3 | Хар қутидан пилла | кг | 64 | 78 | 75 | 96 |
| 1 центнер маҳсулот таннархи | | | | | | |
| 1. | Дон | сум | 162 | 435 | 780 | х |
| 2. | Пахта | сум | 848 | 2346 | 2840 | х |
| 3. | Гўшт | сум | 2064 | 10130 | 1160 | х |
| 4. | Сут | сум | 267 | 1146 | 1800 | х |
| 5. | Пилла | сум | 4533 | 9771 | 16580 | х |
| Бир гектар ер ҳисобига олинган пул даромади | | | | | | |
| 1. | Хўжалик бўйича жаъми | сум | 36873 | 103904 | 142800 | 137 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 2. | Дончиликда | сум | 1256854730 | | 60010 | 110 |
| 3. | Пахтадан | сум | 3605493850 | | 123010131 | |
| | тола даромади билан | сум | 48586110288 | | 145220131 | |
| 4. | Картошкадан | сум | 6500 | 287650620000215 | | |
| 5. | Сабзавотдан | сум | 85000227400366330161 | | | |

Жаъми пул даромади ва молиявий якун

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Жаъми пул даромади | м.сум | 49042128113170480133 | | | |
| 2. | Соф фойда | м.сум | 7103 | 20131 | 26200 | 130 |
| | Рентабеллик даражаси | фоиз | 16.9 | 18.6 | 17.8 | 96 |
| | ш.ж. ўсимликда | фоиз | 16.9 | 18.6 | 20.4 | 110 |
| | чорвачиликда | фоиз | 8.9 | 6.0 | 6.0 | 100 |

Бир ишловчига етиштирилган маҳсулот

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 1998 йил баҳосида | сўм | 150460 | | 154960158010 | 102 |
| 2. | Меҳнат унумдорлиги | фоиз | х | 103 | 105 | х |
| 3. | Бир ишловчини йиллик иш ҳақи | сум | 1361535990 | | 43340 | 120 |
| 4. | Бир иш куни ҳақи | сум | 46 | 123 | 146 | 119 |

Озуқа етиштириш ва тайёрлаш

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Хўжаликда етиштирилган жаъми озуқа бирлиги | тонна | 3315 | 3706 | 3420 | 101 |
| 2. | Бир гектар ердан олинган озуқа бирлиги | тонна | 14.2 | 14.6 | 14.8 | 101 |
| 3. | Бир шартли молга етиштирилди | цент. | 35.4 | 37.4 | 38.0 | 102 |
| | ш.ж. қишловга | цент. | 25.0 | 25.4 | 25.8 | 102 |

Наманган тумани "Ғайрат" (Олти Қаҳрамон) жамоа хўжалигида 1998 йил бошоқли дондан бўшаган ерларга экилган такрорий экинлардан кутиладиган даромад ва самарадорлик ҳақида маълумот

| т/б N | экин турлари | 1998 йил | | | Ялпи ҳосил тақсимоти | | | | | | жаъми | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | экин майдони га | ҳосилдорлик цент. | ялпи ҳосил тонна | давлатга сотиш | | истеъмолга сотиш | | иссиқ овқатга натура озуқа | | тонна | даромад минг сўм | 1 гектар минг сўм |
| | | | | | тонна | минг сўм | тонна | минг сўм | тонна | минг сўм | | | |
| 1. | Бошоқли дон | 478 | 50.8 | 2429 | 1771 | 22580 | 168 | 3360 | 376 | 2646 | 2315 | 28586 | 60.0 |
| | Такрорий экинлар | | | | | | | | | | | | |
| 2. | Макка дон | 10 | 30 | 30 | - | - | - | - | 30 | 300 | 30 | 300 | 30.0 |
| 3. | Шоли | 16 | 60 | 96 | - | - | 40 | 1600 | 40 | 1200 | 80 | 2800 | 175.0 |
| 4. | Мош | 10 | 8 | 8 | - | - | - | - | 8 | 240 | 8 | 240 | 24.0 |
| 5. | Кунга боқар | 7 | 10 | 7 | - | - | 5 | 750 | 2 | 100 | 7 | 850 | 121.0 |
| 6. | Картошка | 30 | 210 | 630 | 220 | 9460 | 200 | 6000 | 210 | 3150 | 630 | 18610 | 620.0 |
| 7. | Сабзавот | 21 | 150 | 315 | 100 | 800 | 15 | 90 | 200 | 600 | 315 | 1490 | 71.0 |
| 8. | Озуқа қизилча | 7 | 400 | 280 | - | - | - | - | 280 | 840 | 280 | 840 | 120.0 |
| 9. | Полиз | 3 | 100 | 30 | - | - | 12 | 48 | 18 | 52 | 30 | 100 | 34.0 |
| 10. | Макка силос | 182 | 160 | 2910 | - | - | - | - | 2910 | 4360 | 2910 | 4360 | 24.0 |
| | Жаъми такрорий | 286 | x | x | x | 10260 | x | 8488 | x | 10852 | x | 29600 | 103. |

Изоҳ: Бундан ташқари 1999 йил ҳосили учун 5 гектар пиёз, 22 гектар аралаш оралиқ экин экилган, ҳамда хўжалик аъзолари меҳнат фахрийлари, пенсионерларга, қишлоқдаги маориф, медицина ходимлари ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқлар ходимлари бозор иқтисодиёти шароитида ҳимоялаш, турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида 165 гектар бошоқли ғалладан бўшаган ерлар такрорий экин экиб фойдаланиши учун берилган.

. Наманган тумани "Файрат" (Олти Қаҳрамон) жамоа хўжалигида 1998 йил асосий ва такрорий экинлардан кутиладиган самарадорлик ҳақида маълумот

| т/б N | экин турлари | жаъми тонна | | сотилган маҳсулот таннархи | | сотишдан даромат | | натижа | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ишлаб чиқариш | сотиш | 1цент сум | жаъми м.сум | 1 цент сум | жами м.сум | фойда | зарар |
| Асосий экинлар | | | | | | | | | |
| 1. | Бошоқли дон | 2429 | 1916 | 780 | 14845 | 1388 | 26586 | 11641 | - |
| 2. | Пахта | 2800 | 2800 | 2840 | 79520 | 2661 | 74498 | - | 5022 |
| 3. | Сабзавот | 136 | 118 | 313 | 371 | 1860 | 2198 | 1827 | - |
| 4. | Гўшт | 78 | 55 | 11600 | 5650 | 9880 | 5536 | - | 114 |
| 5. | Сут | 565 | 392 | 1800 | 7056 | 2048 | 8029 | 973 | - |
| 6 | Тухум | 64 | 55 | 9500 | 523 | 12160 | 669 | 146 | - |
| 7 | Пилла | 42 | 42 | 16580 | 6996 | 14475 | 6108 | - | 888 |
| | Жаъми | x | x | x | 115061 | x | 123624 | 14586 | 6023 |
| Такрорий экинлар | | | | | | | | | |
| 1. | Шоли | 80 | 80 | 150 | 1200 | 3500 | 2800 | 1600 | - |
| 2. | Мош | 8 | 8 | 2300 | 184 | 3000 | 240 | 56 | - |
| 3. | Кунгабоқар | 7 | 7 | 3200 | 224 | 15000 | 750 | 526 | - |
| 4 | Картошка | 630 | 520 | 2890 | 14285 | 3580 | 18610 | 4325 | - |
| 5 | Сабзавот | 315 | 150 | 270 | 405 | 460 | 690 | 285 | - |
| | Жаъми | x | x | x | 16298 | x | 23090 | 6792 | - |
| | Пахта толаси | 711 | 711 | 812 | 5780 | 2030 | 14444 | 8664 | - |
| | Бошка тармоклардан | x | x | x | 6140 | x | 8320 | 2180 | |
| | Хўжалик бўйича ҳаммаси | x | x | x | 144280 | x | 170480 | 32223 | 6023 |

Наманган тумани "ҒАЙРАТ" (Олти Қаҳрамон) жамоа хўжалигида 1998 йил бошоқли ғалладан сўнг такрорий навларидан олинган ҳосилни солиштирма маълумоти

| т/б N | картошка навларини номи | картошка ранги | ҳосилдорлик центр/га | ҳосил сифати |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Импала | сариқ | 339.7 | ўрта |
| 2. | Фреско | сариқ | 343.8 | ўрта |
| 3. | Космос | сариқ | 323.6 | ўрта |
| 4. | Рая | қизил | 361.2 | яхши |
| 5. | Санте | сариқ | 321.1 | ўрта |
| 6. | Агриа | сариқ | 345.7 | ўрта |
| 7. | Фианна | сариқ | 380.0 | ўрта |
| 8. | Винелла | сариқ | 331.1 | ўрта |
| 9. | Кондор | қизил | 367.6 | яхши |
| 10. | Диамант | сариқ | 318.6 | ўрта |
| 11. | Кардинал | қизил | 351.2 | яхши |
| 12. | Герта | сариқ | 86.7 | ўрта |
| 13. | Дитта | сариқ | 288.0 | яхши |
| 14. | Аякс | сариқ | 300.0 | ўрта |
| 15. | Аноста | сариқ | 318.2 | ўрта |
| 16. | Пикассо | сариқ | 337.0 | ўрта |
| 17. | Марфона | сариқ | 424.0 | яхши |
| 18. | Романа | қизил | 339.2 | яхши |
| 19. | Номсиз | сариқ | 187.8 | ўрта |

ЭСЛАТМА: шудгорлашдан олдин гектарига физик ҳолда 300 кг фосфорли ўғит солинган. Вегетация даврида гектарига физик ҳолда 1500 кг азотли, 200 кг фосфорли, 50 кг калийли ўғит берилди. 6 марта суғориш, 2 марта кетмон чопиқ, 2 марта ўтоқ, 4 марта культивация: 1 марта чуқур чизел, 2 марта ўғитлаш, 2 марта хашаротга қарши курашиш ўтказилди.

## Хулоса

Қишлоқ хўжалигини режалаштириш, моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларидаги сингари, амалдаги ижтимоий-иқтисодий системага боғлиқ бўлмаган ҳолда, мақсадли фаолият юритишнинг ажралмас қисмидир. Қишлоқ хўжалигини режалаштиришни зарурияти аввало давлатнинг аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги масъулияти билан боғлиқдир. Режалаштириш қишлоқ хўжалиги тараққиётини эволюцион характерда бўлишини, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни таъминлайди.

Режалаштириш бозор муносабатларининг рационал шаклларига зид эмас. Бу маъмурий — буйруқбозлик системасидан фарқли ўлароқ мураккаб иқтисодий система эканлигига асосланади. Айни пайтда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат бозори фақат талаб ва таклиф, рақобатга асосланиб шаклланмасдан, балки бошқарув системасини мавжуд бўлишини талаб этади.

